

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ- МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ ФАНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ ВА ИЛФОР ТАЖРИБАЛАР”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2019

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли
баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва
бошқариш” кафедраси профессори, соц. ф. д.
Умаров Абдусалом Адилович

Такризчилар: “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва
бошқариш” кафедраси доценти Юлдашева М.Б.
“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва
бошқариш” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.
Юсупалиева Д.Қ.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Кенгашининг 201__ йил _____даги ___-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	94
V. КЕЙСЛАР	97
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	101
VII. ГЛОССАРИЙ.....	103
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	129

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш мақсадига хизмат қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия

жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Ижтимоий-маданий фаолият” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Ижтимоий-маданий фаолият” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Ижтимоий-маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ижтимоий-маданий фаолият соҳаси мутахассисларининг маданий, ахлоқий сифатларини эгаллаши;
- бу соҳанинг тушунча ва категорияларини;
- ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунчаларни;
- маданий тадбирлар ўтказиш жараёнларининг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши** керак.

Тингловчи:

- “Ижтимоий-маданий фаолият”, “Ҳордиқшунослик” фанларида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларини педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- маданият ва санъат соҳаси ходимининг касбий фазилатларини ўзлаштира олиш;
- маданий-маърифий муассасалар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва бошқара олиш;
- маданий-маърифий муассасалар фаолиятига услубий ёрдам кўрсата олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Тингловчи:

- ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубиёти асосларини эгаллаши;
- субъектлари тўғрисида аниқ илмий **тасаввурга**;
- ижтимоий-маданий фаолият ва маданий ҳордиқ тадбирларини ўтказиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ижтимоий-маданий фаолият билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашни шакллантириш;
- ижтимоий-маданий фаолият орқали фуқароларга миллий ҳоя асосларини сингдириш;
- ижтимоий-маданий фаолият воситасида инсонларда фаровон ҳаёт ва соғлом турмуш тарзи туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ижтимоий-маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” курси маъруза ва амалий машғулот, кўчма машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, бирор бир асарни тасвирлаш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Маданият марказларига ташриф буюрилади ва у ердаги фаолият билан яқиндан танишилади. Марказнинг фаолияти, ундаги тўғарақлар ишининг самарадорлиги иаҳлил қилинади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ижтимоий-маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” модули мазмуни ўқув режадаги “Амалий санъат (турлари бўйича)”, “Графика (турлари бўйича)”, “Рангтасвир (турлари бўйича)”, “Хайкалтарошлик (турлари бўйича)” фанини ўқитиш методикаси;

“Амалий санъат (турлари бўйича)”, “Графика (турлари бўйича)”, “Рангтасвир (турлари бўйича)”, “Хайкалтарошлик (турлари бўйича)” фанини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланиш;

“Амалий санъат (турлари бўйича)”, “Графика (турлари бўйича)”, “Рангтасвир (турлари бўйича)”, “Хайкалтарошлик (турлари бўйича)” да тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари;

“Ижтимоий-маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” ва “Арт маркетинг” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ижтимоий-маданий фаолият билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий

дунёқарашни шакллантириш, маданий тадбирлар воситасида фуқароларга миллий ғоя асосларини сингдириш, инсонларда фаровон ҳаёт ва соғлом турмуш тарзи туйғуларини шакллантириш ва услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг педагогик асослари.	2	2	2		
2.	Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.	2	2	2		
3.	Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш тизими.	2	2		2	
4.	Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий – маданий фаолиятдаги замонавий илғор тенденциялар. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари.	2	2		2	
5.	Ижтимоий – маданий фаолият- илмий тадқиқот тизимидаги фундаментал	4	4		2	

	йўналиш сифатида. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг функциялари ва тамойиллари.					
6.	Ижтимоий – маданий фаолиятни ташкил этишнинг психологик ва педагогик асослари. Ижтимоий – маданий фаолиятни тадбиқ этиш соҳалари.	4	4	2	2	2
Жами: 16		16	16	6	8	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг педагогик асослари.

1. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг моҳияти ва хусусиятлари;
2. Ижтимоий-маданий фаолият ҳаёида замонавий тушунча;
3. Ижтимоий-маданий фаолият – аҳолининг маънавий камол топтириш, дунёқарашини кенгайтириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, бўш вақтни самарали ўтказишга кўмак берувчи ижодий-ташкилий ишлар мажмуаси эканлиги;
4. Маданий-маърифий фаолиятнинг ижтимоий - маънавий фаолиятда тутган ўрни.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий 3 - бўғини:

Маданият, маънавият ва маърифат - барча давлат ташкилотларининг ва турли жамоаларнинг ижтимоий-маданий фаолияти. Энг юқори ташкилотдан тортиб, қуйи жамоаларгача ўз ишининг асосий қисми сифатида маданият ва маънавият билан шуғулланиш зарурлиги.

Маънавий - маърифий соҳа - номоддий фаолият билан шуғулланувчи муассасалар тизими ва фаолияти.

Мазкур фаолият билан машғул бўладилар:

- а. оммавий ахборот воситалари;
- б. таълим тарбия муассасалари;
- в. санъат муассасалари;
- г. маданий - маърифий муассасалар;
- д. ижодий уюшмалар;
- е. жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари.

Ижтимоий-маданий муассасалар фаолияти.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг объекти ва субъекти.

2-мавзу: Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

1. Собик шўролар даврида тарбия жараёнларини ташкил этишни танқид.
2. Тарбиявий жараён самарадорлигини таъминлашда ижодкорлик омилнинг роли.
3. Тарбия кишилик жамиятида шаклланиши билан ривожланиб келмоқда. Инсон туғилиши биланоқ ота-онанинг парвариши орқали атроф-муҳит билан танишади. У улғайиши мобайнида одамлар билан тил топа билиш, ишлаб чиқариш тажрибаси ва малакаларини ўзлаштиради, шу жараёнда унда ақлий ва жисмоний камолот, маданият, ахлоқий ва эстетик қарашлар шаклланади.
4. Ижтимоий-маданий фаолиятда тарбия билан шуғулланадиган ҳар бир масъул шахс аввало ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсадни ижтимоий муҳимлигини англаши лозим.
5. Тарбиянинг вазифалари кенг ва кўп қирралилиги.
6. Маданият уйларидаги адабиёт тўғараклари қатнашчилари турли насрий асарлар, шеърлардан парчалар ёд олишлари, уларнинг бадиий нутқ ва ижодий кўникмалари ривожланиши, шунингдек бадиий маданияти шаклланиши.

3-мавзу: Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш тизими.

- Қадимий давр, Ўрта асрларда ва Янги даврда ижтимоий-маданий тараққиёт
- а. Маданият туфайли инсоннинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиши;
 - б. Инсон маданиятни ва маданият инсонни ривожлантириши;
 - с. Дунёда ва Ўзбекистонда инсон маданиятининг илк кўринишлари;
 - д. Маданиятнинг таркибий қисми сифатида ўйин, одат, эътиқод, ижод, санъат кабиларнинг пайдо бўлиши.
- Маърифат генезиси:
- а. Билим олиш эҳтиёжи;
 - б. Ибтидоий даврда билим олиш тажриба алмаштириш, кўникмалар ҳосил қилишга оид интилишлар;
 - с. Маданият, маънавият ва маърифатга бўлган эҳтиёж туфайли ижтимоий-маданий ишларнинг аужудга келиши;
 - д. Термачилик овчилик, чорвочилик, деҳқончилик соҳаларига оид маданий, маънавий, маърифий, ижодий ишларнинг пайдо бўлиши;
- Қадимий эътиқодлар:
- а. Фетишизм, анимизм, магизм, политеизм кабиларнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари;

б. Ибтидоий давр маданият шакллари – «Овчилик ўйинлари», «Зоафагик байрамлар», «Магик маросимлари», «Инициация тадбирлари», «Органистик байрамлар ва бошқалар»;

с. Қадимий илк маданият ва маърифат масканлари: «Жамоа уйлари», «Ўспиринлар уйлари», «Еркаклар уйлари», «Қуёшгоҳлар», («Қуёш уйлари») ва бошқалар.

1. Қадимий давр ижтимоий - маданий характеристикаси.
2. Қадимий эътиқодлар асосида динларнинг пайдо бўлиши.
3. Зардуштийлик дини, маданияти ва маърифати
4. Зардуштийлар фалсафаси, одатлари, маросимлари ва байрамлари.
5. Зардуштийларнинг диний, маданий – маърифий марказлари: «Оташхона», «Оташ уйлари», «Оташ саройлари» ва бошқалар.
6. Халқ ижоди, қадимий тиллар ва ёзувларнинг пайдо бўлиши.
7. Ислом минтақа маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
8. Ислом дини, одатлари, илм – маърифати, араб ёзуви ва адабиётининг Марказий осийга тарқалиши;
9. Маърифат ва маданият масканлари: мактаблар, корхона, мадраса, масжид, намозгоҳ, мусалла – ийд, ийдгоҳ ва бошқалар;
10. XI-XII асрларда маданий юксалиш;
11. XIV-XV Темурийлар даврида фан, адабиёт, санъат, меъморчилик, наққошлик, хаттотликлар равнақи;
12. Ўрта асрларга хос маданий – маърифий тадбирлар.

Шўролар даврида ижтимоий-маданий ишлар

1. Октябр тўнтариши ва шўролар маданий – маърифий ишлари тизимининг вужудга келиши;
2. Маданий маърифий муассасаларнинг фаолияти;
3. Совет даврида халқ ижоди, анъаналарнинг аянчли аҳволи;
4. Миллий онг уйғониши ва маънавий равнақ эҳтиёжи;
5. Маданий – маърифий муассасалар фаолиятида инқироз ва ундан чиқиш эҳтиёжи.

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-маданий фаолиятнинг янгилиниши, ютуқлари ва муаммолари

1. Миллий маданиятни тиклаш ва ривожлантириш эҳтиёжи;
2. Мустақилликка эришилгандан сўнг амалга оширилаётган маънавий ислохотлар;
3. Ўзбекистонда комил инсонни шакллантиришга хизмат қилувчи маданий - маърифий муассасаларнинг ташкил этилиши;
4. Маънавият ва маърифат ишларидаги туб ўзгаришлар;
6. Ижтимоий-маданий ишлар ютуқлари ва муаммолари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий – маданий фаолиятдаги замонавий илғор тенденциялар. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари.

Ижтимоий-маданий фаолият ҳам бошқа фаолиятлар сингари амалий характерга эгаллиги. Унинг тамойиллари (принциплари) ва вазифаларини тингловчилар ўзлаштириб олишлари учун ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиш, уларда фикр уйғотиш керак. ИМФ нинг ўзига хос хусусиятларини жонли мисолларда аниқлаштирилади.

2-амалий машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолият- илмий тадқиқот тизимидаги фундаментал йўналиш сифатида. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг функциялари ва тамойиллари.

Ижтимоий-маданий фаолиятда инсон омилининг белгиловчи аҳамияти: Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг амалий усуллари. Кино ва видео материаллардан, китоб ва буклетлардан фойдаланиш. Кишиларда ободлик туйғусини шакллантиришнинг хилма-хил усуллари.

3-амалий машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолиятни ташкил этишнинг психологик ва педагогик асослари.

Ижтимоий-маданий фаолият амалга ошириладиган маданият марказлари, музейлар ва кутубхоналарнинг асосий функциялари – аҳолига маданий хизмат кўрсатиш баробарида кишиларга, айниқса ёшларга миллий ғоямизнинг асосларини сингдириш, уларнинг юксак маънавияти таъминлаш эканини назарда тутиш.

4-амалий машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолиятни тадбиқ этиш соҳалари. Ижтимоий – маданий сиёсат.

Маданият марказларига, маданият ва истироҳат боғларига, янги барпо этилган бино ва иншоотларга ташриф буюриб, ҳаётимизда содир бўлаётган позитив ўзгаришларни муҳокама қилинади, кишиларнинг кайфиятида пайдо бўлаётган ҳаёидан розилик туйғуларини муҳокама қилинади.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-кўчма машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолиятнинг субъектлари.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюриб, у ердаги китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнлари ва мутолаа имкониятлари ҳамда китобхонлик кўрик-танловлари ўтказиш тажрибаси билан танишилади. Олинган таассуротлар муҳокама қилиниб, хулосалар ясалади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);


- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

-

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тест	2,5	1 балл
2.	Бадиий асар танлаш ва уни тасвирлаш.		1 балл
3.	Мустақил иш		0,5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



«АҚЛИЙ ХУЖУМ»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазиятёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлгани ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



“SWOT- таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Масалан 1-март дарсида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “SWOT-таҳлил” методи асосида, кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва тўсиқлари (салбий таъсир этувчи омиллари) таҳлил қилинади.

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Намуна сифатида 2-маъруза материаллари тингловчилар томонидан Инсерт методи аксосида таҳлил қилиб чиқилади (ўқитувчи назорати остида).

Ш. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг педагогик асослари.

Режа:

1. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг моҳияти ва хусусиятлари;
2. Ижтимоий-маданий фаолият ҳақида замонавий тушунча;
3. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг уч асосий тамойили;
4. Ижтимоий-маданий муассасаларнинг фаолияти;
5. Ижтимоий-маданий фаолият объекти ва субъекти.

Таянч иборалар: ижтимоий-маданий фаолият, маънавият, асар, оммавий ахборот воситалари, таълим тарбия муассасалари, санъат муассасалари, маданий-маърифий муассасалар, ижодий уюшмалар, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари.

Ҳар қандай фан, ўқув предмети, умуман, билимнинг барча соҳалари илмий асос ёки назариясиз ривожлана олмайди.

Назария – ҳаёт ходисалари, инсон тажрибаси, амалий фаолият ҳақидаги билимларни йиғади, умумлаштиради, мантиқий бир системага солади.

Назария – маълум билимлар соҳасидаги инсон тафаккурининг объектив қонунларини акс этиради, мантиқий фикрлаш йўли билан ишлаб чиқарган билим - қоидалар асоси ва мажмуасини вужудга келтиради. Назариянинг асосий вазифаларидан бири кишилар билимини бойитиб ва чуқурлаштириб боришидир.

Ҳозирги даврда «Маданий – маърифий фаолият» асослари фанини шакллантирадиган асослар, яъни унинг моҳияти, ҳаётда тутган ўрни, вазифалари, ўзига асос хусусиятлари ва уларни ташкил қилиш қонун - қоидалари ҳақидаги билимлар мавжуд.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардаёқ ижтимоий ҳаётни қайта қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари билан бир қаторда аҳолининг турмуш маданиятини тубдан яхшилаш, кишиларнинг бўш вақтини мазмунли уюштириш, уларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, халқнинг бадиий ҳаваскорлик ижоди ва қобилиятларини ривожлантириш каби долзарб муаммоларга жиддий эътибор берилди.

«Маданий – маърифий фаолият», аввало, ижтимоий-маданий муассаса, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар, кутубхоналар фаолиятидир. Ижтимоий-маданий муассасалар бу ғоявий ва тарбиявий ишлар жараёнининг таркибий қисми ҳисобланиб, улар халқимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Уларни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаваскорлик ижодига жалб қилиш ва мазмунли ҳордиқ чиқаришни уюштириш орқали олиб боради.

Ижтимоий-маданий фаолият, асосан кишиларнинг ишдан бўш вақтларида олиб борилади, кишиларга асосий ишдан ташқари ҳар хил мазмундаги ва шаклдаги «иккинчи» фаолият билан шуғулланишларига имконият яратади. Бу фаолият кишиларнинг ҳордиқ чиқаришга, билимини, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, улар ўз навбатида асосий иш фаолият билан яхшироқ шуғулланишга самарали ёрдам беради.

Маданий – маърифий фаолият – аҳолини маънавий камол топтириш, маданий савиясини ошириш, билимини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, бўш вақтини самарали ўтказишга кўмак берувчи ижодий-ташқилий ишлар мажмуасидир.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ўз объекти, предмети ва иш фаолияти мавжуд.

Маданий – маърифий фаолият қуйидаги ишлардан иборат:

1. Ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш.
2. Халқ ҳаваскорлик ижодини ўстириш.

3. Кишиларнинг дам олишини ташкил қилиш.

Бу иш фаолиятлари маданий-марифий ишларнинг шакллари вужудга келтиради. Маданий–маърифий фаолият турларига спектакл, оммавий томоша, халқ сайллари, байрамлар, карнавал, рақс кечалари, викторина, кўргазма, конкурс, саёхат ва экскурсия кабилар киради.

Кўриниб турибдики, ижтимоий-маданий фаолиятининг иш шакллари хилма хил ва кўпдир. Улар хақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун махсус тасниф мавжуд. Улар ичида икки хил тасниф диққатга сазовордир. Биринчи тур таснифлашга маданий – маърифий иш шаклларига қатнашадиган кишиларнинг сони асос қилиб олинади. Улар қуйдагиларга бўлинади: якка, гурухли ва оммавий шакллар.

1. Якка шакллар-мутахассис ва тингловчи ўртасидаги консултация, якка суҳбат, оммавий машғулотлардан ташкил топади.

2. Гурухли шакллар – тахминан 15-30 киши қатнашадиган тадбирлар, яъни мунозара, семинар, суҳбат, экскурсия, хаваскорлик жамоалари машғулотларини ўз ичига олади.

3. Оммавий шакллар – сони чекланмаган, катта аудиторияга мўлжалланган маъруза савол-жавоб кечалари, мавзули кечалар, оммавий томошалар, байрамлар ва бошқаларда вужудга келади. Оммавий шакллар Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий қисмини ташкил қилади.

2-тур таснифлаш маданий фаолиятда қандай таъсирчан воситалардан ва усуллардан фойдаланиш асосида вужудга келади. Бу борада ҳам иш шакллари 3га бўлинади: монологик, диологик ва кўп тармоқли шакллар.

1. Монологик шакллар – бу нотикнинг огзаки, «жонли» сўзи ҳамда бошқа таъсирчан воситалар орқали аудиторияга ахборотлар берадиган тадбирлар. Масалан, маъруза, доклад, ахборот ва бошқалар.

2. Диологик шакллар булар асосан, мулоқот, суҳбат, фикр алмашишлардан иборат бўлиб, унга суҳбат, мунозара, учрашув, савол-жавоб кечалари киради.

3. Кўп тармоқли шакллар деганда монологик ва диологик шакллар билан бир қаторда бошқа таъсирчан воситалардан фойдаланиш мумкин бўлган тадбирлар тушунилади. Масалан, огзаки журнал, мавзули кечалар.

Маданий – маърифий фаолиятнинг уч асосий бўғини мавжуд бўлиб, булар: маданият, маънавият ва маърифатдан иборат.

Маданият арабча «мадина» (шахар кентлар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар хаётини икки турга бўлиб, бирини бадавий ёки саҳроий турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик бу кўчманчи холда чўл саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик эса шаҳарларда ўтроқ яшаб, шаҳарга хос турмуш тарзида яшовчи халқларга нисбатан ишлатилган.

Маданият атамаси кенг маънода қўлланиб жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий хаётда кўлга киритилган ютуқлар мажмуини бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритилган шундай ютуқлари даражасини, ўқимишлилик, таълим-тарбия

кўрганлик, зиёлилик ва маърифатлиликни ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари мажмуини билдиради.

Маданият икки турга бўлинади: модий ва маънавий маданият.

Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча сохалари ҳамда унинг самаралари-меҳнат куроллари, турар-жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Маънавий маданиятга ақлан ва маънан яратувчанлик сохалари-билим, алоқа, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, дин ва шу кабилар кирилади.

Фақат бир халққа тегишли, фақат бир халқ маданиятининг асосини шу миллат яратган бўлсада, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлади, албатта.

Маданият – умуминсоний ходиса, лекин Шўро мафкурачилари айтиб келганидек синфий ходиса эмас. Маданият барчага баобардир.

Ҳар бир жамят ва давр ўз маданият кўринишига эга бўлади. Жамят ўзгариши билан унинг маданияти ўзгаради-ю, лекин маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият йўқ бўлиб кетмайди, маданий мерос ва анъаналари сақланади.

Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуига маданий мерос дейилади. Ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданият негизини янгитдан яратмайди, балки аждодлар тамонидан яратилган маданий бойликларни қабул қилиб олади.

Шўролар даврида маданий меросга нотўғри муносабатда бўлинди: яъни улар «бою заминдорларга, хоким синф табақаларига хизмат қилган ўтмиш маданиятининг бизга кераги йўқ, янги-пролетар маданиятни яратамиз» деган шиор остида собиқ Совет Иттифоқи халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятига қирон келтирилди, сарой, масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, нодир асарлар ёқилди.

Шу билан бирга ҳар бир жамят ўтмиш маданий меросини қандай бўлса, шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилиб олмайди, албатта. Маданий мероснинг ўз дунёқараши, тузуми, манфаатларга мос келадиган, бугун ва келажак учун хизмат қиладиган қисмини қабул қилади. Чунки ўтмишдан қолган барча нарсалар бир хил қадриятга эга бўлмайди. Масалан, шўролар замонида яратилиб, унинг сиёсатини тарғиб этган эндиликда ўз умрини яшаб булган китобларнинг бугун учун ҳам, келажак учун ҳам қадрияти йўқ. Тўғри, улар мерос, лекин маданий мерос эмас, уларни тарихий факт сифатида сақлаб қўйиш мумкин, холос.

Демак, маданий мероснинг қадри абадул – абад тушумайдиган қисмига миллий қадриятлар дейилади.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга рқухий озиқ ва қудрат багишлайди. Фақат моддий жихатдан таъминланиш билан кифояланиш онгсиз ва руҳсиз махлуқларга

хос. Маънавиятга интилиш эса рух ва онг эгаси бўлмиш инсонга хос фазиладир.

Маънавият – одамнинг рухий ва ақлий оламилигини мажмуидир.

Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир кишининг ички хаёти, рухий кечинмалари, ақлий қобилиятига, идрокани мужжассамлаштирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи инсон ва жамият хаёти маълум йўналишининг бош омилидир.

Маънавият бойиб борса, жамият равнақ топади, ва ривожланади, маънавият қишлоқланса, жамият таназзулга юз тутади.

Шунинг учун мустақиллик йилларида маънавиятга кучли эътиборга борилаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат кўриб бўлмайди.

Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини ҳам ўзига камраб олади.

Ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгаларини, умуман, ўқувли шахсларини қадрлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топтиришига учун етарли шарт – шароитини таъминлаб бериши билан ҳам белгиланади. Ривожланган, маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари миллатнинг юзи, ғурури ва келажаги деб қаралади. Бизнинг ўзбек жамиятимиз ҳам шу йўлдан бормоқда.

Турон ва Туркистонда азалдан истеъдод эгаларини эътироф этиш ва муносиб қадрлашга хашиша эътибор бериб келинган. Бир тарихий мисол А.Навоий буюк асари «Хамса» ни ёзиб тугатгач, Султон Хусайн Бойқаро улуғ бобомизни саройга таклиф қилади, пешвоз чиқиб, карнай-сурнайлар садоси остида зўр тантаналар билан кутиб олади, аркони давлат, амирлар, вазирлар, уламо ва фузало хозирлигида шоирга шохона саруполарни ўз қўли билан кийгизади, кумуш билан зийнатланган эгар-жабдуқли оқ аргумоққа мингазади А.Навоий минган от жилловини Хусайн Бойқаронинг ўзи тутганича Хуросон мамлакатининг пойтахти бўлмиш Хиротнинг бош кўчаларини айлантириб чиқади. Халойиқ уларни баб-баробар олқишлайди. Бири буюк асар яратгани учун, иккинчиси шу асар яратувчининг қадрига етгани учун шундай олқишларга сазовор бўладилар. Бу буюк асарнинг шохона тақдирланиши эди.

Бироқ мустамлакачилик, чоризм зулми ва совет империяси йилларида юртимизда истеъдод эгалари тўла бўй кўрсатишларига эътибор берилмади. Чунки бундан коммунистик тузум манфаатдор эмасди, у йирик истеъдод эгалари пайдо бўлиши халқнинг миллий рухи ва гурурини уйғотиб юборишидан чўчир эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришгач ҳар соҳада бўлгани каби истеъдод эгаларига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Илм-фан, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишга йўналтириш, уларга ғамхўрлик қилиш кун

тартибига кўйилди. Республика Президентининг бу борадаги қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари фикрларимизни тасдиқлайди. Буни жамиятимизнинг маънавий даражасини кўрсатувчи белгилардан бири дейиш мумкин.

Маърифатнинг луғавий маъноси – билиш, таниш, билимдир. Бу сўзнинг кўплик шакли маорифдир.

Маърифат-табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани-билимли, муайян соҳада маълумоти бор, деганидир. Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Маориф асосан, умумий ва ўрта махсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртлари тармоқларини қамраб олди. Маърифат тушунчаси эса кенгроқ бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиши, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли сиймолари маърифатпарварлик билан шугуланадилар.

Ҳар бир даврнинг ўз маърифатпарварлари бўлади. А. Дониш, Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, А.Ўтар, Завқий кабилар ўз асарларида халқни қолоқликдан қутқариш йўлини маърифатда кўрдилар.

Мунаввар қори, М.Бехбудий, А.Авлоний, С.Айний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар халқни миллий уйғонишга даъват этдилар.

Маданий – маърифий муассасалар қуйидаги турларга бўлинади: Кутубхона, музей, маданият уйи, истироҳат боғи, маданий дам олиш масканлари.

Кутубхоналар ўзларининг вазифалари, фаолиятлари, китоб фондларининг таркибига қараб, оммавий, техникавий ва турли махсус кутубхоналар, ўқув юртлари, кутубхоналари, илмий кутубхоналарга бўлинади. Оммавий кутубхоналар аҳолининг турли соҳага доир китобларга бўлган талабларини қондиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги тизимида қуйидаги кутубхоналар бўлади:

1. Республика кутубхонаси.
2. Вилоят кутубхонаси. Улар республикадаги, вилоятдаги, шаҳар, туман, қишлоқ кутубхоналарига услубий ёрдам берадилар.
3. Шаҳар, туман кутубхоналари қуйидаги турларга бўлинади.
4. Қишлоқ кутубхоналари.
5. Болалар кутубхоналари.
6. Маданият уйи бюджетида турувчи клуб-кутубхоналари.

Ўқув юртлари кутубхоналари. Улар ўзларининг фондларига қараб умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, малака ошириш курслари ва институтларнинг кутубхонасига бўлинади.

Илмий-техника ва турли махсус кутубхоналар. Бу кутубхоналарнинг китоб фондлари ишлаб чиқариш малакаларини оширишда, халқ хўжалиги

йўналишидаги маданиятнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишда турли соҳадаги ходимларга ёрдам берувчи адабиётлардан ташкил топади. Буларга корхона, илмий муассасалар, нашриётлар, конструкторлик ташкилотлари, театр, музика, спорт ташкилотларининг кутубхоналари киради.

Илмий кутубхоналар. Улар ўз ишларини фан, маданият, ишлаб чиқариш талабаларга мувофиқ ташкил қилади, мутахассисларга илмий малакаларини оширишда кўмаклашади.

Музейлар – Улар вазифаси тарихий ҳужжатларни, моддий ва маънавий маданият ёдгориликларини, санъат асарларини, табиат бойликларининг намуналарини тўплаш, сақлаш, уларни илмий ишлаб чиқариш ва кўргазмага кўйишдан иборатдир. Шулар билан биргаликда музейлар илмий – текшириш ишларини ҳам олиб борадилар.

Музейлар қуйидаги тармоқларга бўлинади:

1. Тарих музейлари.
2. Хотира ёдгорлик музейлари.
3. Ўлкашунослик музейлари.
4. Табиий-илмий музейлар.
5. Санъатшунослик музейлари.

1. *Тарих музейларида* Ватанимиз тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар, ёдгорликлар, моддий ва маънавий маданият эсдаликлари тўпланган бўлади.

2. *Хотира-ёдгорлик музейлари* Республикаимизнинг машҳур арбоблари; шухрат қозонган ёзувчи ва рассомлар, композитор, олимлари, санъаткорлар хотирасига бағишланган бўлади. Буларга Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойбек уй-музейлари, Ўрол Тансиқбоев, М.Ашрафий уй - музейлари, Тамарахоним, М.Турғунбоева ва бошқаларни кўрсатиш мумкин

3. *Ўлкашунослик музейлари.* Вилоят, туманнинг табиий шароити тарихи, хўжалиги маданияти ва турмушини характерлувчи ҳужжатлар ва ёдгорликларни тўплайди.

4. *Табиий-илмий музейларга* табиатшунослик, биология, география музейлари киради.

5. *Санъатшунослик музейлари.* Уларга тасвирий санъат, амалий санъат, архитектура, мусиқа, театр санъати ютуқларини кўрсатувчи музейлар киради.

Маданият уйлари, саройлари икки турга бўлинади:

I. Маданият Вазирлиги тармоғидаги маданият уйлари. Буларга қуйидагилар киради:

1. Шаҳар маданият уйлари – булар давлат тармоғидаги маданият уйлари бўлиб, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатади.
2. Туман маданият уйлари.
3. Қишлоқ маданият уйлари – ўзлари яшайдиган қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатади.

II. Касаба қўмитаси тармоғидаги маданият муассасалари. Уларга корхона қошидаги, шунингдек, санаторийлар, дам олиш уйларининг клублари ҳам киради. Улар ўз ташкилотларининг ихтиёрида бўлади.

Маданият ва истироҳат боғлари – уларда оммавий сайиллар, карнаваллар, спорт ва бошқа байрамлар, турли оммавий томошалар ўтказилади, спектакллар, кинофилмлар қўйилади, сиёсий ва илмий маъруза ва докладлар тиингланади. Маданий дам олиш учун кенг имкониятлар яратилган бўлади. Бундан ташқари маданият ва истироҳат боғларининг беази, улардаги табиий манзарали жойлар кишиларнинг эстетик дидларини ўстиришга ёрдам беради

Театрлар – сахна асарларининг жанрларига мувофиқ, қуйидагиларга бўлинади:

- А) опера ва балет театрлари;
- Б) драма;
- В) мусиқали комедия театрлари;
- Г) ёш томашабинлар театрлари;
- Д) кўғирчоқ театри
- Э) миниатюра театрлари
- Ж) эстрада театрлари

Концерт ташкилотларига қуйидагилар киради:

- А) давлат филармониялари;
- Б) давлат эстрада жамоалари
- В) мустақил мусиқа жамоалари.

Кинотеатрлар – кинофилм намоиш қилиш учун махсус жихозланган маскан.

Шунингдек, маънавий – маърифий ишлар билан оммавий ахборот воситалари (радио, тв, матбуот); Таълим тарбия муассасалари; Ижодий уюшмалар (ёзувчилар, рассом, композиторлар, театр арбоблари) ҳам шуғуланадилар.

Назорат учун саволлар:

1. Назария нима? Унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Ижтимоий-маданий фаолият иш шакллари ҳақида гапириб беринг.
3. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг нечта асосий бўғини мавжуд ва уларни асослаб беринг.
4. Ижтимоий-маданий муассаса турлари ва вазифалари ҳақида гапириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти . – Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016. – 336 б.
2. Ш.Алимова. “Маданий-маърифий фаолият асослари”. Ўқув қўлланма. Т: 2007.
3. У.Қорабоев. «Маданият масалалари». Т.: 2009.

2-мавзу: Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

Режа:

- 1.Тарбия ва таълим уйғунлигининг моҳияти.
- 2.Глобал ахборот асрида тарбиявий жараёнига кўрсатиладиган ташқи ва ички таъсирлар.
- 3.Собик шўролар даврида тарбия жараёнларини ташкил этишни танқид.
- 4.Тарбиявий жараён самарадорлигини таъминлашда ижодкорлик омилининг роли.

Таянч иборалар: тарбия, таълим, ахлоқ, педагогика, мафкеура, тажриба, талаба, истеъдод, қобилият.

Тарбия кишилиқ жамиятида шаклланиши билан ривожланиб келмоқда. Инсон туғилиши биланоқ ота-онанинг парвариши орқали атроф-муҳит билан танишади. У улғайиши мобайнида одамлар билан тил топа билиш, ишлаб чиқариш тажрибаси ва малакаларини ўзлаштиради, шу жараёнда унда ақлий ва жисмоний камолот, маданият, ахлоқий ва эстетик қарашлар шаклланади.

Инсоннинг жамиятда шаклланиши ижтимоий ҳодиса эканлиги хусусида фикр юритганда тарбияни аниқ мақсадга йўналтирилган ҳодиса эканлигини англашимиз инсон камолотига таъсир этувчи омиллар орасида тарбия ва таълим ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Шу боисдан ҳам ижтимоий-маданий фаолиятда тарбия билан шуғулланадиган ҳар бир масъул шахс аввало ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсадни ижтимоий муҳимлигини англаши лозим.

Маълумки, жамиятда ҳар қандай одам тарбия натижасида “аввал қандай эдим энди қандайман” деган саволларни аввалдан тасаввур этиши зарур. Бу мақсад жамиятнинг комил инсонни тарбиялашдек мақсадига мос келиши зарур.

Тарбиянинг вазифалари кенг ва кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқитувчилар томонидан қатнашчиларни билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бўлса, тарбия эса ёш авлодни жамиятимизда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига мос келадиган эътиқодни, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтиришдан иборат.

Буюк тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсон камолотида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб шундай деган эди. «хақ Оллоҳ инсонларнинг асл ҳилқатда

истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни оқ ила қорани айирадиган қилиб яратган».

Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладир.

Агар бола яхши тарбия топиб жамият томонидан эътироф этилган хулқларга одатланиб катта бўлса, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади.

Шу боисдан ҳам тарбияни – ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши жараёнида ортирган сабоқлари ва интеллектуал фаолиятларининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёни, деб талқин этиш мумкин.

Глобал ахборот асрида бутун планетамиз маънавий ҳамда экотизимининг издан чиқиши давлатлар, жамиятларнинг ижтимоий-сиёсий таназзули, инсон тарбиясининг муаммоли ҳолатга келиб қолгани бу жараённинг нечоғли тез кечаётгани матбуот, телевидение ва интернет орқали маълум бўлиб турибди ва ҳаммамизни жиддий ташвишга солмоқда. Дунё ва инсонга хавф туғдирадиган асосий таҳдид ташқи таъсирлардан ҳам кўра инсониятнинг ички муаммоларига боғлиқ эканлиги одамлар томонидан энди-энди англономда. Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда тарбия омилига дунё, жамиятлар ва инсоният ҳалоқатини сақлаб қолувчи сўнгги имконият, ягона куч сифатида қаралмоқда. Инсон тарбиясини самарали йўлга қўйишда эса китоб мутолааси жуда катта аҳамиятга эгадир. Дунёда китоблар кўп. Лекин, инсонга наф келтирадиган, унинг энг азиз неъматини бўлган фарзандини бахтли қила оладиган китоблар кўп эмас. Ана шундай камёб маънавий бойликлар сирасига тарбия соҳасининг атоқли олими, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуроновнинг “Болам бахтли бўлсин десангиз” номли китоби қўшилди. Муаллиф мазкур китобни босқичма-босқич, узок йиллар мобайнида яратишга эришган. Китобнинг сарлавҳасининг ўзиданоқ, М.Қуроновнинг услуби рўйи-рост намоён бўлади. Китоб сўз бошисида қайд этилганидек, баёни содда, тушунарли, илмий, замонавий, ҳаммабоп, ҳазми енгил, амалий кўрганларга бой матндан иборат бўлиб, ота-оналар, таълим-тарбия муассасалари ва барча кизиқувчилар учун фойдали манбадир.

Тарбия самарадорлиги кўп жиҳатларга кўра тарбия муҳити тарбия жараёнига боғлиқдир. Тарбия қандай ташкил этилганлиги олинадиган педагогик самарада рўйи-рост кўринади. Коммунистик мафкураининг йирик идеологи, шўролар педагогикасининг асосчиларидан бири А.С.Макаренко ҳам тарбиявий жараён масаласига, уни қандай ташкил этилишига жиддий эътибор қаратган. Унинг фикрига кўра, тарбиявий жараённи шунда тизимга солиш керакки, токи, тарбия субъекти бўлган инсон унга қилинаётган ташқи таъсирлар моҳиятини теран англамасдан, шўролар тузуми талабларини

сўзсиз бажариб борсин. А.С.Макаренко тарбиявий фаолият шахсни коллективнинг ҳамма қатори миқдорий аъзоси ёхуд оддий бир мурватига айлантириб қўйишдаги асосий босқич, деб ёндошади ҳамда бу жараёни инсоннинг шахс сифатида ўзлигини жамиятда яхлит намоён эта олмаслиги учун самарали ижтимоий механизм деб қарайди. А.С.Макаренко инсонни мафкуравий ўзгартириш йўлида бутун дунёда маъқулланмайдиган йўл, яъни **одамлар устида тажриба**, экспериментлар ўтказишни талаб қилади.

У ёзади: “... Мен болаларнинг ҳаёти маълум бир одатлар туркумини тарбиялайдиган **тажриба тарзида** йўлга қўйилишини талаб этаман”. (Макаренко А.С. “Мои педагогические воззрения” М Изд. АПН. 1958 Т.5, 284-стр.) Ана шу талабга биноан шўро болаларида ҳар ишга тайёрлик, лаббайчилик, сиёсий интизом, коммунистик фидойилик, мутлоқлаштирилган коллективизм, жамоа қабул қилган қарордан бошқа фикрга мурасасизлик сингари мафкуравий сифатларни шакллантиришга урғу берилди. Натижада тарбиявий жараён тўлалигича тоталитар мафкурага йўналган ижтимоий сифатларни шакллантириш вазифасига бўйсундирилди. **Инсонда танлаш имконияти қолдирилмади**, танлашни ихтиёр этганлар эса коллективдан ташқарига чиқариб ташланди. Жамоадан четлатилган одамлар эса, жисмонан йўқ этилди, қатоғон қилинди.

Педагог М.Қуронов эса “Болам бахтли бўлсин десангиз” китобида **бундай ёндашувга тамомила қарши бўлиб**, тарбиявий жараён даставвал инсонни тўлақонли шахс сифатида шакллантириш, уни жамиятнинг оддий мурвати эмас, балки, жамиятда **муайян из қолдира олиш** қувватига эга бўлган, жамоанинг фаол ҳамда бунёдкор аъзоси бўлиб, одамлар орасида жамиятда ўзлигини тўла англаган шахс, ҳар жиҳатдан бахтли инсон сифатида тарбиялаш зарурлигини асослайди.

М.Қуронов бола эҳтиёжи ҳақида фикр юритиб, бу атаманинг ҳам ички ҳам ташқи эволюцияси мавжудлигини таъкидлайди ҳамда ҳар бир тарбия субъектида ўз эҳтиёжларини англаш масаласи нечоғли муҳимлигига эътибор қаратади. Зеро, ҳар қандай **қизиқишнинг анланган эҳтиёжга**, демакки, унинг матлаби, ҳаётининг мазмунига, ҳаракатларининг мантиқийлиги ва изчиллигига айлантириш бугунги педагогиканинг бош масаласидир.

М.Қуронов “Болам бахтли бўлсин, десангиз” китобида даставвал **шахсга танлов имконияти** берилиши зарурлигини, фақат танлаш имконияти бор инсонларгина ўзини бахтли санай олишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳар бир одам одатда бошқалар томонидан “бу яхши” деб танлаб берган нарсани эмас, **кўпроқ ўзи танлаган нарсасини қадрлайди**. Демак, тарбияда инсонга тайзиқий маслаҳатлар эмас, балки у танлаши мумкин бўлган турли йўллар, мақбул вариантларни кўрсатиш, муқобиллик асосида

тушунтириш ва тавсия этиш усулларига урғу бериш зарур. Китобда оналар, устозлар томонидан яхшилик маслагиде туриб тавсия этилган нарсаларни тўғри танлай олган одамларнинг ҳаётда обрў, бахт топганлиги мисолларини рўй-рост баён этиш зарурлиги фойдадан ҳоли бўлмаслиги ҳам ёрқин ҳаётий ва бадий лавҳалар орқали асослаб берилди.

Муҳаммаджон Қуронов тарбия орқали инсонга наф келтиришда доно педагог, саҳоватли ижодкор сифатида намоён бўлган. У сизнинг фарзандингиз тушиши мумкин бўлган барча муаммоли ҳаётий вазиятларга Сиз билан бирга боради, қулоғингиз, қалбингиз, шуўрингизга “ундай қилманг, бундай иш тутинг”, деган доно ўғитларини солади. Сиз билан бирга қуюнади, шодланади. Агар сиз фарзандингиз бахтли бўлсин, десангиз, ҳар қандай муаммолардан ақл билан чиқа олувчи ёхуд ноқулай вазиятларга умуман тушмайдиган фарзанд тарбиялайман, унинг ҳаётдан хотиржам яшайман, десангиз, бу китобни топинг ва уни ўз дўстингизга айлантинг.

Айни вақтда тарбия ижодий давом этадиган жараён бўлиб киши муайян фаолият мобайнида ўзидаги жиҳатларни бошқаларга ўтказишга айтилади. Инсоннинг улғайиши, тажрибаси ортиш мобайнида илм ва тарбиявий жиҳатлар унинг яшashi ҳаёт кечириши учун энг зарур шарт ва воситалар эканлигини англаб боради.

Тарбиявий жараён “Авесто” китобида таъкидланганидек, уч муқаддас бирликка таянади. Яъни, бу муқаддас учлик эзгу – фикр, эзгу сўз ва эзгу амал, иш фаолият тарзида намоён бўлади. Тарбиявий жараён инсонни жамиятга мослаштиришни ифода этади.

Шу боисдан ҳам тарбия ижодий жараён бўлиб, объектнинг мутлақо янги, илгари кўчилмаган ҳолатини янги нарсалар, ҳодисалар, жараёнларни вужудга келтирувчи, инсоннинг атроф-олам билан фаол ўзаро таъсирга киришиш шакли деб таъриф бериш мумкин.

Инсоннинг ижодий фаолияти унинг ҳаётий фаолиятининг ранг-баранг, баъзан кутилмаган, бир қарашда жумбоқли соҳаларида намоён бўлади.

Ижод деганда маиший ҳаёт одатий онг даражасида инсоннинг рўзғорда, уйда, чорбоғдаги фаолият деб талқин этиш ўринли бўлади.

Ишлаб чиқаришдаги ижодий жараён эса, ўз меҳнати предметига янгича инновацион таъсир кўрсатиш борасидаги меҳнат фаолияти тарзида намоён бўлади.

Инсоннинг фаолияти бир қолипга тушиб қолган, бир ёқлама хусусият касб этган жойда ижодга ўрин ҳам бўлмайди.

Инсон ўз ишига ўз касбига бутун қалбини, исьтедодини, қобилиятини

бахш этган, одамларга имкон қадар кўпроқ жойда келтиришга интиланган жойда эса, аксинча ижодий норасмий, илхом билан ёндошиш ҳолларига дуч келамиз.

Ижодкор шахс ғайрат-шижоат билан баъзан дам олиш ва уйқуни унутиб ўзи ҳақида, ўзининг фойдаси ва манфаати ҳақида эмас бошқалар, ўз истеъдоди ва ижодини кимга бахшида етаётган бўлса, ўша одамлар ҳақида ўйлаб ижод қилади.

Инсоннинг табиати билиш жараёнида, билувчи субъект табиатнинг жозибали, сирли, жумбоқли, баъзан ҳатто ҳавли кучлари билан яккама-якка қолганида одамларнинг ижодий қобилиятлари, айниқса ёрқин намоён бўлади. Билиш жараёнидаги ижодда инсоннинг барча маънавий кучлари, онг, ақл-идроқ, тасаввур, фантазиялар, ҳотира, интуиция, соғлом фикр ва ҳаётий тажриба бевосита фаол иштироқ этади. Борлиқнинг юзини билишига интилишида инсоннинг маҳорати, топқирлиги, устамонлиги ва уддабуронлигини билиш жараёнидаги ижоднинг кўринишларини тавсифлайди.

Одамлар объектнинг у ёки бу жиҳатлари ва ҳиссалари ҳақида янги билим олиб, билиш жараёнида ва унинг натижаларидан беҳад лаззатланишлар, уларда билиш жараёнининг натижаларини ижодий анализдан ўтказиб, тушуниб етиб ва улардан ўз амалий фаолиятида фаол фойдаланиб, олға ҳаракатланиш истаги туғилади.

Субъектнинг билиш қобилиятининг ижодий салоҳияти чексиз, ижодий билиш жараёнининг ўзи эса кўпгина одамлар, айниқса, ижодкор, фаол ёшлар учун беҳад қизиқарлидир.

Билиш жараёнидаги ижодда одамларнинг қобилияти, истеъдоди ҳатто даҳоси ёрқин намоён бўлади., янги билим олиш жараёнининг ўзи ҳам, билиш фаолиятининг натижаларини мушоҳада қилиш, теран ва аниқ тушуниб етиш ҳам ижодий жараёндир.

Субъектнинг ижодий – билиш билан боғлиқ фаоллигидан билим олиш, уни ўзлаштириш, ўстириш, инсон эҳтиёжлари учун ундан фойдаланиш тизимига ўтқадиган бўлса, ижоднинг ён жиҳатидан янги босқичга кўтариламиз – бу фан эмас, балки илмий билишдир. Фан деганда муттассил, фаол ва ижодий равишда янги билимлар ишлаб чиқарадиган ижтимоий институт тушунилади, олимлар, илмий ҳодимлар, олий маълумотли мустахассислар эса бу илмий билиш билан шуғулланувчи одамлардир. Муттассил ижодий изланиш, билимига интилиш ўз илмий тадқиқот фаолиятида ҳалоллик ва ҳолислик чинакам олимнинг зарур сифатларидир. Чинакам олим, ижодкор фанда битта мақсадга объектив ҳақиқатга, аниқ,

тўғри мукамал ва теран билимига ечишига хизмат қилади.

Санъатнинг хилма-хил кўринишлари ва жанрлари ёрдамида қатнашчиларнинг ранг тасвир, қалам тасвир ҳақидаги билимлари, ҳақалтарошликка доир кўникма ва малакалари, ижодий қобилиятлари шаклланади. Расм дарслари тасвирий, амалий архитектура санъат ўзбек ва чет эл санъат усталарининг ижодлари, асарлари билан таништиради. Ўқувчиларда расм чизиш малакасини тарбиялайди ва ижодий кўникма беради.

Тарбия жараёнида ижодий баҳс-мунозаралар ташкил этиш ашула ва мусикадан фойдаланишнинг каттадир. Мусиқа ва ашула қатнашчиларнинг эстетик қобилиятларини, мусиқий хотира, дидини ўстиради.

Мусиқий тўғараклар қатнашчиларига мусикадан назарий маълумот берилади, улар ноталар, турли даврлардаги мусиқа, асбоблари, мусикашуносларнинг ижоди, услублар жанрлар билан танишадилар биргаликда ашула айтишга, рақсга тушишга ўрганадилар.

Шу тариқа тарбия жараёнида илк ижодий кўникмалар шакллантирилади. Тарбия жараёнида адабиётдан фойдаланиш катта имкониятларга эга.

Бадиий адабиёт қатнашчиларга ҳаётни чуқурроқ англашни ўргатади.

Тарбия бериш жараёнида маданият ходими адабиётдан ибрат омили сифатида фойдаланиб, шоир ва ёзувчиларнинг шеърлар, хикоялар, фольклор, мақол ва маталлар, дoston ва эртаклар ва романлардаги ижобий қаҳрамонларнинг ҳислатларини аҳоли турли қатламлари вакилларига идеал сифатида сингдиришга ҳаракат қилади ва шу қаҳрамонлардек бўлишга даъват этади.

Шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, асарлари билан танишиш, таҳлил қилиш маданият муассасаларига келувчиларнинг билим олишини кенгайтиради, ҳис-туйғуси ва тил бойлигини такомиллаштиради. Шунингдек, тарбия беришда адабиёт эстетик идроқ ва эстетик кечинмаларнинг ёрқинлигини, чуқурлигини таъминлайди.

Маданият уйларидаги адабиёт тўғараклари қатнашчилари турли насрий асарлар, шеърлардан парчалар ёд олишлари, уларнинг бадиий нутқ ва ижодий кўникмалари ривожланади бадиий маданияти ҳам шаклланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарбия орқали ижодий кўникмаларни ривожлантириш деганда тарбия бериш жараёнида бадиий асарлардаги эпизодлар мазмунига ҳаётини воқеаларни ҳам қўшиб кетса ва тарбия жараёнида бадиий ижоддан фойдаланиш янада самаралироқ кечади.

Маданият муассасаларида амалга оширилиши шакллари жиҳатидан қараладиган педагогик муносабат-тўғарак раҳбари ва тўғарак қатнашчиларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати, фаолият шакл ва усулларининг системасидир. Бунда аввало ахборот айирбошлаш, тўғарак раҳбари томонидан турли хилдаги коммуникатив воситалар ёрдамида қатнашчи билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамфикр муносабатлар ёндашувлар ўрнатилиши муносабатнинг мазмунини ташкил этади. Маданият муассасаларида тўғарак раҳбари фаолиятнинг дидактик ва хусусан тарбиявий вазифаларини ҳаваскорлик жамоаси раҳбари ва қатнашчилари ўртасидаги сермахсул муносабат жараёнини қўймасдан туриб етарли даражадаги самарадорликка эришиб бўлмайди.

Педагогик муносабат деганда тўғаракдаги раҳбар ва қатнашчилар жамоаси ўртасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмунан ахборот айирбошлашдан, ўқув тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат системаси, усуллари ва малакаси тушунилади. Тўғарак раҳбари ушбу жараённинг ташаббусқори сифатида майдонга чиқади ва уни ташкил этади ҳамда унга бошчилик қилади. Шу тариқа педагогик муносабат, бир томондан, тўғараклардаги ўқув тарбия жараёнининг ҳиссий ҳолати бўлиб, иккинчидан эса, унинг бевосита мазмуний таърифи сифатида намоён бўлади. Тўғарак раҳбари муайян коммуникация сифатида фаолият юритиб, тўғарак аъзолари билан бирор бир ижодий маҳсулот яратса, масалан, бирор бир куй, ашула ёки рассомлик асари яратса, унинг коммуникатив фаолияти шу билан чекланиб қолмайди, балки, яратилган буюм орқали ўзининг хусусиятларини, ўз индивидуаллигини бошқа одамларга узатади, ўзини бошқа одамларда давом эттиради.

Яратилган нарса (куй, қўшиқ, шеър, ўтқазилган дарахт, ижро этилган ракс ва ҳакозо) бу-бир томондан, фаолият мавзуи бўлса, иккинчи томондан эса восита сифатида намоён бўладиги, киши унинг ёрдами билан ижтимоий-маданий муҳитда ўзини қарор топтиради. Атоқли педагог В.Сухомлинский шундай деб ёзган эди: Инсон ўзини аввал нишонда қолдиради. Бизнинг умрбоқийлигимиз ҳам ана шундадир. Ҳаёт кечиришнинг олий бахт-соадат эканлиги ва моҳияти ҳам ана шундадир. Биз ўз наслимизни давом эттирарканмиз, унга ўз гўзаллигимизни, идеалларимизни юксакликка ва олийжанобликка содиқлигимизни қолдирамиз. Сиз ўзингизни одамда қанчалик чуқур акс эттира ва намоён эта олсангиз, сиз шунчалик бой-бадавлат эрурсиз ва сизнинг шахсий ҳаётингиз шу қадар бахтиёр бўлар эди”. (Сухомлинский В.А. “Мы продолжаем себя в детях» М.: Педагогика 1981, 3 том, 517-518 бетлар).

Демак, ижтимоий-маданий фаолиятнинг педагогик асослари деганда биз ижодий жараёнда одамлараро таъсир муносабат ва тарбиявий натижаларни тушунишимиз лозим.

Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1.Тарбия ва таълим уйғунлигининг моҳиятини изоҳланг.
2. Абдулла Авлоний тарбия омилининг устуворлигини қандай асослаган?
- 3.Глобал ахборот асрида тарбиявий жараёнга кўрсатиладиган ташқи ва ички таъсирлар мажмуини шакллантиринг.
- 4.Тарбияда англолмаган таклид қандай натижаларга олиб келади.
- 5.Собиқ шўролар даврида тарбия жараёнларини ташкил этиш методологияси қандай бўлган?
- 6.Тарбиявий жараёнда ота-оналар ролини очиб беринг.
- 7.Тарбиявий жараён самарадорлигини таъминлашда ижодкорлик омилининг ролини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар:

- 1.М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти . – Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016. – 336 б.
- 2.Миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни, Т., 1999.

3-мавзу: Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш тизими.

Режа:

- 1.Тош давридаги қадимги маданият излари (милоддан аввалги 100–3 минг йилликлар).
2. Бронза даврида илк маданият намуналари (милоддан аввалги 3–2 минг йиллик бошлари).
- 3.Қадимги Бақтрия маданияти (милоддан аввалги 1 минг йиллик бошлари – милоддан аввалги IV аср).
4. Бақтриянинг македониялик Искандар ва эллинистик давлатлар даври маданияти (милоддан аввалги 329 йил – милоддан аввалги II аср ўрталари).
5. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлардаги давлатлари маданияти.
- 6.Амир Темур ва Темурийлар даврида маданий тараққиёт.
- 7.Уч хонлик даврида ижтимоий-маданий ривожланишнинг орқага кетиши ва Россия истилосининг оқибатлари.
- 8.Чор Россияси ва шўролар мустамлакаси даврида европача маданиятнинг кириб келиши ва руслаштириш сиёсати.

Таянч иборалар: Тош даври, неолит, энеолит, бронза даврлари манзилгоҳлари, халқ маданияти, масҳарабозлик, қизиқчилик, дорбоз, қўғирчоқбоз санъати, халқ педагогикаси, ўйинлар, одатлар, маросим-байрамлари, Амир Темур ва Темурийлар даврида маданияти, Европа

маданияти, рус-тузем мактаблари, маърифатпарварлар, жадидлар, театр санъати, янги усул мактаблари, “қадимийчилар”, “янгичилар”, маданий революция, саводсизликни тугатиш, пролетар маданияти, пролеткультчилар, маданий-оқартув ишлари, жонли газета, оғзаки журнал, тематик кечалар, агитбригада томошалари.

1.1. Тош давридаги қадимги маданият излари (милоддан аввалги 100 – 3 минг йилликлар)

Марказий Осиёнинг мўътадил иқлими ва атроф-муҳит шароитлари бу ерда жуда қадимдан инсон манзилгоҳларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Мамлакатимизнинг жанубий Ҳисор тоғ тизмаси туркумига кирган Бойсунтоғ ва Кўхитанг тоғларида мавжуд ғор ва ўнгурулар ибтидоий давр одамлари учун макон бўлиб хизмат қилган. Мамлакатимиз ҳудудидаги энг қадимги неандертал одамнинг манзилгоҳи Бойсунтоғдаги Тешиктош ғори бўлиб, ўрта тош даврига, яъни милоддан аввалги 100–40 минг йилликларга оид. Бу ғордан ибтидоий одамлар ясаган 3000 донага яқин кескич, тарошлагич ва чопқи каби тош ўзаклар топилган. Тешиктош ғоридан ибтидоий давр одамнинг ташқи кўринишини тиклашда ашёвий манба ҳисобланган одам тана суяги топилиши ҳам жуда муҳимдир. Бойсундаги Амир Темур ғори ҳам худуднинг энг қадимги ғор маконлари туркумига киради. Тош асрининг юқори босқичига келиб (милоддан аввалги 40–12 минг йилликлар) жанубий Ҳисор тоғ тизмаларидан бошланган дарё ва сой бўйлари (Тўпаланг дарёси ҳавзаси) одамлар томонидан жадал ўзлаштирилган.

Мезолит даврига келиб инсонлар нафақат ғорларда, балки паст текисликларда ва дарё бўйларида ҳам макон қуриб истиқомат қила бошлаганлар. Биргина Фарғона водийсининг тоғ ва тоғ олдиларида 100 дан ортиқ мезолит даври ёдгорликлари қайд этилиб ўрганилган. Ўзбекистонда Обишир ғорлари (Сўх дарёси ўзанида) хилма-хил майда тош қуроллари билан ажралиб туради. Бу даврга мансуб бир қанча ёдгорликлар Тошкент атрофида Қўшилиш (Бўзсув ёқасида), Сурхондарёда Кўхна Термиз, Айритом каби ёдгорликларда кўплаб тош қуроллар учраган. Бу даврга келиб ўқ-ёй ихтиро қилинган, суякдан бигиз ва бошқа қуроллар ясалган, майда тош қуроллар кўпайган ва ёввойи ҳайвонлар хонакилаштирила бошланган.

Ўрта тош даври одамлар тасавури ва эътиқодларида кескин ўзгариш юз берган давр ҳисобланади. Бу жараёни Марказий Осиёнинг энг қадимги ранг тасвирларидан бўлмиш Кўхитангдаги Зараутсой суратларида кузатиш мумкин. Зараутсойдаги тош айвон юза қисмида ва шипида қизил бўёқларда битилган 200 га яқин суратлар сақланиб қолган. Бу лавҳаларда ов маросими, ҳайвонот олами ва ўрта тош даври одамлари тасвирлари ўз аксини топган.

Баъзи бир олимларнинг таъкидлашича, Зараутсой суратларида сеҳрли ов маросими акс эттирилган.

Зараутсой суратлари Марказий Осиёда санъатнинг, шу жумладан, тасвирий санъатнинг илк намунаси ҳисобланади. Ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида неолит (янги тош), энеолит (мис-тош) даврлари манзилгоҳлари Кўхитанг ва Боботоғ бағирларида қайд этилган бўлиб, бу макон ва манзилгоҳлар ҳам жез (бронза) асрида воҳада деҳқончилик маданиятининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган.

Маълумки, “Тош даври” га хос бўлган маданий обидалар бундан 100-3 минг йилдан аввалги даврни ўзида акс эттиради. Аини даврга оид Бойсун туманидаги Тешиктош ғоридан топилган неандертал боланинг бош қисми макети, қабрининг кўриниши, Зараутсойда топилган ов маросими акс эттирилган қоятош сурат намунаси ҳамда Тешиктош ва Мачай ғорларидан топилган тош ва суякдан ясалган меҳнат ва ов қуроллари, энеолит даврига оид тошдан ясалган ооч тиглари, бронза даврига оид аёл қабрини кўришимиз мумкин. Шунингдек, юртимизда тош даврига оид Сополлитепа, Касби, Риштон, Ангрен ва Жарқўтондан топилган илк кулолчилик намуналари ҳам мавжуддир.

1.2. Бронза даврида илк маданият намуналари

(милоддан аввалги 3–2 минг йиллик бошлари)

Милоддан аввалги 3–2 минг йилликларни қамраб олган бронза (жез асри) даври Марказий Осиёда туб ўзгаришлар юз берган давр ҳисобланади. Бу, авваламбор, қалайи, мис ва қўрғошин қоришмасидан таркиб топган жез (бронза) қуролларининг ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлган. Бронзанинг кашф этилиши туфайли меҳнат ва ов қуроллари такомиллашган. Кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан алоҳида хўжалик сифатида ажралиб чиқишига олиб келган. Жез даврига келиб, меъморчилик ривожланган, суғорма деҳқончиликка асос солинган ва минтақалараро мол айрибошлаш юзага кела бошлаган. Бронза даври мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турлича кечган, хусусан, Сурхон воҳасида жез асри унинг сўнгги босқичида, яъни, милоддан аввалги 2 минг йилликнинг биринчи чорагида бошланиб, милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларигача давом этган. Сўнгги жез даврига оид энг дастлабки ўрганилган ёдгорлик Ўланбулоқсой этагида жойлашган Сополлитепа ёдгорлиги ҳисобланади. Шу боис, сўнгги жез асрига мансуб маданият Сополли маданияти, деб номланган. Сополлитепа қалъаси тархи 82x82 м., ички йўлакчи уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Қалъада аҳоли жамоа-жамоа бўлиб яшаб, улар 8 маҳаллани ташкил этган.

Милоддан аввалги XV асрда Сополлида ҳаёт излари сўнади ва бу жойда истиқомат этган аҳоли Шерободдарё ҳавзасига, унинг қадимий ирмоқларидан бири – Бўстонсой қирғоқларига кўчади. Бу обида Жарқўтон номи остида маълум бўлиб, 100 гектардан ортиқ майдонни ташкил этади. Жарқўтон ёдгорлиги алоҳида муҳофазаланган қалъа – Сарой ва унга туташ қисмдан, шу жумладан, воҳа учун диний марказ вазифасини ўтаган ибодатхона, алоҳида-алоҳида тепаликлар шаклидаги тураржой биноларидан иборат маҳаллалар, кулоллар устахоналари ва хумдонлар, шунингдек, мозор-қабристондан иборат. Жарқўтон ёдгорликларининг умумий майдони, унда маҳобатли иншоотларнинг мавжудлиги ҳунармандчиликнинг тараққий этгани бу жойда шаҳар туркумидаги маданият мавжуд бўлганини кўрсатади.

Жарқўтон ёдгорлиги Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимий шаҳарнинг илк тимсолидир. Жарқўтон олов ибодатхонаси бу турдаги иншоотларнинг энг қадимийси бўлиб, кейинчалик Кўҳна Шарқнинг баъзи бир марказларида кенг тарқалган олов ибодатхоналарининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бу даврда хўжаликнинг, асосан, яйлов чорвачилиги ва деҳқончиликка асосланган ишлаб чиқариш шакли қарор топди. Амударё ва Зарафшоннинг қуйи қисми, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий қисми ва Жанубий Сурхон воҳаси табиий географик жиҳатдан қадимги деҳқончиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун қулай бўлган. Атрофдаги чўл ва даштларда, асосан, чорвадор қабилалар яшаган.

Милоддан аввалги XV–X асрлар оралиғида мамлакатимизнинг баъзи бир ҳудудларида, хусусан, Миршоди воҳасида жез даврининг янги қишлоқ ва қалъалари вужудга келган. Сополли маданияти соҳиблари Ватанимиз ҳудудида дастлабки суғорма деҳқончиликка асос солган қабилалар ҳисобланади. Сополлитепа, Жарқўтон, Молали каби обидаларни қозиш жараёнида топилган дон қолдиқлари, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ипакдан тўкилган мато ва бошқа ашёвий манбалар бунинг исботидир.

Сополли маданиятига хос ҳунармандчилик намуналари турли-туман бўлиб, жездан қуйма усулда ясалган кўзгулар, ўсмадон ва кўзачалар, тепа қисмида ҳайвон бош қисми тасвирланган жез бигизлар, илон ва хочсимон шаклда муҳрлар, турли тоғ жинсларидан ясалган мунчоқлардан иборат. Бу даврда ҳунармандчиликнинг оммавий турларидан бири – кулолчилик ҳам жадал тараққий топган. Сарғиш ва қизғиш лойдан чархда ясаиб, маҳсус хумдонларда пиширилган ваза ва косалар, кўза ва жўмракли идишлар, турли ҳажмдаги хурмача ва хумлар ўзининг сифатлилиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Сополли ва айниқса, Жарқўтон ёдгорликларида лойдан ясалган бут ҳайкал, ҳайвонлар тасвири акс эттирилган образларнинг

мавжудлиги мамлакатимизда жез даврининг сўнгги босқичларида бадий санъатнинг илк куртаклари ҳам шаклланганлигидан далолат беради. Сўнгги жез даврида истиқомат қилган аҳоли Кўхна Шарқнинг қадимий цивилизациялари, шу жумладан, Шумер, Аккад, Элам, Шимолий Ҳиндистоннинг Ҳараппа, Сибир ва Қозоҳистон ҳудудларида истиқомат қилган элат ва қабилалар билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар.

Хоразмда сўнгги жез – илк темир даврига Сувёрган маданияти ва Амиробод маданияти мансуб. Сувёрган маданияти қабилалари ёғоч устунли тўғри бурчакли чайналларда яшаган. Ўчоқ атрофидан сирти қизилга бўялган сопол идишлар топилган. Топилмалар ичида микролитлар кўп учрайди. Бу маданият 3 босқични ўтган. Уруғ жамоалари овчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Ижтимоий ҳаётда дастлаб она уруғи анъаналари кучли бўлган, лекин кейинги 2 босқичда эркакларнинг жамоадаги мавқеи ортган. Аёллар эрларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўла борди. Катта оила жамоаларида ота ҳуқуқи қарор топиб мустаҳкамланди. Энди қариндошлик отага қараб белгиланди, уруғлар ичидаги муносабатлар отанинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳукмронлиги асосига қурилиб, болалар ота мулкига меросхўр бўла бошлади. Амиробод маданияти одамлари ярим ертўла уйларда яшаган, уйларнинг марказида катта ўчоқ бўлган. Сопол идишлари таги ясси, дағал ишланиб, бошоқсимон нақш берилган. Аҳоли уруғ жамоаларига бирлашиб деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Суғориш тармоқлари яхши ривожланган.

1.3. Қадимги Бактрия маданияти

(милоддан аввалги 1- минг йиллик бошлари – милоддан аввалги IV аср)

Милоддан аввалги минг йилликнинг биринчи чорагида ўз тасарруфига Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерларини бирлаштирган Бактрия ўлкаси иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берган давр ҳисобланади. Бу жараён бевосита темирдан металл қуроллари яшанинг ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлган. Мамлакатимизда темирга ишлов бериш сўнгги жез давридаёқ, яъни милоддан аввалги XIII-XII асрлар оралиғида Кўхна Шарқнинг маданий халқларидан бири хеттликлар билан қарийб бир даврда кашф этилган. Ўлкада темирдан оммавий тарзда меҳнат ва ҳарбий қуроллар яшаш милоддан аввалги V-VI асрларга тўғри келади.

Темирдан меҳнат ва ҳарбий қурол-яроғлар яшашнинг ихтиро қилиниши деҳқончилик, ҳарбий билимлар ва ҳунармандчилик ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган. Бу жараён айниқса, илк темир асри обидалари тузилишида ва қишлоқ хўжалигида яққол сезилади. Илк темир асрига келиб, деҳқончилик учун қулай бўлган ҳудудлар жадал ўзлаштирилган (Бандихон, Миршоди воҳалари ва Сурхондарёнинг қуйи ҳавзаси) ва Музрабод, Шеробод воҳалари ҳудудларида янгидан бунёд этилган шаҳарлар ва қалъалар ҳисобига мавжуд экинзор ерлар кенгайтирилган. Сўнгги жез даврида деҳқончилик асосан сой ва дарёлар ҳавзаларида олиб борилган бўлса, илк темир асрида сунъий каналлар қазилиб, ерлар ўзлаштирилган. Бандихон воҳасидаги Ўргулсойдан қазиб чиқарилган қадимги Занг канали (қуйи Сурхондарё воҳаси) шулар жумласидандир.

Илк темир асри Бактрия заминида икки қисмли шаҳарларнинг тўлик шаклланган даври ҳисобланади. Воҳа марказлари вазифасини ўтаган Жондавлаттепа (Шеробод воҳаси), Ҳайитобод (қуйи Сурхон ҳавзаси), Қизилтепа (Миршоди воҳаси) икки қисмдан, яъни арки-аёло ва ички шаҳар каби таркибий қисмлардан иборат. Арки-аёлода воҳа ҳукмдорларининг маъмурий иншоотлари ва тураржой бинолари жойлашган. Ҳар икки қисм ўз навбатида мустаҳкам муҳофаа иншоотлари билан ўраб олинган. Бу даврда доирасимон (Таллашқон – 2) ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги (Бандихонтепа) мустаҳкам ҳарбий қалъалар ҳам барпо этилган. Миршоди, Қизилча ва Музработдаги Кучуктепа воҳанинг илк темир асрига мансуб қишлоқлари туркумидандир.

Воҳада қадимги Бактрия подшолиги даврида шаҳарсозлик ва меъморчилик билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам тараққий топган. Миршоди воҳасидан топилган тошдан ясалган одам бош қисми тасвири, Кучуктепа, Қизилтепа, Таллашқон каби обидалардаги уч қиррали пайконлар, темир ўроқлар, кели ва келисоплар шулар жумласига киради ва бу каби ноёб ашёвий манбалар Термиздаги Археология музейининг “Қадимги Бактрия маданияти” кўрғазма залида намойиш этилмоқда.

Милоддан аввалги VI–IV асрлар кулолчилигининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, дон ва сув сақлашга мўлжалланган улкан хумлардан тортиб мўъжаз сопол идишларнинг аксарияти чарҳда ясалган ва банкасимон кўринишга эга бўлган.

Қадимги Бактрия давлати (Бактрия, Бактриана – бу юнонча ном, Бахди – Эронга нисбатан шарқда жойлашган ўлка дегани) миллоддан аввалги VI аср ўрталаридан Эрон аҳмонийларига қарамликка тушиб қолган. Бу воқеа миллоддан аввалги 545–539 йиллар оралиғида Кир подшолик қилган Эрон кўшинларининг Марказий Осиёнинг ката қисмини босиб олиши оқибатида

рўй берган. Шу саналардан тортиб македониялик Искандар (Александр Македонский) кўшинлари томонидан қадимги Эрон давлатининг тор-мор этилишига қадар Бақтрия аҳмонийлар Эронининг катта вилоятларидан бири ҳисобланган. Воҳанинг қадимги Бақтрия даврига мансуб 42 та ёдгорлигининг аксарият қисми македониялик Искандар бошчилигидаги кўшинлар ҳужуми туфайли вайронага айланган.

1.4. Бақтриянинг македониялик Искандар ва эллинистик давлатлар даври маданияти (милоддан аввалги 329 йил – милоддан аввалги II аср ўрталари)

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар бошчилигидаги Юнон-македон кўшинларининг Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралиғидаги ҳудудни эгаллаш учун юриши бошланди. Бу ҳарбий муҳораба суғдликлар, бақтрияликлар ва сакларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамасдан милоддан аввалги 327 йилда Окс ва Яксарт оралиғидаги каттагина ҳудудни эгаллаш билан тугайди. Шу санадан бошлаб Марказий Осиёнинг баъзи бир вилоятлари каби Бақтрия ўлкаси, шу жумладан, Сурхон воҳаси ҳам македониялик Искандар давлати таркибига киритилади. Македониялик Искандар вафотидан сўнг (милоддан аввалги 323 йил) Сурхон воҳаси Салавкийлар давлати тасарруфида бўлади. Милоддан аввалги III асрнинг 50-йилларида Бақтрияда Диодот асос солган Юнон-Бақтрия шоҳлиги вужудга келиб, бу давлат милоддан аввалги II асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилади. Милоддан аввалги II асрнинг 40–30- йиллари оралиғида Юнон-Бақтрия давлати сак, юэчжи (ёвчи) ва тоҳар каби элат ва қабилаларнинг юриши туфайли инқирозга учрайди. Македониялик Искандар бошчилигидаги Юнон-македон кўшинларининг истибдоди кўшни ўлкалар сингари Бақтрияда ҳам тушқунлик ва вайронагарчиликка олиб келган. Воҳанинг ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган ва сув манбаларига бой бир неча шаҳар ва қишлоқларида ҳаёт давом этган.

Воҳада маданий ҳаётнинг қайтадан тикланиши Салавкийлар ва айниқса Юнон-Бақтрия шоҳлиги даврида юз берган. Юнон-Бақтрия подшолиги даврига келиб Окс (Амударё) бўйларида жойлашган Кўҳна Термиз шаҳар сифатида шаклланган, кечув жойида қалъа вазифасини ўтаган Кампиртепа, Ҳайитободтепа, Жондавлаттепа каби шаҳарчалар кенгайтирилган ва Далварзинтепа каби шаҳар, қишлоқ ва қалъаларга асос солинган.

Милоддан аввалги III-II асрлар Бақтрияда, бутун Яқин Шарқ ҳудудида бўлгани каби, қадимги Шарқ анъаналари ва Юнон маданиятининг бирикуви ва ҳамкорлиги жараёни кучайиб эллинистик маданиятни юзага келтирган. Бу жараён шаҳарсозлик ва меъморчиликда, тангалар зарб қилишда, яъни товар пул муносабатларининг таркиб топишида, бадий санъат ва хунармандчиликда яққол кўзга ташланади.

Шимолий Бақтрия (Сурхон воҳаси) нинг Юнон-Бақтрия даври бадий санъати турларидан бири терракота ҳайкалчалар, яъни мўъжаз санъат намуналаридир. Булар яланғоч қиёфада ёки товонларига тушган кийимлари хилпираб турган ҳайкалчалар ёки аёл маъбуданинг тахтда ўтирган ҳолатдаги тасвирларидир. Бир қисм ҳайкалчалар фил суяги ёки мрамор тошдан йўнилган бўлиб, ўзининг нафислиги ва юксак бадийлиги билан ажралиб туради. Юнон-Бақтрия шоҳлари номидан зарб этилган тангаларнинг юза қисмида Диодот, Деметрий ва бошқа ҳукмдорларнинг кўкрагига тасвири туширилган бўлиб, айнан портрет шаклидадир. Юнон-Бақтрия шоҳлиги даври ўймакорлик, шишасозлик, сангтарошлик каби хунармандчилик турларининг ҳам тараққий этган давридир.

Хуллас, милоддан аввалги XIV-XV асрларда Ўрта Осиёда Юнон-Бақтрия подшолиги ташкил топиши оқибатида маҳаллий маданият ҳамда юнон, ҳинд ва Эрон маданиятларининг илғор анъаналари омукталаниб, ўзига хос қадимги юксак маданият шаклланди. Бундай маданиятнинг ўчоғи бўлган Бақтрия кўшни мамлакатлар давлатчилиги ва хўжалигининг тараққиётига ижобий таъсир этди. Бундай таъсирнинг излари Парфия, Қора денгиз бўйи давлатлари, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг тарихий обидаларида ўз аксини топди.

1.5. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлардаги давлатлари маданияти

Қадимги Хоразм. Милоддан аввалги XV асрда Хоразм Ахоманийлар давлатидан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олади. Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари, сўнгра Салавкийлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўз эркини сақлаб қолган Хоразм бу янги фотиҳлар билан мустақил давлат сифатида алоқада бўлади.

Маълумки, милоддан аввалги илк асрлардаёқ узил-кесил шаклланган Хоразм воҳасининг ўтроқ хўжалигини, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Бундай ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг кенгайиши эса, ўз навбатида воҳада кўплаб шаҳар, қишлоқ ва қалъаларнинг қад кўтаришига, хунармандчиликнинг кулолчилик, темирчилик, тўқимачилик, заргарлик ва қуролсозлик каби турли соҳалари юксак даражада ривож топишига олиб келган.

Бу даврда Қадимги Хоразмда айниқса, деҳқончилик воҳалари, аҳоли тураржойлари муҳофазасига катта аҳамият берилади. Шаҳар, қишлоқ ва қалъа дарвозалари ғуломгардиш, бурж ва нишон туйнуклари билан мустаҳкамланади. Улкан ва ўта мустаҳкам қалъалари туфайли бу қадимги диёр Хоразм («Ху-вар-зм»), яъни «яхши ёки ажойиб қалъали ўлка» маъносини англатувчи ном билан шуҳрат топган. Бундай қалъалар Авесто

китобида «вар» атамаси билан тилга олинади. Варлар гирдининг томонлари бир от чопими (тахминан 3 км) узунликда бўлган. Қўрғон шаклидаги вар ичкарисига 9 та дарвоза орқали кирилган. Ташқи девор бўйлаб қўрғон ичида тураржойлар барпо этилган. Қалъанинг ички саҳни бўм-бўш майдондан иборат бўлган. У кўтон вазифасини ўтаган. Чунки чорва ва дехқончилик билан кун кечирган Хоразмнинг ўтроқ жамоалари учун чорва асосий мулк–бойлик ҳисобланиб, ёв босқинлари даврида кўплаб кўй отарлари, қорамол подалари ва йилқи уюрлари варларга киритилиб, талончиликдан муҳофаза этилган. Варлар, шубҳасиз, уруғ ёки қабиланинг мудофаа истехкоми ва мавсумий қишлоқ жойи бўлган.

Қадимги Фарғона давлати. Фарғона водийси сой ҳавзаларида шаклланган катта-кичик ўтроқ дехқончилик воҳалари кенгайиб, милоддан аввалги III–IV асрларда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг турли соҳалари ривож топади. Бир нечта қишлоқ ва шаҳарлар қад кўтаради. Қадимда бу обод тарихий ўлка ва бош шаҳри табиатига монанд мазмунни англатувчи «Паркана», яъни «сув бўйи» ёки оддийгина «водий» деб юритилган. Қадимги Хитой ёзма манбаларида у Дайюан (Даван) номи билан тилга олинади.

Милоддан аввалги IV асрда Даванда 300 минг нафар аҳоли яшаган. Унда 70 га яқин катта-кичик шаҳар бўлган. Кува шаҳри (Қайқубат) унинг пойтахти бўлиб, 60 минг нафарли кўшини бўлган.

Даванликлар ғарбда қанғликлар, шимолда усунлар, шарқда эса уйғурлар билан яқин алоқада бўлишган. Дехқончиликда улар тенги йўқ миришкор бўлиб, арпа, буғдой, шоли ва беда каби экинларни етиштиришган. Боғдорчилик, айниқса, узумчилик кенг ёйилган. Даванда ўтроқ зироаткор аҳоли билан бир қаторда тоғ олди ва даштлик худудларда чорвадор қабилалар ҳам яшаган. Чорвачиликда, айниқса йилқичиликка эътибор кучли бўлган. Даван қадимда ўзининг зотли «самовий» аргумоқлари билан шуҳрат қозонган. Даван тулпорлари, айниқса Хитойда жуда қадрланган.

Милоддан аввалги IV асрда Даванда қавийлик даражасидаги ҳокимлик ҳукм сурган. Давлат бошқарувида оқсоқоллар кенгаши муҳим ўринга эга бўлган. Давлат ва жамоаларга тегишли ҳаётий масалалар оқсоқоллар кенгашида ҳал этилган. Даванда пул зарб этиш бу вақтда ҳали юзага келмаган эди. Ташқи ва ички савдо пулсиз мол айирбошлаш воситасида амалга оширилган.

Фарғона тулпорларини қўлга киритиш баҳонаси билан Хитой ҳукмдорлари Даван давлатини бўйсундириш учун бир неча бор ҳаракат қилади. Чунки кўчманчи жанговар хунну қабилаларининг чопқунларига қарши курашишда Хитой суворийлари учун кўплаб чопқир отлар етишмас эди. Милоддан аввалги 104 ва 101- йилларда Хитойнинг кўп минглик қўшини

2 марта Фарғона водийсига бостириб киради. Даван пойтахти камалга олиниб, ҳатто шаҳарнинг сув тармоқлари тўсиб қўйилса-да, аммо хитойликлар ўз мақсадларига эриша олмайдилар.

Милоддан аввалги XVI аср бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи чор-вадор сак қабилаларининг **Қанғ давлати** ташкил топади. Бу давлатнинг ҳудуди қадимги Чоч (Тошкент) воҳаси, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимини эгаллаган. Қанғ юртлари шарқда Даван, шиммоли-шарқда усун ва юэчжи қабилаларининг ерлари, шимоли-ғарбда Сарису дарёси, ғарбда Яксарт (Сирдарё)нинг қуйи оқими билан чегараланган.

Милоддан аввалги III – IV асрларда Қанғ давлати ниҳоятда кенгайиб ўзига 5 та ўтроқ вилоят: Чоч, Кеш, Суғд, Бухоро ва Хоразм ҳокимликларини бўйсундиради ва йирик давлат бирлашмасига айланади. Қанғ давлатида чорвадорлар билан бир қаторда ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли ҳам яшаган. Ўтроқ воҳа жамоаси суғорма декқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Қанғ давлатига тобе ўтроқ вилоятларда ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари, мустаҳкам йирик қалъа ва ибодатхона кўп бўлган. Шаҳарлар тураржойларининг аксарияти паҳса ва хом ғиштдан қурилган. Шаҳарнинг ташқи девори, қалъаси, дарвозалари, бурж ва нишон туйнуклари каби мудофаа иншоотларининг мустаҳкамлигига алоҳида аҳамият берилган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, хусусан, кулолчилик ва темирчилик анча ривож топган.

Қанғ давлати Хитой, Кушон, Парфия, Рим ва Кавказорти мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлган. Унинг ҳудудидан Буюк ипак йўли кесиб ўтганлиги туфайли ташқи савдо алоқаларда сарбонликни қўлда саклаб туришга интиланган.

Милоддан аввалги IV милодий VI асрларда ҳукмронлик қилган Кушон подшолиги нафақат Ватанимиз тарихида, балки бутун Марказий Осиё тарихий ўлкалари халқлари иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим ўрин тутган давлатлардан бири саналади. **Кушон подшолигига** асос солган қабилалар тарихий манбаларда юэчжи (ёвчи) ва тоҳарлар деб номланган. Милоддан аввалги IV асрнинг тўртинчи чорагида асосан Бактрияда ҳукмрон бўлган Юнон-Бактрия подшолиги Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида истикомат қилган юэчжи қабилаларининг юриши туфайли инқирозга учраган. Милодий IV асрга келиб Бактрияда беш катта уруғга бўлиниб яшаган юэчжи қабилалари Кужула Кадфиз томонидан Гуйшуан-Кушон уруғи қўл остида ягона давлатга бирлаштирилган.

Кушон давлатининг шимолий чегараси Жанубий Ҳисор тоғ тизмасига кирган Бойсунтоғ ҳисобланиб, Кушон ҳукмдорлари ўз давлатининг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш борасида ҳам тинимсиз фаолият кўрсатганлар. Бойсунтоғдаги “Темир дарвоза” ва унинг билан боғлиқ муҳофаа истеҳкомлари ана шундай иншоотлардан бири ҳисобланади. Вима Кадфиз ва, айниқса, Канишка IV ҳукмронлигида бу давлат таркибига Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерлари ҳам киритилган ва натижада Кушон давлати Кўхна дунёнинг Рим империяси, Парфин ва Хан Хитойи билан бир қаторда турган буюк давлатга айланган. Милодий VII аср охирида ички зиддиятлар ва айниқса сосонийлар Эрони кўшинларининг Кушоншаҳр, яъни Бактрияни эгаллашлари оқибатида Кушон давлати инқирозга юз тутган.

Тўрт аср давомида марказлашган давлатнинг мавжудлиги Бактрияда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Сурхон воҳасида ҳам иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишга олиб келган. Милоддан аввалги V – милодий V асрларда Сурхон воҳаси жадал ўзлаштирилган, йирик каналлар қазилган (Каттанаҳар), мавжуд суғориш иншоотлари кенгайган (Занг канали), янги шаҳарларга асос солинган (Зартепа) ёки Тармита (Термиз) ва Далварзинтепа сингари шаҳарлар ҳудудий жиҳатдан кенгайган. Кушон даври шаҳарлари лойиҳа асосида бунёд этилган икки қисм, яъни арки ва унга туташ асосий шаҳар қисмларидан иборат бўлган. Бу давр шаҳарсозлиги Далварзинтепа, Зартепа, Кўхна Термиз ва унинг таркибий қисмлари ҳисобланган Қоратепа, Фаёзтепа ўрнидаги диний иншоотлар орқали яхши ўрганилган.

Кушон даври шаҳарлари маъмурий, иқтисодий марказ бўлиш билан бир қаторда диний марказлар вазифасини ҳам ўтаган. Кушон ҳукмронлигининг илк босқичидаёқ кўхна дунё давлат ва халқларини иқтисодий ва маданий жиҳатдан боғлаб турган қитъалараро савдо йўли, яъни “Буюк ипак йўли” тўлиқ шаклланган.

Шуниси эътиборлики, ипак йўли бўйлаб устунлик қилиш учун Эрон, Парфия, Ўрта Осиё ҳукмдорлари ва Хитой ўртасида ҳамма вақт кураш борган. Айниқса бундай рақобатли кураш миллодий XVI асрдан бошлаб Эрон ва Ўрта Осиё давлатлари ҳамда Эрон билан Парфия ўртасида кескин тус олган.

Ўрта Осиё орқали Хитойдан Ғарбга ўтган савдо қарвон йўллари доимо суғдлар назоратида бўлган. Суғд савдогарлари савдо йўлидаги устунликни сақлаб қолиш учун Шарқий Туркистонда, Еттисувда, Олтойдан то Энасой (Енисей) соҳилларига қадар ҳудудларда, Шимолий Хитойнинг Шанси вилоятида, Дунхуан каби қарвон йўли ёқаларида жойлашган қатор шаҳарларда ўз қарвонсаройлари ва қишлоқларини барпо этганлар. Масалан,

Дунхуан шаҳрида XVII – XIX асрларда минг хўжалик (5 минг аҳоли) га эга Суғд қишлоғи қад кўтарган.

Ипак йўли орқали Хитойдан Ўрта Осиё ва Ғарб мамлакатларига, асосан, ипак ва шойи матолар, илк ўрта асрлардан бошлаб қоғоз олиб чиқилган бўлса, Ғарб давлатларидан Хитойга шиша, жун матолар, гилам, палос, ойна, металл, зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо тошлар: қизил ёқут, феруза, сердолик, шунингдек, дориворлар, тулпор отлар олиб борилган. Савдо йўли орқали Хитойнинг жез кўзгулари ва ўртаси квадрат тешикли тангалари Фарғона водийси ва Чоч (Тошкент) вилоятида кенг тарқалган. Шундай қилиб, Ипак йўли Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Кушон даврига оид ноёб археологик ёдгорликлар: Холчаён, Дарварзинтепа, Кўҳна Термиз, Зартепа, Қоратепа, Фаёзтепа, Айритом, Кампиртепа сингари обидалардан қазиб очилган дунёвий ва диний йўналишларда яратилган хайкаллар, хилма-хил мўъжаз санъат турлари, турли-туман ҳунармандчилик буюмлари жаҳон аҳамиятига эга бўлиб, ўзининг такрорланмаслиги билан ажралиб туради.

Хуллас, олиб борилган тадқиқотлар натижалари ўлкамиз маданий тараққиётида, хусусан шаҳар маданиятининг шаклланишида дастлаб Шимолий Бақтриянинг ўрни катта бўлиб, кейинчалик бу жараён Суғдиёна (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро воҳаси), Хоразм ва Фарғона ҳудудларига тарқалганини кўрсатади.

IV аср ўрталарида Ўрта Осиёга Еттисув ва Шарқий Туркистондан келган кўчманчи чорвадор хионийларнинг ҳужуми бошланади. Хионийлар қадимги туркий хунну қабилаларига қон-қариндош бўлган, шу боисдан Ғарб муаррихлари уларни эфталийлар («оқ хуннлар») деб атади. XV асрнинг 70-йилларида хионийлар Ўрта Осиёда узил-кесил ҳукмронликни ўрнатишга муваффақ бўладилар. Сирдарё бўйларида то Амударёга қадар чўзилган кенг майдонда хионийларнинг кучли давлати қарор топади. Бу давлат 120 йилдан ортиқ мавжуд бўлди.

В асрнинг 2-ярми ва XV аср бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерларини ягона ҳудудга бирлаштирган қудратли **Эфталийлар давлати** ташкил топади. Гарчи бу давлат сиёсий жиҳатдан Кушон подшолиги каби мустақкам бўлмаса-да, аммо майдони жиҳатидан ундан улканроқ эди. Бу буюк давлат Шарк мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиё халқлари тарихида айниқса муҳим рол ўйнади.

Бу даврда деҳқончилик воҳаларидаги катта-кичик шаҳарларда кулолчилик, шишагарлик, чилангарлик, бўз тўқиш, саррожлик, заргарлик ва курулсозлик касб-ҳунарлари раванқ топади. Илк ўрта асрларда Чочда ясалган ўқ ва ей («камони чочий») бутун Шарқда машҳур бўлган. Бу даврда биргина Зарафшон водийсида Самарқанд ва Бухородан ташқари, Ривдад, Кушония, Дабусия, Ҳариман, Арқуд, Ромитан, Варахша ва Пойканд каби ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга қараганда, Пойканд шаҳри Эфталийлар давлатининг пойтахти бўлган. Хитой манбаларида у «Би» номи билан тилга олинади. Араблар уни «Мадина ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деб юритар эди.

XV аср Византия тарихчиси Прокопийнинг ёзишича, эфталийларнинг қонуний давлати подшоҳи мутлақ томонидан бошқарилган. Хионий ва кидарийларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳамда Эфталийлар давлатининг ташкил топиши маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётига ҳам маълум даражада таъсир этди. Асрий маданий анъаналари кучли бўлган Тоҳаристон ва Суғдда кўчманчилар тез орада ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан қоришди ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этди. Кўчманчиларнинг тазйиқи остида ўтроқ ҳаётнинг маданий анъаналари дашт удумлари билан омухталлашиб, илк ўрта асрларнинг ўзига хос маданияти шакллана бошлади. Бундай ўзгаришлар айниқса бинокорлик, меъморлик ва тасвирий санъатнинг айрим жабҳаларида кўпроқ намоён бўлди.

XV асрнинг 2-ярми – V асрда мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида содир бўлган кескинлик, айниқса, мудофаа иншоотларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Нахшаб ва Чоч каби деҳқончилик воҳаларида баланд тағкурси устига бино қилинган кўплаб истехкомли қасрлар ва деҳқон кўрғонлари қад кўтарди. Нахшаб воҳасидаги Заҳхоки Морон қалъаси, Бухородаги Шаҳри Вайрон ва Хоразмнинг Кат шаҳридаги Фил (Фир) қалъалари шулар жумласидандир.

Бу давр бинокорлиги ва меъморчилигида айниқса қасрлар алоҳида ўрин тутган. Уларнинг айримлари икки қаватли бўлиб, юқорисига махсус қия кўтарма (пандус) орқали чиқилган. Қаср ичида шипи текис, гумбазсимон ва равқсимон ёпилган бир қанча хоналар бўлган. Кўпинча унинг марказий қисмида гирди йўлаксимон узун хоналар билан ўралган миёнсарой–меҳмонхона ёки ибодатхона бўлиб, хона саҳнида девор бўйлаб кенгина супалар, марказида эса оташгоҳ бино қилинган. X аср охиридан бинокорликда пишиқ ғишт ҳам ишлатила бошлаган.

Маълумки, эфталийлар сиёсий жиҳатдан жуда кўп қабилаларни бирлаштиргани сабабли турли диний эътиқоддаги аҳоли ёнма-ён яшаган. Суғдда оташпарастлик дини кенг ёйилган бўлса, Тоҳаристон ва Шарқий

Туркистонда будда динига эътиқод қилинган. Шаҳарларда несториан-христиан ва яҳудий жамоалари ҳам мавжуд бўлган. Айрим вилоятларда эса, ҳатто Моний ва Маздак таълимотлари тарқала бошлаган эди. Ўрта Осиё зардуштлари Нохид, Митра ва Сиёвуш каби маҳаллий маъбудаларга ҳам сиғинган. Наврӯз куни Бухоро оташпараствлари Сиёвуш қабри устида хўроз сўйиб қурбонлик қилардилар.

Географик жиҳатдан бир-бирдан узоқда жойлашган вилоятларнинг аҳолиси, турли тилларда сўзлашган. Чорвадор аҳоли ўртасида, шубҳасиз, туркий тил устувор бўлган. Ўтроқ аҳолининг катгагина қисми суғдийча сўзлашган. Араблар истильосига қадар суғд тили ва ёзуви Еттисув ва Фарғона орқали Шарқий Туркистонга кириб, Хитойгача етиб боради.

Бу даврда кўшни мамлакатлар – Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб боради. V асрда Ўрта Осиёлик шишагарлар Хитой ҳунармандларига рангли шиша ва шиша буюмлар ясашни ўргатадилар. Ўрта Осиё шишаси рангдорлиги, ярқироклиги ва тиниқлиги жиҳатидан Византия шишасидан устун турган. Хитой императорлари ўз саройларини безашда Ўрта Осиёдан олиб кетилган рангли шишадан фойдаланганлар. Шундай қилиб, эфталийлар даврида Ўрта Осиё аҳолисининг маданий анъаналари кўшни мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон ва Эрон сосонийларининг тасвирий услублари билан омукталлашиб, илк ўрта асрлар маданиятининг шаклланишида мустаҳкам пойдевор бўлди.

Милодий IV аср охиридан бошлаб Бақтрия ўлкаси тарихий манбаларда **Тоҳаристон** деб юритила бошлаган. Тоҳаристон ўз таркибига Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерларини қамраб олган бўлиб, ҳудудий жиҳатдан Кушон даври Бақтрия ўлкасига тенг бўлган.

Милодий III аср охири – IV аср давомида Тоҳаристон сосонийлар Эрони давлатига қарам вилоятга айланган. V асрда ўлка Хионийлар ва Эфталийлар давлати тасарруфида бўлган. VI асрнинг 60-йилларига келиб Эфталийлар давлатининг Турк хоқонлиги ва сосонийлар Эрони кўшинлари томонидан тор-мор этилиши туфайли Тоҳаристон Турк хоқонлиги давлати қўл остига ўтган. VII асрнинг 70-йилларидан Тоҳаристон араб кўшинлари томонидан босиб олина бошлаган. Бу жараён VIII асрнинг 40-йилларига келиб ўлканинг батамом Араб халифалиги таркибига кўшиб олиниши билан яқунланган.

V–VIII асрлар давомида Тоҳаристон марказий ҳокимиятга расман қарам кўплаб кичик мулкликларга бўлинган. Чағониён, Термизшоҳлар, Куфтан каби мулкликлар Шимоли-Ғарбий Тоҳаристон, яъни Сурхон воҳасида жойлашган. Термизшоҳлар пойтахт номи билан аталиб, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни ва ҳозирги Ангор, Термиз ва

Жаркўрғон туманларини ўз ичига олади. Бу мулклик Термизшоҳ томонидан идора этилган. Чағониён Чағонруд (Сурхондарё) дарёсининг юқори хавзасидаги ерларни, Ҳисор ва Боботоғ тоғ олди майдонларини ўз таркибига олган. Чағониён мулклигининг марказий шаҳри Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилишида жойлашган Будрач ҳисобланади.

IV асрнинг охирида, айниқса сосонийлар Эрони қўшинларининг Шимолий Тоҳаристон ерларига юриши оқибатида даставвал марказий шаҳарлар (Тармита – Термиз, Далварзинтепа) инқирозга юз тутди. VI аср бошларига келиб Шимолий Тоҳаристоннинг марказий шаҳарлари қайта тикланиб, кенгая бошлайди ва яна бир қанча шаҳарларга асос солинади. VII–VIII асрларга оид хитой ёзма манбаларига кўра, Термиз мудофаа деворининг узунлиги 10 километр, Чағониённинг марказий шаҳри девори 5 километрга тенг бўлган. Тоҳаристоннинг V–VIII асрлар даври шаҳарлари каби асосан икки, яъни арки аъло ва шаҳристон каби таркибий қисмлардан иборат бўлган. Зангтепа (Қулоғлитепа), Ҳайитободтепа, Чағониён (Будрач)ларнинг арки аълосида асосан ҳукмдор саройи билан боғлиқ иншоотлар жойлашган. Марказий Осиёнинг V–VIII асрлардаги тарихий ва маданий ўлкалари (Сўғд, Хоразм) шаҳарлари каби Тоҳаристон шаҳарсозлигида жуда мураккаб меъморчилик услублари қўлланилган. Булар туркумига гумбазли хоналар, томонларни ғиштлар ёрдамида равоқсимон услубда ёпиб, тепасидан иккинчи ва учинчи қаватни қуриш, хом ғиштлар ёрдамида арксимон эшиклар қуриш ва бошқалар киради. Тоҳаристонлик меъмор усталар шаҳарлардаги қабул маросимлари ўтадиган залларни, меҳмонхоналарни, кундалик ҳаётга мўлжалланган хоналарни безашда сомон сувоқ, деворий тасвир, маҳобатли ҳайкалтарёшлик ва ўйма ганчдан жуда моҳирона фойдаланишган.

Шимолий Тоҳаристон шаҳарлари Кушон даври шаҳарлари сингари диний марказлар вазифасини ўтаган. Кўхна Термизда казиб очилган ғорсимон бинолар, Чордингак ўрнидаги буддавийлик иншооти, Зангтепадан топилган қайин пўстлоғига битилган матнлар V–VIII асрлар давомида Тоҳаристонда буддавийлик дини катта мавқега эга бўлганидан далолат беради. Воҳанинг V–VIII асрлар даври ёдгорликлари туркумига, шунингдек, кўшк ва ҳовлилар, савдо йўллари ёқасида жойлашган божхоналар ҳам киради. Ангор воҳасидаги Куёвкўрғон, Болаликтепа, Юмалоқтепа каби кўшклардаги мухташам қабулхона ва меҳмонхоналар дунёвий мазмунда ишланган деворий ранг тасвирларга, ранг-баранг ҳайкалларга, лой ёки ёғочга ўйиб ишланган нақшин лавҳалар-ла безалган.

Илк ўрта асрлар Шимолий Тоҳаристонда бадий санъатнинг, айниқса, ҳайкалтарёшлик ва деворий ранг тасвир санъатининг юксакликка эришган давридир. Тоҳаристоннинг V–VII асрлар даври ранг тасвир санъати Зартепа, Нондаҳа қояларидан бирида барпо этилган Тавка кўрғони ва Болаликтепа

деворий суратлари орқали етиб келган. Тавка кўрғонидаги мухташам бино хонасидаги деворий суратларда ов маросими акс эттирилган бўлса, Болаликтепа кўшкидаги залда базм маросими тасвирланган.

Воҳанинг Каттатепа (Хосияттепа), Зангтепа, Болаликтепа, Ҳайитободтепа, Кучуктепа каби обидалари, Биттепа сингари дафиналарини ўрганиш жараёнида топилган турли-туман шиша идишлар, металлдан ясалган ўсмадон ва меҳнат куроллари, тоғ минералларидан ясалган шода мунчоқлар, кўш балдоқли кружка ва металл буюмларга тақлид этиб ясалган сопол идишлар илк ўрта асрлар даврида Шимоли-Ғарбий Тоҳаристонда хунармандчиликнинг ҳам жадал ривож топганлигини кўрсатади.

V–VII асрларда Ўрта Осиёда юзага келган ўта мураккаб ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий вазият мамлакат ободончилиги, хўжалигининг равнақи, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ва аҳолисининг турмуш тарзи-ю аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Кўчманчилар босқинлари даврида Хоразм, Тошкент, Бухоро ва Қашқадарё каби воҳаларнинг деҳқончилик майдонлари оёқ ости қилиниб, кўпгина шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Хўжалик ривожига зарба берилиб, савдо-сотик ишлари таназзулга юз тутди. Бироқ аввал Эфталлийлар давлати, сўнгра Турк хоконлиги каби йирик давлатлар ҳукмронлигида юзага келган маълум даражадаги осойишталик даврларида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти яна тадрижий тараққиёт йўлига тушиб олди.

Кўчманчи қабилалар ўтроқлашувининг кучайиши билан экин майдонларига эҳтиёж ортиб, зироаткор ерлар кенгайди ва деҳқончилик янада ривожланди. Каналлар барпо этилиб, деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Тоғ олдиларида янги ерлар ўзлаштирилди. Шаҳарлар гавжумлашди.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Бухоро шаҳрининг фақат учта суғориш тармоқлари бўйлаб тўрт мингга яқин қаср қад кўтарган эди. Кўшк ва қасрли кўрғонларда зодагон деҳқонлар, кўрғончаларда эса зироаткор меҳнаткаш аҳоли истиқомат қилган ва душмандан ўзини мудофаа этган.

VI–VIII асрларда деҳқончилик майдонларининг кенгайиб, маҳсулотларининг ортиб бориши, хунармандчилик буюм-у жиҳозларига бўлган эҳтиёж, савдо-сотикнинг авж олиши, ўз навбатида, шаҳарларнинг равнақига, айниқса улардаги хунармандчилик маҳаллаларининг кенгайишига таъсир этди. Айрим йирик шаҳарлар аҳолисининг ортиб бориши, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши билан шаҳарлар атрофи ўзлаштирилиб, уларнинг ташқи девори ёнида янги хунармандчилик маҳаллалари (рабоди хориж) пайдо бўлди. Кейинчалик бундай рабодлар ҳам

алоҳида девор билан ўраб олинади. Уларда аввал дахмалар жойлашган бўлса, сўнгра эса карвонсарой, бозор ва ибодатхоналар қад кўтаради.

Илк ўрта асрларда Суғдда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси «наф» дейилган. Ижтимоий жиҳатдан у бир неча табақага бўлинган. Зодагонлар «озод»; шаҳар ҳунармандлари «озодкор»; савдогарлар «ғувокор»; зироаткорлар «кашоварз»; хизматкорлар «корикор»; муте кўшчилар «кадивар»; қул ва чўрилар «бантак» ва «доя» деб юритилган.

Озодлар табақасига подшоҳ, маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагон деҳқонлар кирган. Бу ижтимоий зинапояннинг тепасида подшоҳ турган. Унинг тасарруфида умумдавлат мулкидан ташқари ўз шахсий мулки ҳам бўлган. Деҳқончилик майдонларининг каттагина қисми маҳаллий ҳокимлар ва зодагон деҳқонларнинг мулки ҳисобланган. Уларнинг ерларида кадиварлар чоракор сифатида кўшчилик қилган. Кадиварларнинг ери мутлақо бўлмаган, экин ерларининг бир қисми эркин кашоварларнинг мулки бўлиб, улар давлатга солиқ тўлаб турган. Суғдда ибодатхоналар ва уларнинг тасарруфида мулк ва ерлар ҳам бўлган. Ибодатхоналар “вағн” дейилган, унинг бош руҳоний мулозими, яъни коҳини “вағнпат” деб юритилган. Коҳинлар тасарруфидаги ерлар эса «вағнзе» деб аталган. Бундай ерлардан олинadиган даромад ибодатхона эҳтиёжига сарфланган. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда ҳукм сурган майда давлатларда ва уларнинг вилоят ҳокимликларида маълум тартибдаги бошқарув маъмурияти шаклланди. Унинг поғоналарида сарой хўжалигининг бошқарувчиси – фармондор ва бош котиб – дапирпатдан тортиб солиқ йиғувчи – возкиром, мирохўр, жаллод, бош новвой, бош соқий ва саркардагача муносиб ўрин эгаллаган эди.

Илк ўрта аср бошқарув маъмуриятининг асосий вазифаси фуқаролардан бож, солиқ ва б. тўловларни ўз вақтида йиғиб олиш, жамоат ишларига уларни сафарбар этишдан иборат бўлган. Кирим-чиқимлар аниқ ва равшан кайд этилиб, ҳужжатлаштирилган. Уларга бармоқ босилиб, ҳатто муҳр билан тасдиқлаб қўйилган. Наршахийнинг ёзишича, биргина бухорхудотлар вилоят ҳокимлиги бошқарувида 18 минг мулозим навбат билан хизмат қилган.

Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўли орқали олиб борилган кенг кўламдаги халқаро савдо Турк хоқонлиги, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византия ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенгайтди. Ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси билан дашт халқлари маданиятларининг ўзаро таъсирини кучайтирди. Ўрта Осиё халқлари жаҳон тарихи жараёнига тортилиб, бу ерда илк ўрта асрнинг ўзига хос ва ниҳоятда бой маданияти шаклланди ва ривож топди. Бу юксак маданият айниқса VI–VIII асрларнинг моддий маданият обидалари, диний эътиқоди ва тасвирий санъат намуналарида ўз аксини топди.

Бу давр меъморлигининг ғоялари, муҳандислик ечимлари ва меъморий услуги нақшлари Хоразм, Суғд, Тоҳаристон, Фарғона ва Чочнинг шаҳар ва қалъалари, кўрғонлари-ю ибодатхоналари, кўшклари-ю мудоффа иншоотларининг тарх-истехкомлари, тоқ-равоклари, ички нақшлари-ю тасвирий санъат обидаларида намоён бўлган.

VI–VIII асрларда Марказий Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва меъморчилик билан бирга тасвирий санъатнинг рассомлик ва ҳайкалтарёшлик каби тармокдари равнақ топади. Уларнинг айрим намуналари Сурхон воҳасида Болаликтепадан, Зарафшон водийсида Панжикент, Варахша ва Афросиёб, Фарғона водийсида Қува ҳаробаларидан ҳамда бошқа ёдгорликлардан топиб ўрганилган деворий суратлар, ҳайкаллар ва ганчкори нақшларда ўз аксини топган.

Бу давр тасвирий санъатида ҳайкалтарёшлик муҳим ўрин тутган. Унинг ривожига айниқса будда дини кучли таъсир кўрсатган. Ҳайкаллар, асосан, диний мавзуларда бўлиб, ибодатхоналарда сақланган. Фарғона водийсида Қувадан ҳамда Қўрғонтепа яқинида Ажинатепадан будданинг баҳайбат ҳайкаллари топилиб ўрганилди. Бу вақтда бадий ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам юқори даражада бўлган. Афросиёб ва Панжикентдан ёғочдан йўнилган санам, ўймакор нақшлар (табиат манзаралари, ҳайвонлар, афсонавий жонзотлар, тахтда ўтирган ҳукмдор, раққоса ва ҳ.к.) нинг куйган қолдиқлари топилган. Илк ўрта аср ганчкорлиги санъатининг нодир ёдгорлиги намуналари Варахша топилмалари орқали тадқиқ этилди. VII–VIII асрларда Ўрта Осиёда санъатнинг мусиқа, рақс, кўшиқчилик, қизиқчилик ва дорбозлик каби турлари ҳам камол топганлиги Хитой манбаларидан маълум. Бу даврда санъат соҳасида Бухоро томоша ижрочилари, Самарқанд найчилари, Чоч ўйини йигит ва раққоса қизлари, Хўжанд сурнайчилари ва Куча бастакорлари билан шуҳрат топган эди. VIII аср бошларида Чоч, Самарқанд, Кеш ва Маймурғдан раққоса қизлар ва ўйинчи йигитлар, Хуттаддан мақомчи аёллар Хитой императори саройига юборилиб турилар эди.

Ўрта Осиё куйлари, мақом ва вазнларининг дилраболиги, рақсларининг босиқ ва ўйноқилиги ўша замонлардаёқ ҳар қандай томошабинни мафтун этарди. Айниқса, уд ва най садосида жуфт бўлиб Чоч ўйинчи йигитлари ижро этган машҳур «Чоч рақси» ёки икки раққосанинг «доира рақси» Хитой аёнларини мафтун этиб, уларни ҳайратга солган эди. Император саройида ўтказилган бундай тантанали издаҳомларда Туркистондан борган дорбоз, муаллақчи, кўзбойлоғич, оловютгич афсўнгарлар ва қизиқчилар ҳам ўз маҳоратларини намоёиш қилганлар. Ҳатто Хитойнинг Чанъан шаҳри аҳолиси кўғирчоқ ўйинини илк бор VII асрда Туркистондан борган санъаткорлар ижросида томоша қилишга муяссар бўлган. Манбаларда

биргина Бухоро шаҳрида уста хунармандлар томонидан 14 турдаги чолғу асбоблари ясалганлиги қайд этилган.

VII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан фатҳ этилиши бошланди. VIII асрнинг 40-йилларига келиб эса, Шимолий Тоҳаристон, хусусан, унинг марказий шаҳарлари батамом Араб халифалиги таркибига киритилди. Бу даврдан то IX аср охирига қадар, яъни Шимолий Тоҳаристоннинг сомонийлар давлати тасарруфига ўтказилишига қадар бу ўлкада содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараён мусулмон дунёси мамлакатлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди. IX аср охиридан то XIII асрнинг 20-йилларига қадар Термиз ва Чағониён сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, қарлуқлар, ғурийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ҳукмронлиги остида бўлиб келди.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳрда, хусусан, Термиз ва Чағониён юртларида мусулмон маданиятининг шаклланиш жараёни юз берди. Бу жараён ушбу юртларда ислом дини, араб тили ва ёзувининг кенг тарқалиши, мусулмон дунёси мамлакатларига хос меъморий иншоотларнинг, жумладан, мадраса, масжид, карвонсарой, минора, мақбара ва бошқа турдаги маданият намуналарининг юзага келиши билан ажралиб туради.

IX асрдан бошлаб Шимолий Тоҳаристонда шаҳарсозлик жадал тараққий этган. Бу даврда ўлкада уч қисмли шаҳарлар тўлиқ шаклланган. Термиз, Чағониён каби шаҳарлар тузилишини ўрганишда ёзма манбалар билан бир қаторда бу шаҳарлар ҳудудида кенг кўламда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳам жуда муҳимдир. Термизнинг 500 гектарлик шаҳар тусини олиши X аср охирларида содир бўлиб, XI–XII асрлар давомида равақ топган. Чағониённинг марказий шаҳри Чағониён (Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш жойидаги Будрач ёдгорлиги) 6 квадрат километрга тенг майдонга жойлашган. Бу шаҳар ўзининг юксакликка эришган даврида, яъни X–XI асрнинг биринчи ярмида Қизилсувнинг ҳар иккала қирғоғини эгаллаган.

IX асрдан бошлаб шаҳарсозликда пиширилган ғиштлар оммавий равишда ишлатилган, уйлар, саройлар, қабул заллари ва масжидларни безашда мураккаб ислимий ва гириҳ нақшлар кенг қўлланилган. Ушбу зал пештоқидан жой олган термизшоҳлар саройини безаб турган нақшин лавҳалар ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

IX–XIII асрлар давомида Термиз ва Чағониёнда хунармандчилик ҳам равақ топган. Хунарманд усталар маҳаллалари Термиз ва Чағониён шаҳарлари билан бир қаторда қишлоқларда ҳам ўрганилган. Чағониён атрофидаги Фармалитепа қишлоқ жойларидаги шундай кулолчилар

устахоналаридан бири бўлган. Термизда кулоллар маҳалласи билан бир қаторда темирчи ва шишасозлар маҳаллалари ҳам бўлган. Темирчи усталар меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари билан бир қаторда антиқа шамдонлар, ўсмадонлар, қош тергич ва кўзгуларни қуйма ва болғалаш йўли билан ясаганлар. Бу даврда воҳа ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг энг ривожланган тармоғи кулолчилик бўлган. X–XI асрларда мукаммал сирланган сопол ишлаб чиқарила бошланган. Термиз ва Чағониён кулолчилиги намуналари хилма-хил ва безаги серҳашам бўлган. Кулол усталар идиш шаклини ҳисобга олган ҳолда чиройли нақш туширишган. Уюрма тўпбарггул, тўқима нақш, ҳайвонлар тасвири ҳамда қия дастхат, қатъий ва бежама куфийда ёзилган битиклар кенг тарқалган нақшлардан эди. Термизда ясалган сирланган сопол идишлар Мовароуннаҳрнинг бошқа марказлари кулолчилик маҳсулотидан қолишмаган. Сирсиз сопол ишлаб чиқариш X асрлардан бошлаб ривожланди ва XI асрга келиб юқори даражага кўтарилди. Бу яхлит қолипчи сопол ишлаб чиқариш техникаси такомиллашуви билан боғлиқ бўлиб, бу техника шундай буюмларнинг ишлаб чиқарилишини кескин ошириш имконини берди. Бунда хилма-хил бўртма тасвирлар идишлар кўринишини анча ҳашамдор ва безакли қилган. Айни маҳалда чизма нақшли сопол кенг тарқалган, бундай услублаштирилган ислимий, гириҳ ва эпиграфик нақш билан, одатда, шаклан ва ҳажман хилма-хил кўзалар безатилган. Бу эса ғоят мураккаб нақшларнинг юзага келишига замин ҳозирлаган. Бу даврда Термиз кулолчилик ишлаб чиқаришида симоб кўзачалар сезиларли ўрин олган.

Шिशасозлик XI–XIII асрларда кулолчиликдан кейинги ўринга чиқиб олди. Шиша буюмлар, идиш-товоқ, атир шишалар, кимёвий идишлар, зебзийнат буюмлари ва дераза ойналари анъанавий эркин пуфлаш ҳамда қолипга солиб пуфлаш йўли билан ясалган. Буюм тайёрлашда кўпроқ оч яшил, феруза, оч зангори, тўқ бинафша ранглардан фойдаланилган.

Қадимги Турон диёрида замонасининг буюк давлатларидан Қанг давлати ва унинг жанубида Кушон подшолиги раванқ топган даврида бошланган юксалиш мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Деҳқончилик воҳаларида шаҳарларнинг сони кўпайди. Улар кенгайиб, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданий ҳаётнинг марказига айланди. Воҳалар бўйлаб, айниқса серсув азим дарё адоқларида бир қанча йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайди. Сув тегирмони, чиғир ва чархпалаклар каби ўз даври учун анчагина мураккаб гидротехника қурилмаларидан фойдаланила бошлади.

IX – XII асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор

инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Кейинчалик дунё илмида «Мусулмон Ренессанси» ёки «Шарқ Уйғониши» номи билан аталган бу давр улуғ алломалар, комусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғазолий, Азизиддин Насафийларнинг фалсафий асарлари тафаккур хазинасини бойитди, уларда олам, одам ва жамият яхлитликда тадқиқ этилиб, янги қонуниятлар очилди, ақлий билим уфқлари кенгайди, фозил жамият ва комил инсон назарияси чуқур ишлаб чиқидди. Шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратдилар, ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик, озодлик ва эзгуликни куйладилар.

Марказий Осиёда IX – XIII асрларда ўз халқининг қадимиятига қайтиш, “Авесто” фалсафасини “Қуръон” маърифати билан уйғунлаштириб, қайта тиклашга интилиш тасаввуф таълимоти, «ишроқ» фалсафасида намоён бўлди. Шу асосда турли назариялар, таълимотлар юзага келиб, фикрий хилма-хиллик ривожланди. Тасаввуфий-орифона таълимотнинг қарор топиши, тариқатлар ҳам, аслида, хурфиқрлик ва инсон камолотига бўлган ишончнинг нишонаси эди. Уйғониш даври вакиллари динга эмас, балки динни сҳоластика ва жаҳолат манбаига айлантирган кишиларга қарши курашганлар.

Шарқ Уйғониш даврида кенг қўламли: таълим ва таҳлил, мадраса-маориф ривожланган, улкан кутубхоналарда юз минглаб жилд китоблар йиғилган, «хазинат ул-ҳикма», «дор ул-улум»ларда толиби илмлар, устоз-шогирдлар суҳбати бардавом эди, олимнинг обрў-эътибори юксак қадрланди. Шарқ Уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европадаги Уйғониш даврига бевосита таъсир этган. Чунки XII – XIV асрларда мусулмон олами билан Европа давлатлари орасида алоқа кучайган эди. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини лотин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёхуд бевосита араб тилида ўқиб ўрганганлар. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», «Аш-Шифо», Форобийнинг «Илмлар таснифи», Аҳмад Фарғонийнинг «Само ҳаракатлари ва юлдузлар илмининг жами китоби», Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг «Алжабр вал муқобила» асарлари таржима қилиниб, кейинчалик нашр этилган. Алгебра, алгоритм фанлари Хоразмий асарлари туфайли шаклланган. «Тиб қонунлари» 7 аср мобайнида Европа университетларида тиббиёт дарслиги сифатида хизмат қилди.

Дунёвий фан олимлари билан бирга бу даврда Ислом таълимоти ва мафкурасининг такомилли йўлида мовароуннахрлик муҳаддис уламоларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Бу борада айниқса Имом Бухорий ва унинг шогирди Абу Имом Термизийларнинг ҳиссаси ниҳоятда буюқдир.

Биргина Имом Бухорий ислом таълимотига оид йигирмадан ортиқ асар ёзди. Унинг «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») асари мусулмон Шарқида қарийб ўн икки аср давомида катта обрў-эътибор қозониб, Ислом таълимотида Қуръондан кейинги асосий манба сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Муסיқада ҳам Уйғониш даври жараёнига хос юксалиш дастлаб Шарқда юз берди. Марказий Осиё халқларининг қадимий анъаналари араб, ҳинд ва форс муסיқий мерос асарлари, чолғулари билан ўзаро таъсир жараёнлари натижасида янада бойиб қайтадан жонланди. Зеро, Форобий ва унинг издоши Ибн Сино музиканинг назарий, фалсафий ва эстетик масалаларини атрофлича тадқиқ этиб, умумшарқий таълимотни яратишган. Хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари муסיқа амалиётига таянган ҳолда, куй ва усуллар, кўлланиладиган созлар, муайян шакл ва жанрлар доирасида муштараклик мавжудлигини исботлашган. Форобийнинг «Китоб ул муסיқа ал-кабир» («Муסיқага доир катта китоб») ва, айниқса, Ибн Синонинг «Жавомеъ илм ул-муסיқи» («Муסיқага оид илмлар тўплами») каби асарларида юнон олимлари (Пифагор, Аристоксен ва бошқалар)нинг қарашлари бойитилиб, товушлар баланд-пастиги муносабатлари математик услубда ифодаланган. Шунингдек, соф товушқатор тизими, ундан ўрин олган бўдларнинг мулойимат ва мунофират таснифоти, ийқо назарияси илк бор асослаб берилган. XII – XIII асрларда ижодий ва ақлий кучлар ривожини намойиш этган Ўн икки мақом тизими юзага келди.

Шундай қилиб, Мовароуннахр шаҳарлари IX–XII асрлар мобайнида ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида муайян тараққиётга эришган. Бу илдам тараққиёт жараёни XIII асрнинг 20-йилларида Чингизхон кўшинлари томонидан ўлканинг эгалланиши билан тўхтади.

1.7. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданий тараққиёт

Дунёга Соҳибқирон Амир Темур (1336 йил 8 апрель – 1405 йил 18 февраль) номи билан шуҳрат таратган буюқ бобомиз юртимизни мўғул боққинчиларидан батамом халос қилиб, қудратли салтанат тузишга муваффақ бўлди. Унинг таркибига Мовароуннахр, Хоразм, Каспий атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қанча мамлакатлари

кирган. Пойтахти Самарқанд шаҳри бўлганбу улкан салтанатда адолат қарор топиб, фан, маданият, шаҳарсозлик ривожланиши учун қулай муҳит яратишга эришилди.

Ўзининг кўп йиллик ҳарбий юришлари давомида Амир Темур салтанатининг шон-шуҳрати учун курашди, унинг марказий қисми бўлган Мовароуннаҳр, айниқса, пойтахт Самарқанднинг ободонлигига алоҳида аҳамият берди. Бунинг учун у забт этилган мамлакатлардан моддий бойликлар билан бирга жуда кўп хунармандлар, санъат аҳллари ва олимларни Мовароуннаҳрга олиб келди ва мамлакатни обод этишда уларни ишлатди. Соҳибқироннинг ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда Мадраса, Туркистонда машҳур шайх Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг саховат ва ҳимматини Кеш (Шаҳрисабз) ва Самарқандда олий иморатлар қурдиришда кўрсатди. Ўзининг она Ватани Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирди. Амир Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободонлигига катта аҳамият берди. Кешда дунёга донғи кетган машҳур Оқсарой қад кўтарди.

Самарқанд салтанат пойтахти қилиб олингач, у алоҳида имтиёзга эга бўлган шаҳарга айланади. Самарқандда Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар курилади. 1403–04 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихо Амир Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди. Худди шу даврда Шоҳизинда меъморий ёдгорликлари гуруҳининг Шодимулк оғо, Амир Ҳусайн, Ширинбека оғо каби ажойиб мақбаралари, ҳозирги вақтда Бибиҳоним номи билан машҳур бўлган Жоме масжиди, Гўри Амир дахмаси ва бошқалар бино қилинади.

Амир Темур шаҳарлардаги курилишлардан ташқари Самарқанд атрофида Боғидилкушо, Боғичинор, Боғибихишт, Боғибаланд, Давлатобод, Боғинав, Боғишамол каби гўзал боғлар бунёд этди.

Бу пайтларда Самарқандда савдо ва хунармандчилик жуда ҳам ривож топганлиги Клавихони ҳайратда қолдирган эди. Клавихо Самарқанд бозорларида буғдой ва гуручнинг мўллиги ва арзонлиги ҳақида гапириб, шаҳар хунармандчилиги маҳсулотларини – атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг сероблигини ҳам таъкидлайди. Бу даврда Амир Темур ва унинг жойлардаги ноиблари

Буюк ипак йўлини назорат қилиб, савдо қарвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўрдилар ва Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга гоят катта эътибор бердилар.

XV асрда металлдан қурол-яроғ ва рўзғор буюмлари яшаш такомиллашди. Самарқанд салтанат пойтахти сифатида аввалгидек қурол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолади. Шаҳарда ҳатто махсус совутсозлар маҳалласи қарор топган эди. Қуролсозликда қилич, қалқон, ўқ-ёй, дубулға ва совутлар ҳамда жибалар ясаларди. Ҳокимлар, саркарда-амирлар учун ясалган махсус қурол-яроғлар олтин ва кумуш қопламали, қимматбаҳо тошлар қадалган нақшинкор бўларди. Шаҳарларда мисгарлик ҳам анча ривож топган эди. Мис ва жездан турли хил уй-рўзғор буюмлари ясалар ва майда мис чақалар зарб қилинарди. Яссавий мақбараси учун қуйилган улкан қозон ҳам шу давр маҳсули эди. қуйган.

Бу даврда кулолчилик ҳам ривож топиб, хунармандчиликнинг кўп тармоқли соҳасига айланади. Кулолчиликда коса, хум ва хумчалар, тандир каби буюмлар тайёрланарди. XIV–XV асрларга мансуб сирланган сопол буюмлар бадий жиҳатдан ранго-ранглиги, шакли ва тўрининг хилма-хиллиги ҳамда сифатлилиги биланажралиб туради. Булардан ташқари кулоллар сув қувурлари (ғулбалар), чиғир ва чархпалак кўзачалари (дигар) ва бошқа кўпгина сопол буюмлар пиширганлар. Айтилиши вақтда бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарадиган кошинпазлик, парчинсозлик, ғишт ва ғишт тахталар пиширадиган кирпичпазлик ҳам ривожланди.

Бу даврда тош йўниш (сангтарош) ва унга сайқал бериб, ўймакор нақшлар ва хушхат ёзувлар битиш санъати камолотга етади. Самарқандда Бибиҳоним жоме масжиди ҳовлисида Қуръонни қўйиш учун мрамрдан ишланган улкан лавҳ (курси), Улуғбекнинг Амир Темур қабрига қўйдирган нефрит тоши, Шоҳизинда ва бошқа жойлардаги XV асрга мансуб сағаналарнинг мрамр тошлари ва уларга ишланган жимжимадор нақшлар, ўймакорлик билан битилган оят, марсия ва тарихлар халқ хунармандчилигининг юксак бадий намуналаридан бўлиб, уларда тош йўнувчиларнинг меҳнати ва санъати биланхаттотларнинг зўр маҳорати уйғунлашиб кетган.

Мамлакатнинг йирик шаҳарлари ва вилоятларида, хусусан Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишлари авж олиб, бинокор усталарга талаб ортди. Бинокорлар орасида меъмор муҳандис, ғишт терувчи банно, сувоқчи ганчкор, наққош, тош йўнувчи (сангтарош) ва дурадгор (нажжор)ларнинг мавқеи ортди.

XV асрда шишасозлик ҳам анча тараққий қилган. Самарқандда ҳатто шишасозлар маҳалласи бўлган. Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар: кўзача, қадах, сиёҳдон (довот), доридон, сурмадон, тувак ва сумақлар ҳамда бошқа турли хил рўзгор буюмлари ясалган. Мухташам бинолар ва давлатманд шаҳарлик зодагонларнинг уй-жойлари қурилишида рангли ойналардан фойдаланилган. Масалан, Ишратхо-на мақбарасининг дераза-панжараларига ҳаворанг, гунафша, сариқ, яшил ва қизил рангли ойналар ўрнатилган.

Бу даврда ёғочсозлик муҳим аҳамият касб этган. Ёғочдан хилма-хил асбоб-ускуналар ҳамда буюмлар ясалган. Моҳир ёғочсоз усталар ёғоч ўймакорлигини такомиллаштириб, нақшинкор эшик, панжара, устун, тоқиравоқ, хонтахта, курси сингари ашё ва жиҳозлар ясаганлар. Амир Темур мақбараси ва Шоҳизинданинг оятлар битилган нақшинкор эшиклари XV аср халқ усталарининг ёғоч ўймакорлиги санъатидаги энг нодир намуналардан ҳисобланади. Улуғбек замонида Регистон майдонида қад кўтарган Муқаттаъ масжидининг деворидан тортиб, тоқу равоқларигача, устунларидан то эшик ва панжараларигача нақшинкор ёғочдан ишланган эди.

Шу тарзда XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида ўрта аср ҳунармандчилигининг барча тармоқ ва соҳалари бўйича ихтисослашган корхона, дўкон, устахона ва расталар бўлган.

Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда ҳам, Ҳиротда ҳам Амир Темур анъаналари давом эттирилиб, пойтахт шаҳарларда олиму фузалолар, шоиру бастакорлар, меъмору бинокорлар ва наққошу моҳир ҳунармандларнинг каттагина гуруҳи тўпланган эди. Мовароуннаҳрда, хусусан Самарқандда илм-фан ва санъатнинг тараққиётида Улуғбекнинг роли ва ҳиссаси ниҳоятда буюк бўлди. Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш биланбирга, илмий ишлар билан ҳам шуғулланади, олимларнинг мунозараларида фаол қатнашади. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-20 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бино қилинади. Ҳатто Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган калима ўйиб ёзиб қўйилади.

Мовароуннаҳрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар, хусусан Самарқанд мадрасаси замонасининг дорилфунуни эди. Ушбу мадрасаларда илоҳиёт илмлари: Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ биланбирга риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), илми хайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва

морфологияси (қофия) каби дунёвий илмлар ҳам ўқитиларди. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида 100 дан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасада замонасининг иқтидорли олимларидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий етакли мударрис бўлган. Машҳур олимлардан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший ҳамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ва унинг шогирди Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс берганлар. Айрим маълумотларга қараганда, мадрасада илми хайъат (астрономия) дарсини Қозизода Румий ўтган. Ҳатто Абдурахмон Жомий ёшлик чоғида Самарқандга келиб, Қозизода Румийдан бир неча марта астрономия фанидан сабоқ олганлиги маълум.

Улуғбек 1425-28 йларда Самарқандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки билан шаҳар яқинидаги Обираҳмат анхори бўйида расадхона қурдирган. Самарқандда Улуғбек раҳбарлигида барпо этилган бу илмий даргоҳматематика, айниқса астрономия соҳасида илмий дунёда оламшумул аҳамият касб этган натижаларга эришади. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 собита (кўзгалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилади. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгилаб чиқилди.

Улуғбек мактабининг эришган энг муҳим ва ажойиб муваффақиятларидан бири—расадхонада олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларида математика ва астрономияга оид бир қанча нодир асарлар яратилди. Гарчи бу асарларнинг кўпи бизгача етиб келмаган бўлса-да, аммо сақланиб қолган қўлёзмаларнинг ўзиёқ ўша даврда Самарқанд астрономия ва математика мактаби эришган ютуқлардан ва бу илмгоҳ намояндалари жаҳон фани ривожига қўшган улкан ҳиссадан гувоҳлик беради.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда тарих фани ҳам кенг ривож топди. Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа кўпгина тарихчилар Самарқанд ва Ҳиротда яшаб ижод қилдилар. Уларнинг асарлари Темурийлар тарихига доир жуда қимматли ва нодир манбадир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда меъморлик, наққошлик, тасвирий санъат ва адабиёт ниҳоят даражада тараққий этади. Бу икки пойтахт шаҳарларида кўплаб ҳашаматли жамоат бинолари қад кўтаради. Темурий ҳукмдорлар орасида, айниқса Улуғбек бобоси Амир Темур каби мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият беради. Улуғбек, айниқса Самарқандни обод қилишга алоҳида эътибор беради. Унинг даврида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони шаклланди. У қайтадан

режалаштирилиб, майдонда Улуғбек мадрасасидан ташқари пештоқли ва улкан гумбазли хонақоҳ, карвонсарой, ўймакор ёғочлардан ишланган Масжиди Муқаттаъ бино қилинди. 210 гумбазли Кўкалдош жоме масжиди кад кўтарди. Бу олий иморатлардан фақат Улуғбек мадрасасигина бизнинг давримизгача сакланган.

XIV–XV асрлар меъморчилигида иморатларни ўзига хос янги, маълум мақсадга қаратилган ечимлар асосида қуриш билан бирга, уларни безашда ҳам янги усуллар қўлланган. Биноларнинг пештоқдари ва хоналарнинг ички деворлари қабартма ранго-ранг парчинлар, зангори ёки оқ ранг устига зарҳал берилган «ислими» нақшлар, баъзан эса китобалар биланпардозланган.

XV асрнинг маданий ҳаётида истироҳат боғлари ташкил этиш санъати ҳам диққатга сазовордир. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Марв, Ҳирот каби йирик шаҳарлар атрофида гўзал оромгоҳлар барпо этилган. Бу даврда ҳам сайргоҳ-боғлар асрий анъаналарга асосан 3 хил усулда: «чорбоғ» ва «бўстон»лар ҳамда «қўриқхона» тарзида ташкил этилган. «Чорбоғ» ва «бўстон»лар тарҳи мутаносиблик (симметрия) асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган гулзор ва мевазорлардан иборат бўлиб, қўриқхоналар табиатнинг хушманзара жойларида барпо этилган.

Истироҳат боғлари гулзорлар биланўралган баланд сарой ва нақшинкор шийпонлар, уларга элтувчи серсоя сўлим хиёбонлар, зилол сувли ариқлар, марказида гирди ва ичи тоштахталар биланфарш этилган ҳамда атрофига ғужум ва мажнунтоллар ўтқазилган тўрт ёки саккиз бурчакли ҳовузлардан иборат бўлган.

Хуллас, Амир Темур томонидан барпо этилган қудратли давлат на фақат ижтимоий ҳаётда, шу билан бирга илм-фан ва маданият соҳасида ҳам тарихий ютуқларни қўлга киритишга замин яратган бўлса, Темурийлар, айниқса Мирзо Улуғбек замонида бу жабҳадаги тараққиёт ўзининг юксак мавқеига кўтарилди.

1.8. Уч хонлик даврида ижтимоий-маданий ривожланишнинг орқага кетиши, сабаблари ва оқибатлари.

Вужудга келган уч хонлик ўзаро тил топиша олмайди. Хаттоки юрт бошига ён бостириб келганлар, душманга зарба бўлиб тушадиган муштга айлана олмайди. Натижада рус истилоси исканжасига осонгина тушиб қолади. Моддий ва сиёсий қарамлик, маънавий зулм сиртмоғига илинади.

Рус истилочилари маҳаллий халқнинг маънавияти, қадриятлари, диний эътиқодларини оёқ ости қила бошлайдилар. Халқнинг маънавий меросга

бўлган муносабатларини ўзгартиришга, унинг онгига ўз манфаатига мос келувчи мафкурани тикинтиришга интиладилар. Халқни ичдан емирувчи барча воситаларни ишга соладилар. Моддий ва маънавий бойликлар талон-тарож қилинади.

Шунга қарамасдан, рус истилоси билан бирга Европанинг илғор фан ва техникаси кириб кела бошлайди. Ерли халқ орасидан ёшларни ана шу замонавий фан ва техникадан воқиф бўлишга чорловчи маърифатпарварлар етишиб чиқадилар. Халқнинг моддий, сиёсий ва маънавий зулмдан озод бўлишининг бирдан-бир йўли, янгича таълимни жорий қилишда деб ҳисобловчи "жадидлар" ҳаракати вужудга келади.

Миллий санъатда янги жанр - театр санъати пайдо бўлади. Халқни мустамлакачилик ибтидодига қарши курашга чорловчи вақтли матбуот шаклланади.

Албатта, истилочилик зулмига қарши онгли кураш олиб бориш тарафдорларининг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Миллий ғурур, миллий рух ва миллий ўзлигини англаш қайтадан уйғона бошлади.

Осиё халқларининг нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди, балки маданий ва маънавий ҳаётда ҳам айрим ўзгаришлар рўй бера бошлади, Марказий Осиё худудида Европа ва азалий анъаналарга асосланган маданиятнинг, диний эътиқодларнинг ўзаро тўқнашуви содир бўлади. Шу боисдан Европа маданиятининг айрим жиҳатлари маҳаллий аҳоли анъанавий маданиятига зид келиб қолган бўлса, айрим томонларидан, масалан, маърифат тарқатиш, илм олишга бўлган интилиш, дунёвий фанларни, техник тараққиётни ривожлантиришга бўлган интилишлар илик кутиб олинади. Чор Россияси маъмурлари ерли халқ манфаатларига зид келган жиҳатларни янада кескинлаштиришга интилган бўлсалар, маҳаллий халқ томонидан қабул қилинадиган жиҳатларининг ёйилишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсата бошладилар. Маънавиятда туб зиддиятли жараён вужудга келади.

Демак, русларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши салбий, ҳам ижобий оқибатларга олиб келди. Салбий таъсир шунда эдики, рус босқинчилари биринчи навбатда халқ маънавий маданиятининг ривожига тўсқинлик қилади. Миллий меросга бўлган муносабатини ўзгартира бошлайди. Миллий ифтихор ва ғурурга раҳна сола бориб, ерли халқ онгига Европа ва рус маънавиятиги сингдиришга ҳаракат қиладилар. Ерли халқнинг бой-бадавлат кишилари ва руҳонийлари қўлга олиб, уларнинг ёрдамига таяниб рус ҳукмронлигига, рус босқинига бўлган муносабатларни ўзгартиришга, "совуқ" муносабатларни "илик"лаштиришга, "босқинчи" тушунчасининг ўрганишга "ёрдамга келган", "маданият олиб келган" каби

тушунчаларнинг кириб келишига интиладилар. Хатто хутбаларга рус подшосининг номини кўшиб ўқиттиришга ҳаракат қиладилар.

Европа фани ва техникасини ўзлаштираётган руслар, ўзлари босиб олган ҳудудларда ҳам фан ва техника тараққиётига эришишга (албатта ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда) ҳаракат қиладилар. Натижада рус олимлари жамиятлари, турли хил илмий нашрлар вужудга келиб, Марказий Осиёнинг табиий, иқтисодий ҳариталари тузила боради. Фауна ва флораси тадқиқ этилиб, фойдали қазилма конларининг жойлари аниқланади. Россия саноати учун хом ашё сифатида табиий бойликлар қазиб олина бошланади. Пахта якка ҳокимлигига эришиш учун турли хил суғориш шахобчалари ва иншоотлари курилади. Дехқончиликда бир мунча силжишлар рўй беради.

Албатта рус маънавий босқинчилигига қарши турли хил ҳаракатлар вужудга келади. Бу ҳаракатлардан бири маърифатпарварлик ҳаракати бўлса, иккинчиси, унинг замонавий ва бир мунча ижобий, омманинг, айниқса, ёшларнинг ўтмаслашиб ва сўниб бораётган миллий ғурури ва миллий руҳини ўткирлаштиришга, онглилигини оширишга қаратилган "жадидчилик" ҳаракати эди.

Рус истилочиларининг Марказий Осиёни забт этиши миллий зиёлиларнинг дунёқарашида бир қатор ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Рус маданияти, у орқали европанинг илғор маданияти билан танишиш ижтимоий тараққиётга бошқача назар башлашга туртки берди. Улар ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш халқни маърифатли қилиши, унга таълим бериш, илм-фанни эгаллашларига ёрдам бериш орқали амалга ошиши мумкин деб ҳисобладилар. Маърифатпарварликнинг Муқимий, Завқий, Анбар Отин, Дилшод Барно сингари вакиллари нафақат хонликларнинг бошқарув тартибини танқид қилдилар, балки илм орқали адолатсизлик, жаҳолат ва зулмга барҳам бериш мумкинлиги ғоясини илгари сурдилар. Муқимий риёкор руҳонийлар, бойлар ва амалдорларнинг халқ бошига битган бало эканлигини, жабр-зулм уларнинг кундалик юмуши эканлигини, шахсий манфаат олдида бир-бирининг кўзини чўқишигача бориши мумкинлигини фош қилишга интилади.

Завқий эса, хонлик идора усулини дастлаб қўллаб-қувватласа-да, сўгра уни қаттиқ танқид қилади. Ўз манфаати йўлида халқни талайдиган бекларни фош қилишга интилади. Халқ бошига балолар тошини ёғдираётганларни қоп-қора булутга ўхшатади. Халқнинг озодликка, ана шу қора булутлар соясидан чиқиб офтоб ва ёруғлик - озодликка чиқишини орзу қилади.

Маърифатпарварликни ва илм олишни тарғиб қилган шоира Анбар Отин руслар томонидан ўрнатилган мустабил тузумни қоралайди. Зулмдан қутулишнинг бирдан-бир йўли - билим олиш орқалигина нодонликни тарк

етиш, ақл-идрокка амал қилиш орқали халқнинг бирлигига эришиш мумкинлиги ғояларини илгари суради.

Маърифатпарварликнинг кўзга кўринган вакиллари Фурқат ва Сатторхонлар Маркази Осиёда хукмронлик қилаётган хонлик бошқарув тизими жамиятнинг иқтисодий ва маънавий таназзулининг бирдан бир сабаби деб биладилар.

Улар фақат илм-фанни эгаллаш орқалигина тараққиётнинг таназзул ботқоғидан олиб чиқиб кетиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, илм-фан жамият тараққиётини белгилаб берувчи қудратли кучдир.

Маърифатпарварлик ҳаракати вакиллари Марказий Осиёга мустамлакачилик сиёсати орқали кириб келаётган Европача маданиятни чуқур таҳлил қиладилар. Бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ижтимоий тузимнинг моҳиятларини чуқурроқ англай борадилар. Европага хос бўлган давлат тузилмалари, уни бошқаришнинг ижобий томонларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлай бошлайдилар. Масалан, Ахмад Дониш истибдодга асосланган тузумнинг иқтисодий-сиёсий моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, давлат тузимини ижобий-сиёсий ташкилот бошқаруви билан алмаштирилишини таъкидлайди. У ўзининг машхур "Наводир ул воқое" асарида ақл давлатнинг моҳиятини белгилаб беришини таъкидлаб, "Кимки ақлсиз бўлса, у одил эмас... ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ақлсиз одамлар давлатни бошқара олмайди", деб ёзади. Унингча одил подшоҳ давлатни бошқариш ва бирор фармон чиқаришда ақлли одамлар билан бамаслаҳат иш қиладилар.

Бу ҳаракат XIX аср охирида бошланган барча маърифатпарварлик ҳаракатларидан бир мунча мукамалроқ, уюшганроқ, исёнкорроқ, мустамлакачиликнинг асл моҳиятини чуқурроқ тушуниб етган ҳаракат эди. Миллатнинг шаклланиши, миллий қадриятларни сақлаб қолишда жадидчилик ҳаракати вакиллари жонбозлик кўрсатадилар. Улар халқ турмушига сингишига қарши турадилар. Халқнинг, айниқса, ёшларнинг миллий руҳияти ва туйғусини сақлаб қолиш, миллий ўзлигини англаб етишлари учун рус-тузем мактабларига қарама-қарши "янги усул" мактабаларига асос соладилар. Натижада 1910 йилга келиб, жадидчилик ҳаракатининг марказлари ҳисобланган Тошкентда 20 та, Қўқонда 16 та "Янги усул" мактаблари фаолият кўрсатади. Бу мактабларда асосан туркий тил ва ислом илоҳиёти ўқитилади.

XX аср бошларига келиб маънавий таназзули чуқурлашиб бораётган Бухорода янги оқим - "Жадидчилик ёки фикрлилар" оқими вужудга келади. Бу оқим тарафдорлари Бухоронинг иқтисодий-сиёсий жиҳатдан кучли давлатлар қаторига чиқиша учун кураша бошлайдилар. Бу оқимнинг фаол

иштирокчиларидан бўлган Садриддин Айний ўзининг "Жадидлар ёки ёш бухороликлар партияси таркиби ёки ёзилмай қолган режалар" номли асарида "Жадидчилик ҳаракатининг" мақсад ва вазифаларини баён қилади. Жадидлар ўз олдиларига саводсизликни тугатиш, халқ тафаккурини юксалтириш, янги мактаблар ташкил этиш, жадидчилик адабиётини тарқатиш, диний мутаассибликка қарши кураш, давлат арбобларининг қабихлиги, зулмкорлигини, қонунчиликни бузилиши, адолатсизликнинг авж олганлигини фош қилиши, ахлоқсизлик ва бидъатга, эркилик сарқитларига чек қўйиш каби мақсадларни кўядилар. (Қаранг: Ўзбекистон тарихи, Т., Ўқитувчи. 1994, 229-230 бетлар).

1905 йилга келиб, жадидчилик ҳаракати икки оқимга: маориф соҳасини ислох қилиш зарурлиги ғоясини илгари сурувчи "янгичилар" ва илоҳиёт таълимини ислох қилишга қарши турувчи "қадимийчилар"га бўлинадилар.

Жадидчилик ҳаракатининг "ғоявий раҳнамоси" Исмоил Гаспиринскийнинг Туркистонга қилган сафари (1893 йил)дан сўнг Туркистонда жадидчилик ҳаракати авж олади. Жадидчилик ҳаракатига кўшилган тараққийпарвар кучлар Туркистоннинг энг йирик шаҳарларида бу ҳаракатнинг асл мақсади ва вазифаларини тарғиб қила бошлайдилар. Лекин бу ҳаракат осонлик билан ёйилмайди. Бу ҳаракатга биринчи навбатда халқнинг миллий уйғонишидан чўчидиган рус мустамлакачилари, иккинчи томондан эса уларни қўллаб-қувватловчи миллатфуруш гуруҳлар, учинчи томондан мутаассиб ва жохил руҳоний гуруҳлари қаршилик кўрсатадилар.

"Жадидчилик" ҳаракати вакилларининг сайъ-ҳаракатлари туфайли савод ўргатишнинг янги усул мактаблари ташкил қилина бошланади. Биринчи жадид мактаби Бухорода 1893 йилда Исмоил Гаспиринский ва Амир Абдулахадхоннинг келишуви асосида ташкил этилади. Кейинчалик Қўқонда, Андижонда, Тошкент ва бошқа шаҳарларда жуда қийинчилик билан ташкил этила боради. 1903 йилга келиб Туркистон ўлкасида 102 та жадидчилик мактаблари фаолият кўрсатган эди.

Жадидлар ўз маслакларини халқ ўртасида ёйишда вақтли матбуотдан ҳам фойдаланишга интиладилар. Натижада 1906 йилда "Тараққий", "Хуршид" номли газеталар чиқара бошлайдилар. Лекин уларнинг чиқиши рус цензураси томонидан тўхтатиб қўйилади. 1907 йилдан бошлаб Абдулла Авлоний "Шухрат" номли газета чиқара бошлайди.

Шунингдек, жадидлар ерли халқнинг миллий онгини уйғотиш учун, европанинг илғор маданиятидан бохабар бўлган, замонавий фанларни эгаллаган ёшларнинг чет элда, айниқса, Европада ўқиб келишларига эришишга ҳаракат қиладилар. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқишга борадиганларга моддий ёрдам берувчи турли хил хайрия жамиятларини

ташқил этадилар. Масалан, Тошкентда "Жамият хайрия", Бухорода "Болалар тарбияси" (Тарбия атфол) ташқил этилади. Туркистоннинг айрим миллатпарвар бой-бадавлат кишилари бу жамиятларни маблағ билан таъминлаб турадилар.

XX аср бошларига келиб Туркистонда жаидчилик ҳаракати ва унинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёйишда "Садои Туркистон" газетаси муҳим рол ўйнайди. Бу газетада жаидчилик ҳаракатининг Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (биринчи олий маълумотли ўзбек юристи), Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Хамза, Тавалло, Абдулла Қодирий, Махдумхўжа, Бехбудий, Лутфилла Олимов, Абдурауф Музаффарзода, Мирмухсин Шермухамедов, Шокиржон Рахимий ва бошқаларнинг халқ тарихи ва маданиятини, жаидчиликнинг моҳияти, ўша давр сиёсий воқеаларини ва бошқа долзарб муаммоларга бағишланган мақолалар билан чиқиш қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, жаидчилик ҳаракати ва унинг илғор вакиллари миллий онгининг ўйғониш ва шаклланишида, мустамлакачилар ўртасида сиёсий парокандаликни келтириб чиқаришда буюк хизматларни бажарадилар.

XIX асрнинг охирларига келиб Марказий Осиё Россиянинг хом ашё базасига айлантирила бошланади. Рус истилочилари ўзлари хохламаган ҳолда ерли халқ орасидан илғор зиёлиларнинг келиб чиқишига шарт-шароит яратиб беришга мажбур бўладилар. Марказий Осиёда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кириб келиши ерли халқ буржуазиясининг шаклланишига олиб келади.

Имон-эътиқодсизликнинг кучайиб бораётганлиги, миллий ва диний кадриятларнинг топталаётганлиги ўз кўзи билан кўраётган инсофли-диёнатли руҳонийларнинг айрим гуруҳлари ҳам илғор зиёлилар ва миллатпарвар буржуа вакиллари билан бирлашишга интила бошлайдилар.

Рус истилочилари бу уччала гуруҳ вакилларининг ўзаро тил топишларининг олдини олишга барча кучларини сафарбар этадилар. Чунки бу миллатпарвар илғор табақалар вакилларининг ўзаро бирикуви истилочилари учун ўта хавфли куч ҳисобланарди. Илғор кучлар сиёсий онгининг шаклланиши ерли халқнинг миллат сифатида шаклланишига, ўзлигини англаб етишга, миллий кадриятларни сақлаб қолишга ёрдам беради. Бу эса мустамлакачилик сиёсатига, унинг мақсад ва вазифаларига зид келарди. Шу боисдан Рус истилочилари ерли халқ илғор фикр эгаларининг ҳар бир хатти ҳаракатини назорат остига оладилар.

Миллий тараққийпарвар кучлар эса миллатни шакллантириш, унинг

миллий онгини оширишнинг бирламчи вазифаси уларни маърифатга етаклаш деб ҳисоблардилар.

Агар XIX аср охири адабий-бадий муҳитига назар ташласак, шоирлар ижодида бир мунча эркинлик вужудга келганлигини ҳис қилиш мумкин. Бунга сабаб биринчидан, Марказий Осиёга Европа маданиятининг кириб келиши бўлса, иккинчи сабаб, литографиянинг, вақтли матбуотнинг, татар ва озарбайжон театрларининг, у билан бирга бир мунча тараққийпарвар мусулмон маданиятининг кириб келиши, ва учинчидан, рус истилочи хукмдорларининг режали равишда ерли халқ зиёлиларининг руҳонийлар ва мулкдорларни танқид қилишларига атайлаб йўл қўйганликлари натижасидир. Чунки бундай эркин танқид мустамлакачиларнинг айни муддаоси эди. Мустамлакачилар учун ерли халқнинг ички қарама-қаршилиги, "бўлиб ташлаб бошқари" учун ўта зарур эди.

Туркистонга литографиянинг кириб келиши Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Тўрақўрғон, Когон ва Хоразмда босмаҳоналарнинг ташкил этилишига олиб келади. Натижада турли хил шеърӣ тўпламлар, баёзлар, тазкиралар, девонлар, қуллиётлар, тарихий, илмий ва фалсафӣ асарлар чоп этила бошланади. XIX аср охири ва XX аср бошларида Лутфӣ, Навоӣ, Жомӣ, Огаҳӣ, Фузулий, Табибӣ ва бошқаларнинг девонлари чоп этилади.

1870 йилда Тошкентда халқ кутубхонаси ташкил этилиб, "Туркистон вилоятининг газетаси" нашр этила бошланади. Газетанинг бош мавзуси ерли халқнинг Чор Россияси манфаатларига содиқлик руҳида тарбиялаш ҳисобланади. Шу боисдан газетада бериладиган мақолалар улуғ миллатчилик шовинизми билан суғорилар, ҳукуматнинг буйруқлари, расмӣ эълонлар ҳамда рус тарихи, адабиёти ва маданиятига оид мазмунлар ёритилар эди. Баъзан Марказий Осиёда яшовчи ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркман ва қирғизлар адабиёти, маданияти, ҳамда тарихига оид материаллар ҳам бериб борилар эди. Масалан, Фурқат, Сатторхон каби маърифатпарварларнинг адабиётига доир мақолалари, Огаҳӣ, Комил Хоразмӣ, Муқимӣ, Камӣ, Нодим каби раъиятпарвар шоирларнинг шеърлари вақти-вақти билан чоп этиб туриларди.

XX аср бошларига келиб Туркистонда "Тараққӣ", "Хуршид", "Шухрат", "Осиё", "Бухорои Шариф", "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Ойина" каби газета ва журналлар чиқиб турган.

Умуман олганда, рус босқини ерли халқ маданиятига бир томондан ижобӣ таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан жуда катта зарар келтиради. Ерли халқнинг маънавий маданияти - азалий анъаналари ва урф-одатларига, динӣ эътиқодлари ва ахлоқӣ қарашларига салбӣ таъсир кўрсатувчи Европача маънавият кириб келади. Миллий ўзликни унутишга

ёрдам берадиган, босқинчилик сиёсатини оқлайдиган турли хил бегона қадриятлар ерли халқнинг маънавий ҳаётига сингдирила бошланади.

Янги усулдаги мактабларнинг миллий руҳ билан суғорилганлиги ва миллий маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатишини сезиб қолган рус амалдорлари бу мактабларни ёпиб қўйиш пайига тушиб қоладилар.

Марказий Осиё чор Россияси томонидан босиб олингач, маҳаллий халқнинг маданий-тарихий илдизларини бутунлай қирқиб ташлаб, ўз манфаатларига сўзсиз итоат этувчи авомни вужудга келтириш, миллий маданият, миллий руҳ ва миллий меросни оёқ ости қилиш учун барча чораларни қўллайдилар. Хатто маҳаллий миллат вакилларининг Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги машхур мадрасаларига бориб таълим олишини чеклай бошлашади. Мадрасаларнинг моддий ахволини янада қийинлаштириш мақсадида асосий даромад манбаи ҳисобланган мол-мулк, ер ва пулнинг вақф сифатида берилишини таъқиқлаб қуядилар.

1875 йилда Туркистонда халқ маорифи тўғрисида қонун қабул қилинади. Бу қонунга кўра, Марказий Осиё ҳудудларида, яъни Туркистон генерал-губернаторлигига ҳудудларда рус аҳолиси учун ўғил ва қизлар гимназиялари, маҳаллий аҳоли болалари учун рус-тузем мактаблари очила бошланади. Бу мактаблар дастурига рус адабиёти, географияси ва тарихидан машғулотлар киритилади.

Хуллас, рус истилочилари ерли халқнинг миллий қадриятларини мустаҳкамлаш ва миллий ўзликни англашнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган таълим соҳасига қарши туради ва бу соҳанинг ривожига тўсқинлик қиладилар. Бу манбадан ўзларининг манфаатлари учун фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

XVII - XIX асрда халқ маданияти, яъни масҳарабозлик, қизиқчи, дорбоз, кўғирчоқбоз санъати, халқ педагогикаси, ўйинлари, ижоди, одатлари, маросим-байрамлари ҳам нихоятда ривожланди.

XIX асрнинг охири-XX аср бошида янги ғояларнинг тарқалиши муносабати билан, яъни Туркистон зиёлилари чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қутилиш, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўришга бел боғлади. Бу борада жадидчилик ҳаракати катта роль ўйнади.

«Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Янгилик тарафдорлари «жадидлар», унинг ғоялари «жадидчилик» номини олди. Бу ғоя дастлаб Қримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни эгаллаган Исмоилбек Гаспирали бўлади. У 1884 й.

жадид мактаби ташкил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини чиқаради.

Унинг ташаббуси билан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Тўқмоқда, Андижон, Қўқонда жадид мактаблари очилади. Бу мактаблар учун махсус дарсликлар ҳам яратганлар. Хусусан, Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал», Мунавварқорининг «Адиби аввал», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» дарсликлари аҳамиятга эгадир.

Жадидларнинг халқ маърифати учун кураш дастури 3 асосий йўналишдан иборат

1. Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;
2. Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга юбориш;
3. Турли маърифий жамиятлар тузиш, газеталар чоп этиш.

Шу йиллари жадидларнинг «Тараққий», «Хуршод», «Шухрат», «Осиё», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фаргона», «Бухорои Шариф», «Турон», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуғ Туркистон» рўзномалари, «Ойна» журнали чоп этилди. Лекин тез орада чор маъмурияти томонидан газеталар нашри маън этилди. Шунингдек, Ўзбекистон миллий маданияти, чунончи урф-одатлар ва байрамларни «Қайта англаш», ўзгартириш жараёни шакллана бошлади. Бу борада турли фикрлар вужудга кела бошлади. Бу даврнинг маърифатпарвар зиёлилар, Фурқат, Бехбудий, Сўфизода, Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар Қори, Хамза кабилар ҳаётни янгилаш, бойитиш тарафдорлари эди. Улар мактабларда ўқиш, ўқитиш ишларини янгилашга, халқни маърифатли қилишга хизмат қилдилар. Барча бахтсизликнинг асосида маърифатсизлик ётади деб ёшларни маърифатга чақирдилар.

«Алхосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё халоқат, ё саодат, ё фалоқат масаласидир», деб ёзган Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон» асарида (1913 й. ёзилган).

Бу даврда миллий уйғониш руҳи, айниқса, ватанга, миллатга содиқ фарзандлар тайёрлаш масаласи ўткир қўйилган «Америкаликлар бир донга буғдой экиб, 20 қадоқ буғдой олурлар. Овруполиклар ўзимиздан 5 тийинга олган пахтамызни келтириб 25 тийинга сотурлар! Аммо биз туркистонликлар думба сотиб, чандир чайнаймиз, қаймоқ бериб сут ошаймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз!» деган фикрлари А.Авлонийнинг аср бошидаёқ бу масала хусусида нечоғлик чуқур ва теран мушоҳада юритишини кўриш мумкин.

Туркистондага октябрь воқеалари ва большевикларнинг зўравонлик билан хокимиятни эгаллаши жадидларга ўз мақсадини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай улар Ленин бошчилигидаги большевиклар хокимиятининг «Россия халқлари декларацияси» (1917 й.

2ҒХ1) хужжатларида кўрсатилган миллатларнинг тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ҳуқуқлардан фойдаланиб, Туркистон мухторияти ҳукуматини эълон қилдилар. 3 ойгига яшаган бу мухтор республика тугатилиши оқибатида жаидлар таъқибга учрадилар. Кейинчалик 1929, 1937-1938 йилларда оммавий қирғин қилинишига олиб келди.

Жаидчилик ҳаракатидаги фаоллиги ва маърифий-маданий ишларда миллатпарварлига учун А.Авлоний, Бехбудий, Чўлпон, Сўфизода ва бошқа кўплаб жаидчилик ҳаракати намоёндалари ноҳақ равишда камситилиб, ҳаёти ва ижодлари ўрганилмай, мутахассислар томонидан фикр билдирилганда ноҳақ, бирёқлама баҳо берилди.

1.9. Чор Россияси ва шўролар мустамлакаси даврида Европача маданиятнинг кириб келиши ва руслаштириш сиёсатининг оқибатлари

1917 йил 7 ноябр куни рўй берган, тарихда Улуғ Октябрь социалистик революцияси деб ном олган Октябрь тўнтаришидан сўнг маданий революция қилиш, социалистик маданиятни яратиш ишига жадал киришилади.

Пролетар маданиятни яратиш зарур деган ғояни илгари сурган пролеткультчилар қадимдан қолган барча моддий ва маънавий маданиятни йўқ қилиб ташлашга киришадилар. Қадимий китоблар, архитектура ёдгорликлари, масжиду мадрасаларга хужум бошланади. Китоблар ёндирилади, қадимий бинолар бузиб ташланади, айрим қолганлари эса омборхона, отхоналарга айлантирилади.

Кишилар онгидаги диний қадриятларни тугатиш, барча жамоат ташкилотлари аъзоларида коммунистик онглиликни ва ахлоқни тарбиялаш, ишчи ва дехқонларнинг маданий ҳамда техникавий савиясини зиёлилар савияси даражасига кўтариш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ва коммунистик ижтимоий муносабатларни қарор топтириш, диний урф-одатларни, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги сохта тафовутларни тугатиш кабилар қирар эди.

1918 йилнинг мартада маориф халқ комиссарлиги ҳузурида барча маданий-оқартув ишларига раҳбарлик қилувчи мактабдан ташқари бўлим ташкил этилади. «Саводсизликни тугатиш» шиори остида республикамизнинг 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча аҳолисини янгича сиёсатдаги советлар мафқурасини ўрганишга мажбур этилади. Шу даврларда 1000 га яқин саводсизликни тугатиш мактаблари, кўплаб кутубхона, қироатхона, клуб, қизил чойхона, хотин-қизлар клублари ҳам иш олиб борди. Бу муассасалардаги амалдаги фаолият одамлар онгига сохта советлар мафқурасини сингдиришдан иборат эди. Бу мафқуранинг таъсирчанлигини янада ошириш учун театр санъати ривожига эътибор берилиб, 1918 йилда ўлка сайёр драматик труппаси ташкил этилди. Тошкентда М.Уйғур бошчилигида драматик труппа тузилади, театр мактаби очилади. Ўзбекистон компартияси ўзининг 1925 йилнинг 1-съездида маданий-оқартув ишлари

халқда резолюция ишларни кучайтириш, саводсизликни тугатиш мактабларни кўпайтириш, «битсин саводсизлик» деган жамоат ташкилоти кишлоқ ячейкаларини мустахкамлаш, бу ишларга ўқитувчиларни жалб қилиш, кишлоқларга маданий ёрдам кўрсатувчи отрядлар тузиш лозимлиги кўрсатилади.

Ўзбекистон компартиясининг II съездида «Клуб иши» ҳақида алоҳида резолюция қабул қилинди. Унда клуб ишчилар оммаси маданий савиясини оширишнинг энг синалган, оммани Совет хокимияти ва партия вазифаларини бажаришга, социалистик қурилиш масалаларини муҳокама қилишга жалб этишнинг воситаларидан бири эканлиги ҳамда ушбу вазифаларни ишчилар оммаси фаоллиги ва ҳаваскорлигини ошириш асосида олиб бориши лозимлиги кўрсатилади.

Кадрлар тайёрлашни яхшилаш мақсадида ишчилар факультети ва кечки курслар ташкил этилади. Шундай қилиб, Шўролар даврида ижтимоий-маданий фаолият давлат тизимига айлантирилиб, совет мафкурасининг бир қисми бўлиб қолди. Бу даврдаги ижтимоий-маданий фаолиятининг асосий мақсади битта аҳолини коммунистик руҳда тарбиялашдан иборат эди.

Мамлакатда социализмнинг узил-кесил ғалаба қозониши билан маданий революциянинг 1-даври тугалланди, деб ҳисобланди. Бу даврда саводсизликни тугатиш, янги совет зиёлиларини етиштириш, умумий мажбурий таълимни жорий этиш, маданият таркибидан миллий кадриятларни сиқиб чиқариш, марксизм-ленинизм идеологиясини бутун жамият идеологиясига айлантириш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни тугатиш, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни шакллантириш каби масалалар долзарб қилиб қўйилди.

Мана шу мафкуравий режалаштирилган сиёсат натижасида Шўролар даврида ижтимоий-маданий муассасалар халққа хизмат қилиш ўрнига, бутунлай коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи масканларга айлантирилди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик асарлар яратиш талаби эса бири-бирига ўхшаш, мазмунан саёз, бир хил қолипга солинган зўрма-зўраки ёзилган асарлар яратилишига замин бўлди.

Шўролар даври ижтимоий-маданий фаолиятида маҳаллий шароитни ҳисобга олмаслик, Европа ва Россияга хос шаклларни зўрма-зўраки тиқиштириш, маданий мерос ва миллий анъаналарни инкор этиш, бузиб кўрсатиш халқ ижодини менсимаслик каби кўплаб хатоликлар мавжуд эди.

Шўролар даврида қуйидаги шакллардан кўпроқ фойдаланилар эди: жонли газета, оғзаки журнал, митинг кечалари, портрет кечалари, концерт лекциялар, агитсудлар, намойиш, тематик кечалар, агитбригада томошалари ва хоказолар.

Назорат учун савол ва топшириқлар;

1. Юртимиздаги энг қадимий маданият ўчоғлари тўғрисида нималарни

биласиз?

2. Александр Македонскийнинг Марказий Осиёга юришлари ва унинг маданий оқибатлари ҳақида гапириб беринг.
3. Кушон даври маданияти ҳақида нималарни биласиз?
4. “Буюк ипак йўли” атамасини кенг изоҳланг.
5. VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳрда мусулмон маданиятининг шаклланиш жараёни ҳақида сўзлаб беринг.
6. Амир Темур ва Темурийлар даври маданиятининг ўзига хос жиҳатларини айтинг.
7. Тарихимиздаги парокандалик ва таназзул давридаги ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақида нималарни биласиз?
8. XVII – XIX асрларда Қўқон, Хива ва Бухорода маданият ва санъатнинг ҳолати ҳақида тасаввурларингизни алоҳида реферат тарзида тайёрлаб келинг.
9. XVII - XIX асрда халқ маданияти, яъни масҳарабозлик, қизиқчилик, дорбоз, кўғирчоқбоз санъати, халқ педагогикаси, ўйинлари, ижоди, одатлари, маросим-байрамлари тўғрисида нимани биласиз?
10. Чор Россиясининг истилоси оқибатлари ва марказий Осиёга Европача маданиятнинг кириб келиши ҳақида гапириб беринг.
11. Маърифатпарварлик ва «жадидчилик» ҳаракатларининг вужудга келиши ҳақида гапириб беринг.
12. Жадидларнинг «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Осиё», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои Шариф», «Турон», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуғ Туркистон» рўзномалари, «Ойина» журнали ҳақида маълумотлар тўплаб, уларнинг халқимиз маданий-сиёсий онги ўсишига қўшган ҳиссасига кўра тартиблаб чиқинг.
13. Шўролар даврида миллий маданиятни йўқ қилиб социалистик маданиятни яратиш ишлари қай тарзда амалга оширилди?

14. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М. Бекмуродов, А. Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти. – Дарслик, Т.: “Маънавият”. – 2016. – 336 б.
2. Ғойибов Н., Амир Темур даври маънавияти, Т., 2001
3. Асқаров А., Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, Т., 2007.
4. Аширов А., Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари, Т., 2007.
5. Ахунджанов Э.А., Письменная культура Средней Азии, Т., 2000.
6. И. Ўлдошев. Ўзбек китобат санъати ва терминологияси. Монография. / Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти. – Т.: “TURON-IQBOL”, 2018. – 288 б.

V. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- амалий машғулот:

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий – маданий фаолиятдаги замонавий илғор тенденциялар. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари.

Ишдан мақсад: Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ҳаётийлик, оммавийлик, ихтиёрийлик, илмийлик каби тамойилларининг маданият ва санъат муассасаларида намоён бўлиш ҳолатлари конкрет мисоллар асосида таҳлил қилинади.

Назорат саволлари

1. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг тамойиларига нималар киради?
2. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг вазифаларини сананг, бунга ҳаётий мисоллар келтиринг.
3. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент : “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 592 б.
2. Каримов И. А., Юксак маънавият – енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008.
3. М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти . Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016. – 336 б.
4. У. Қорабоев. Маданий тадбирлар. Т.: 2006.
5. Б.Сайфуллаев, В.Рустамов. Маданий тадбирларни ташкил этиш маҳорати. Т., 2016.

2-амалий машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолият- илмий тадқиқот тизимидаги фундаментал йўналиш сифатида. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг функциялари ва тамойиллари.

Ишдан мақсад: Ижтимоий-маданий фаолиятда инсон омили етакчи аҳамиятга эгаллиги, чунки ижтимоий-маданий фаолиятнинг ўзи инсонлар томонидан инсонлар учун олиб борилиши ҳаётий мисоллар орқали ўрганилади. Кишиларнинг соғлом турмуш тарзини танлаши бутун жамиятнинг бахту саодати учун муҳим асос экани, яратувчилик фаолиятидан

инсонларда яхши яшашга бўлган кучли иштиёқ ва ободлик туйғуси пайдо бўлиши ҳаётининг мисоллар (масалан, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларининг ҳаётга жорий этилиши туфайли кишиларда турмушларидан розилик ҳисларинингтуғилиши) орқали муҳокама қилинади.

Назорат саволлари:

1. Инсон омили нима?
2. Инсоннинг маънавий саломатлиги тушунчасини изоҳланг.
3. Позитив ўзгаришлар деганда нималарни тушунасиз?
4. Ҳаётни рационал ўтказиш маданияти нималарни ифодалайди?
5. Соғлом турмуш тарзи маданият ва маърифат муассасалари фаолиятида қандай тарғиб этилади?
6. Президент Ш.Мирзиёевнинг асарларида ободлик қандай талқин этилади?

Адабиётлар:

- 1.Каримов И. А., Юксак маънавият — енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. –Тошкент : “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –592 б.
- 3.М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти . Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016. – 336 б.

3-амалий машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолиятни ташкил этишнинг психологик ва педагогик асослари.

Ишдан мақсад: Маданият марказлари, музей ва кутубхоналар ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириувчи муҳим муассасалар бўлгани учун кишиларга ғоявий таъсир кўрсатиш, миллий ғоямиз ва миллий маънавиятимиз асосларини уларга сингдириш мақсадида мазкур муассасаларнинг имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Маданият марказларининг вазифаларини биласизми?
2. Музейлар фаолияти халқнинг тарихий тараққиёт жараёни ҳақида қандай билимлар беради?
3. Музейлар мазмун жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
4. «Мозий» сўзининг луғавий маъносини айтиб беринг.
5. Тарихий онг ва тарихий хотира нима?

6. Кутубхоналарни таснифлай оласизми?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 31 май Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрь қарори.
3. Каримов И. А., Юксак маънавият — енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. –Тошкент : “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –592 б.
5. М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти . – Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016. – 336 б.

4-амалий машғулот:

Ижтимоий – маданий фаолиятни тадбиқ этиш соҳалари.

Ижтимоий – маданий сиёсат.

Ишдан мақсад: Маданият марказлари, музей ва кутубхоналар ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириувчи муҳим муассасалар бўлгани учун кишиларга ғоявий таъсир кўрсатиш, миллий ғоямиз ва миллий маънавиятимиз асосларини уларга сингдириш мақсадида мазкур муассасаларнинг имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Маданият марказларининг вазифаларини биласизми?
2. Музейлар фаолияти халқнинг тарихий тараққиёт жараёни ҳақида қандай билимлар беради?
3. Музейлар мазмун жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
4. «Мозий» сўзининг луғавий маъносини айтиб беринг.
5. Тарихий онг ва тарихий хотира нима?
6. Кутубхоналарни таснифлай оласизми?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 31 май Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрь қарори.
3. Каримов И. А., Юксак маънавият — енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. –Тошкент : “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –592 б.
5. М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти . – Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016. – 336 б.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ижодкорнинг руҳий ҳолати тушунчасини қандай изоҳлайсиз”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш етилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия етилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

--	--	--	--

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб ешиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Графика	Санаътнинг кенг тарқалган турларидан бири.	Бу санаъатга оддий қорақаламда чизилган сурат, мавзули композитсия, Штобга ишланган турли суратлар, безак расмлардир.
Пленер	(франсузча сўздан en plein air- тоза ҳавода) деган	табiiй шароитда, очиқ ҳавода расм ишлаш. Пленер термини одатда пейзажда ишлатилади.

	маънони англатади	
Профиль	(французча сўздан profil -ён томондан кўриниши) маъносини беради.	хар қандай жониворнинг ёки буюмнинг ён томонидан кўриниши.
Ранглар гаммаси	ранг тусларининг асосий муносабатлари	картинада ранг ечими. Масалан: Иссиқ ёки совуқ ранг гаммаси.
Реализм	тасвирий санъатда нарсалар ҳаётда қандай кўринса, шундайлигича кўриниши	тасвирий санъатда нарсалар ҳаётда қандай кўринса, шундайлигича кўриниши тасвирланишига асосланган оқим
Сюжет	(франсузча сўздан сюжет – тема, предмет) деган маънони беради.	сюжетли картинада: тасвирий санъат асарида аниқ воқеани очиб беради.
Натурализ	тасвирий санъат йўналишларидан бири	тасвирловчи, тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташқи кўриниши, сиртқи суратини тасвирлаш лозимлигини мақсад қилиб қўяди.

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши доирасида реферат ёки курс ишини тайёрлайди.

Мустақил иш тақдими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- сарварақ;
- аннотация;

- мундарижа;
- асосий қисм: назарий таҳлил;
- иллюстрациялар иловаси;
- хулоса.;
- гlossарий;
- адабиётлар рўйхати.

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, glossарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Мустақил иш мавзулари

1. Ижтимоий-маданий фаолият усуллари
2. Маданий-маърифий тадбирлар, уларнинг турлари ва аҳамияти
3. Ижтимоий-маданий фаолият ходимининг мақоми ва касб ахлоқи
4. Халқ бадий маданияти ва ижодиёти
5. Маданий хордиқ фаолияти.
6. Ижтимоий-маданий фаолият ва жамоатчилик назорати.
7. Ижтимоий-маданий фаолиятда музейларнинг роли
8. Мутолаа – ижтимоий-маданий фаолиятнинг харакатлантирувчи кучи сифатида.
9. Ижтимоий-маданий фаолиятда инсон омили. “Инсон капитали” тушунчаси
10. Мустақиллик ва маданий ислохотлар
11. Ижтимоий-маданий фаолиятда маънавият ва миллий менталитет омилидан фойдаланиш.
12. Ижтимоий-маданий фаолият билан шуғулланувчиларнинг хаётий мўлжаллари ва таълим кадриятлари.
13. Ижтимоий-маданий фаолиятда маҳаллийчиликка қарши кураш тарғиботи
14. Ташкилот ва ташкилотчилик маданияти
15. Ижтимоий-маданий фаолиятда меҳнат тарбияси
16. Ижтимоий-маданий фаолиятда ҳаваскорлик ижодиёти масалалари
17. Оила ва ижтимоий-маданий фаолият

VIII. ГЛОССАРИЙ

АДАБИЁТ (араб. – адаб сўзининг кўплиги) – 1) фан ва амалиётнинг бирор соҳасидаги ютуқларни умумлаштирувчи асарлар мажмуи (техникавий А., кишлоқ хўжалиги А.и, сиёсий А. ва б.); 2) санъатнинг бир тури (бадий А. деб ҳам аталади); воқеликни сўз ёрдамида образлар орқали акс эттиради.

АДАБИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС – ўтмиш моддий-маданий бойликлари. Аждодлардан авлодларга қолган халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёти, санъати, меъморлик ва ҳ.к. намуналари. Ад.-м.м. уни яратган халқ тарихи б-н изчил ва мустаҳкам боғланган бўлади; шу халқнинг қад. даврлардан бошлаб ҳозиргача яратган ва сақланиб келган адабий-маънавий ёдномалари, моддий-маданий обидаларини ўз ичига олади.

АЁЛЛАР (АНЪАНАВИЙ) АНСАМБЛЛАРИ – хотин-қизлардан ташкил топган ашула-рақс ёки ашула-чолғу ансамбллар; қадимдан ўзбек миллим мусиқа ижрочилиги ривожига жараёнида юзага келган. Одатда 3–4 аёл хонанда, созанда ва раққосаларни бирлаштиради.

АЙЁМ (араб. кун сўзининг кўплиги) – байрам олди ва байрам кунлари. Қутлуғ ва табаррук кунлар маъносида улуғ айём (улуғ кунлар) деб кўлланилган.

АКТЁРЛИК САНЪАТИ – актёр ижрочилиги, театр, кино, телевидение ва радиода бадий образ яратиш санъати. Актёр маълум ролда ўйнаган экан, ўз қаҳрамони қиёфасига кириб, унинг феъл-атворини, ички дунёси ва интилишларини ифодалайди. Бунда у пьеса, либретто ёки сценарийдаги мазмунни ўз ижоди, ҳаётини тажрибаси б-н бойитади, жонлантиради. Образ яратишда актёрнинг нутқи, гавдаси, юз ва кўз имо-ишоралари, туйғулари, идроқи асосий воситалардир.

АМАЛИЙ САНЪАТ, амалий безак санъати – безак санъати соҳаси; ижтимоий ва шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган бадий буюмлар тайёрлаш ва кундалик турмуш ашёлари (асбоб-анжомлар, мебель, мато, меҳнат қуроллари, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, ўйинчоқлар ва б.)ни бадий ишлаш б-н боғлиқ ижодий меҳнат соҳаларини ўз ичига олади.

АНЪАНАЛАР – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шакллари, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи. Дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Шу маънода, анъаналар бутун инсониятга хос тушунчадир.

АНСАМБЛЬ (фр. ensemble, andare – биргаликда) – вокал ёки чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши. Бир гуруҳ артистларнинг бир бутун бадий жамоа ҳолида чиқиши. Унча катта бўлмаган ашулачи (вокал) ёки чолғучи (созанда)лар жамоаси учун яратилган мусиқа асари. Ижрочилар сонига қараб, бу ансамбллар турлича аталади.

АРТИСТ (франц. artiste – билимдон; лот. ars, artis – касб, ҳунар, санъат) – драматик спектакль, кинода роллар, опера ва балет партиялари, эстрада концерти ва цирк номерлари ижрочиси. Театр ва кинода актёр, актриса деб ҳам юритилади. Кенг маънода санъатнинг муайян соҳасидаги ижодкор (созчи, ашулачи).

АФИША – спектакллар, концертлар ва бошқа адабий тадбирлар, томошалар тўғрисида хабар берувчи, кўзга кўринарли жойларга ёпиштирилган махсус эълон.

АФСОНА – 1) халқ оғзаки ижоди (фольклор) жанри. У хаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлса-да, сўзловчи ва тингловчи томонидан ҳақиқатдек тасаввур этилади, ҳатто бўлиб ўтган даври, макон ҳам кўрсатилади. А.лар оғиздан-оғизга, эддан-элга ўтиб келган, ифода усули баён тарзида. А. оғзаки ҳикоят бўлиб, у хаёлий образ ёки тасаввур асосига қурилади, ҳикоя қилувчилар ва тингловчилар томонидан қачонлардир шундай бўлгандек қабул қилинади. Ривоятдан фарқли ўлароқ А. заминидан албатта мўъжиза, сеҳр-жоду бўлади; 2) кўчма маънода – уйдирма, ёлғон, ақлга тўғри келмайдиган гап.

АШУЛА – яқка хонанда ёки хонандалар гуруҳига мўлжалланган ва мумтоз ўзбек мусиқа меросида марказий ўрин эгаллаган ашула йўли. Асосан лирик руҳдаги ғазал ва шеърлар заминидан юзага келади. А.лар соз (дойра, дутор, танбур), ансамбль жўрлигида ёки жўрсиз ижро этилади. А. ўзбек мусиқа фольклоридан катта ўрин эгаллаган кўшиқ жанридан куй диапазонининг кенглиги, шаклан ривожланганлиги, мавзу ва мазмуни теранлиги б-н фарқланади.

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ – турли таркибда ташкил топган созанда, хонанда ва раққослар гуруҳи.

– ашулани ижро этувчи етук санъаткор, хонанда, ҳофиз. А. овоз имкониятларини эгаллаш, улардан тўлиқфойдалана билиш, ашула йўллариини ўрганишда юксак малака ҳосил этиш б-н етишади. А.нинг овози, ижро услуби (ишқамий, бинигий, гуллигий) турлича бўлиши мумкин.

БАДИЙ БУЮМЛАР – чиройли шаклларда безатиб ишланган, турли мақсадларда фойдаланиладиган нафис буюм ва зеб-зийнатлар. Уй-рўзгор анжомлари, кийим-кечак, меҳнат қуроллари, бадий газлама, гилам, палос,

сўзана, қурол-аслаҳа, мебель каби моддий маданият асарлари, тасвирий санъат, амалий санъат, безак санъати маҳсулотларини ўз ичига олади. Баъзи мамлакатлар ўз Б.б.и б-н машҳур (хитой чинниси, эрон гилами, ҳинд фил суяги маҳсулотлари, чех шишаси, ўзбек атласи ва б.). Жамият тараққиёти Б. б. тайёрлаш усули (ҳайкалтарошлик, кулоллик, заргарлик, мискарлик, дегрезлик, наққошлик, ўймакорлик, кошинкорлик ва б.)ни ҳам такомиллаштирди, бадиий ҳунармандликнинг янги соҳалари (каштадўзлик, дўппидўзлик, зардўзлик, шишасозлик ва б.)ни юзага келтирди. Ўзбекистон ҳудудида Б. б. ишлаб чиқариш 20-а.нинг 20-й.ларидан кенг йўлга қўйила бошланди. 60-й.лардан мазмунан бойиди, турлари кўпайди; анъанавий Б. б. қардош халқлар яратаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳам бойимокда.

БАДИЙ КЎРГАЗМАЛАР – санъат асарларини оммавий намоиш этиш шакли. Кўргазма махсус қурилган ёки мослаштирилган бинолар (мас.,музей, маданият саройлари залларида, театр, кинотеатр, жамоат бинолари фойеларида ва ш.к. жойлар)да уюштирилади.

БАДИЙ СЎЗ УСТАСИ – адабий асар (шеър, наср, шунингдек публицистика) ёки драматик парчани телекўрсатув ва радио орқали, эстрада, цирк ва филармония сахнасида ифодали ўқиб, улар мазмунини тингловчиларга бадиий таъсирли қилиб етказувчи ижрочи, эстрада ва филармония артисти.

БАДИЙ ЎҚИШ – эстрада санъатининг бир тури: адабий асар (шеърый наср, шунингдек публицистика) ёки драматик парчани омма олдида ижро этиб, тингловчиларга асар моҳиятини бадиий таъсирчан қилиб етказиш. Ўтмишда Б. ў. халқ бахшилари, эртақчилар, қизиқчилар ижодининг асоси ҳисобланган.

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК – асосий ишдан ажралмаган ҳолда жамоа (тўғарак, студия, халқ театрлари) ёки якка ҳолда (хонанда, бадиий сўз устаси, созанда, раққоса, акробат ва б.) ижод қилиш; халқ ижоди шаклларида.

БАЙРАМ (туркийча – катта йиғин, тўй) – кенг нишонланадиган тантанали кун. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмуни, ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий ва б. Б.лар вужудга келди.

БАЙРАМ КУНЛАРИ – муҳим воқеаларга бағишланган, анъана сифатида нишонланадиган, иш куни ҳисобланмайдиган кунлар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш) кунлари деб белгиланган: 1 январь – Янги йил; 8-март – Хотин-қизлар куни; 21 март – Наврўз байрами; 9 май – Хотира ва қадрлаш куни; 1 сентябрь –

Мустақиллик куни; 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни; 8 декабрь – Конституция куни; Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр)нинг биринчи куни; Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа)нинг биринчи куни.

БАЛЕТ (лот. ballo – рақсга тушаман) – асар мазмуни мусиқий хореографик образлар воситаси б-н ифодаланадиган сахна санъати тури. Ўзида санъатнинг драматургия, мусиқа, хореография, тасвирий санъат каби турларини уй-ғунлаштиради, бу санъат турларининг ҳаммаси алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмай, Б.нинг синтез маркази бўлган хореографияга бўйсунди. Б. либретточи, композитор, балетмейстер ва рассом ҳамкорлигида яратилади. Б.нинг драматургик асоси либретто (сценарий)дан бошланиб, унда асарнинг асосий мазмуни, ғоя, зиддият ва характерлари аниқ белгиланади.

БАЛЕТМЕЙСТЕР (нем. Ballettmeister – балет устаси) – балет спектакллари, хореографик чиқишлар, опера, оперетта, драматик спектакллардаги рақс сахналарининг муаллифи ва сахналаштирувчиси.

БАЛЛАДА (франц. ballade, сўнгги лот. ballo – рақсга тушаман) – 1) 14 – 15-а.лар француз адабиётидан қатъий ўрин олган лирик жанр; 2) инглиз халқ поэзиясида лиро-эпик жанр ва романтизм поэзиясидаги айни шундай жанр.

БАСТАКОР (форс – боғлаш, боғлов, машғулот, иш) – анъанавий, мумтоз мусиқа асарлари муаллифи.

БАСТАКОРЛИК - Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида анъанавий, мумтоз мусиқа услуги заминидан юзага келган бадиий анъана, ижодий касб тури, мусиқа ижодчилиги. Қуйидаги ижод шохобчаларни ўз ичига олади: 1) халқ орасида танилган муайян куй ёки ашула йўлининг ўзгача мустақил кўриниши (қайта оҳангга ва усулга солиб, муаллифлаштирилган намунаси)ни яратиш; 2) маълум чолғу куйларнинг – ашула, ашула йўлларининг – чолғу вариантларини яратиш; 3) бир неча куй, кўшиқ ёки ашулаларни умумлаштириб бир асар яратиш; 4) мустақил асарлар (ўтмишда асосан куй, кўшиқ ва ашула йўллари, ҳоз. даврда бошқа жанрларда ҳам) ижод этиш.

БАХШИ (мўғулча ва бурятча б а х ш а, бағша – устод, маърифатчи; санскритча бхикшу – қаландар, дарвеш) – халқ достончиси. Кўшиқ ва достонларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор. Б. сўзи баъзан шаман маъносида ҳам қўлланади. Достончиларни эса юзбоши, соқи, санновчи, жирова деб атайдилар. Б.лар, асосан, икки тоифага – ижрочи ва ижодкор Б.ларга бўлинади. Ижрочи Б.лар, асосан, устозидан ўрганган достонларни жузъий ўзгаришлар б-н айнан куйласалар, ижодкор Б.лар оғзаки эпик анъана асосида достоннинг ўз вариантлари, ҳатто улар асосида янги достонлар ҳам яратадилар. Бундай Б.лар шоир деб ҳам юритилади. Мас., Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Абдулла шоир,

Хидир шоир ва б. Б. дoston ва кўшиқдарни кўбиз, дўмбира, дотор каби созлар жўрлигида куйлайди. Хоразм Б.лари дostonларни асосан, дотор, қисман тор б-н ижро этадилар, уларга ғижжак ва бўламонда созчилар жўр бўладилар. Дoston куйлаш, шогирд етиштиришда қатъий тартиб, қонун-қоидаларга риоя қилинган.

БЕШИК ТЎЙИ – Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар оиласида тўнғич фарзанд туғилиши шарафига ўтказиладиган тантанали маросим.

БЕШҚАРСАК, қарсак – эркаклар давра ўйин-кўшиғи. Ўзбек ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган. Самарканд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида айниқса машҳур. Б.да қарсак ҳамда қийқирик овозлар ёрдамида ўйин усули ҳосил қилинади.

БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ – мактаб ёшидаги болалар ва усмирларга хизмат кўрсатадиган муассаса. Ҳозирги пайтда болалар ахборот-ресурс марказлари ҳам пайдо бўлмоқда.

БОЛАЛАР МУСИҚАСИ – болаларнинг тинглаши ва ижро этиши учун мўлжалланган мусиқа асарлари. Б. м. намуналари содда шакли, ёрқин ифодаси, жонли бадиий мазмуни б-н ажралиб туради. Болалар ҳаёти, халқ эртаклари, табиат манзаралари, ҳайвонот дунёси Б. м.да ўз ифодасини топади.

БОЛАЛАР ТЕАТРИ –1) болалар томонидан ижро этиладиган спектакллар. Ғарбий Европа ўқув юртларида 15-а. дан маълум; 2) болалар ва ўсмирлар учун хизмат қиладиган профессионал театр. Ёш авлодни бадиий, эстетик ва гоёвий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади. Репертуари эртак ва болалар адабиёти намуналари асосида ёзилган инсценировкалардан, мумтоз драматургиянинг мактабда ўтиладиган намуналаридан, болаларбоп пьесалардан иборат. Драматик (ёш томошабинлар театри) ва кўғирчоқ театри каби турлари бор.

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛЮРИ – оғзаки ижод намуналари. Одатда болалар ёки улар учун катталар томонидан яратилади. Фольклор жанрининг таркибий қисми. Ўзбек Б.ф. алла, эртак, эрмаклар, тез айтиш, топишмоқ, болалар ўйин кўшиқлари, эркалама, масҳаралама ва б.ни ўз ичига олади. Б.ф. боланинг тинглашига, айтиб юришига, ўйинига, кўшиғига мосланган бўлади.

ВИДЕОНАЗОРАТ ҚУРИЛМАСИ, монитор – телекўрсатувлар олдидан кўрсатувлар тракти тайёрланаётган, соланаётган, кўрсатувлар кетаётган пайтда эфирга узатиш нуқталари (узатувчи камеранинг чиқиши ва б.)даги тасвирлар сифатини назорат экранларида визуал (кўриб туриб) назорат қилиш учун мўлжалланган қурилма.

ГАЛЕРЕЯ (франц. *galerie*) – 1) пешайвон, бостирма; биноларда ён деворларидан бири ўрнига устунлар ўрнатилган усти ёпиқ, узун, энсиз айвонли қурилма; узун балкон; 2) ён деворларининг бири ойнаванд қилиб қурилган узун зал; 3) ўрта асрларда сарой ва уйларнинг расм ва ҳайкаллар б-н безатилган йўлаклари; 4) томоша залининг юқориги яруси (ўриндиқлари); 5) кўпгина бадиий музейларнинг номи.

ГАРМОНИЯ (юн. *harmonia* – боғланиш, мутаносиблик) – 1) кўп овозли музиканинг асосий ифода воситаларидан бири. Бунда асар мазмуни куй ривожини орқалигина эмас, балки унга ҳамроҳанг бўлган турли аккордларнинг алмашинуви ёрдамида ифодаланади.

ГАСТРОЛЬ (нем. *gast* – меҳмон, *rolle* – роль) – артист (ёки артистлар жамоаси)нинг доимий иш жойидан ташқари (бошқа туман, шаҳар, мамлакат) да томоша кўрсатиши, концерт бериши.

ГРАФИКА (юн. *graphike, grapho* – ёзаман, чизаман) – тасвирий санъат тури. Расм ва расм санъатига асосланган, лекин ўз тасвир ва ифода воситаларига эга бўлган босма бадиий асарлар.

ГЎЗАЛЛИК – эстетика тушунчаси. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди. Хунукликнинг акси.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ – давлат герби ва давлат байроғи б-н бир қаторда давлат расмий рамзи ҳисобланадиган шеъринг-музикаий тантанавор асар, гимн.

ДЕКОРАЦИЯ – сахнада кўрсатилаётган воқеа ўрнини акс эттиришга, спектаклнинг ғоявий маъносини очишга хизмат қилувчи сунъий манзара, бадиий жиҳоз. Декорация рангтаъбир, графика архитектура, сахна техникаси, кинопроекция ва шу қабиларнинг тасвирий воситалари ёрдамида яратилади.

ДИД – ҳаёт ва санъатнинг барча соҳаларида инсоннинг эстетик ҳодисаларни фарқлаш, тушуниш ва баҳолаш қобилияти. Д. узок ижтимоий-тарихий тараққиёт, меҳнатнинг турли соҳаларидаги тажрибалар натижасида вужудга келади. Д.да шахс, гуруҳ ва халқнинг оламга эстетик муносабати тажрибаси инъикос этилиб, уни ҳар бир киши турли йўллار б-н ўзлаштиради, ўз индивидуал эстетик фаолияти б-н бойитади.

ДИРИЖЁР (франц. *diriger* – йўналтириш, бошқариш, раҳбарлик қилиш) – музика асарини ижро этувчи жамоалар (солистлар, хор, оркестр ва б)га раҳбарлик қилувчи санъаткор. Д. музика асарини оммавий ижросига қадар ижрочи жамоа билан бўлган ҳамма тайёргарлик (репетиция)ни олиб боради.

Асосий ижро вақтида эса (концерт ёки спектаклда) асарнинг ижро тезлиги, динамик туслари, айрим тўда ёки якка ижрочиларни тўхташ ёки ижро қилиш вақтларини кўрсатиб туради; жамоани бирлаштиради, руҳлантиради ва асарнинг бадиий ижроси учун ҳаракат қилади.

ДОРБОЗЛИК, дор ўйин – баланд дор устида томоша кўрсатиш санъати, цирк санъати жанри. Дор устида ҳар қандай нотурғун ҳолатда ҳам гавда мувозанатини сақлаш маҳорати намоиш этилади. Д. тахм. 2,5 минг йил муқаддам Шарқда пайдо бўлган, сўнг бутун дунёга тарқалган. Д. дастлаб паст қурилган, машқлари ҳам содда бўлган. Давр ўтиши б-н дор тобора баландроқ қурилиб, ўйинлари мураккаблаша борган. Д. ўйинлари аввал очиқ майдонларда, 18-а. охиридан эса цирк сахнасида намоиш этиладиган бўлди ва цирк санъатининг ажралмас қисмига айланди.

ДРАМА – 1) муаллиф нутқисиз, яъни диолог шаклида ёзилган ва сахнада ижро этиш учун мўлжалланган бадиий адабиётнинг лирика ва эпос каторидаги бир тури. 2) тор маънода – драматик адабиётнинг бир қисми, трагедиядан ҳаёт ходисаларининг ўртачароқ ўткирликда тасвирлаш билан, комедиядан эса ҳаёт ходисаларини кулги орқали эмас, балки жиддий тасвирлаш билан фарқ қилади.

ДРАМАТУРГИЯ (юн. *dramaturgia*) – 1) муайян санъаткор, давр ва халққа мансуб драматик асарлар мажмуи. Мас., Ҳамза, Фитрат Д.си, антик давр Д.си, Уйғониш даври Д.си, инглиз Д.си, ўзбек Д.си ва б.; 2) кино ва спектаклнинг образли талқини концепцияси. Театр Д.си бадиий драма асосида юзага келган, лекин ҳоз. театрда у режиссёр сценарийси ёрдамида амалга оширилади. Кино санъати Д.си сценарий шаклида бўлади.

ЁЗУВ – муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқатга хизмат қиладиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими. Ё.– кишилиқ жамияти маданий тараққиётининг том маънодаги ибтидоси, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий такомил жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири. Ё. тилдан анча кейин пайдо бўлган (товуш тили 400–500 минг йиллар илгари юзага келган, Ё.нинг пайдо бўлганига эса 4–5 минг йиллар бўлган).

ЁР-ЁР – никоҳ тўйи маросимлари жараёнида айтиладиган халқ кўшиғи. Қадим замонлардан ўзбек, тожик, уйғур ва туркман халқлари орасида кенг тарқалган. Иккилик ёки тўртлик шаклидаги термалардан иборат бўлиб, ҳар банднинг охири, баъзан ўртасида «Ёр-ёр, айланаман» каби сўзлар кўшиб айтилади.

ЖАНР (фр. *genre* – тур, услуб) – музика асарларининг турлари. Асарнинг тўзилиши, ижрочиларнинг таркиби, характери ва бошқа ҳолатлар билан Ж. бир-бирдан ажралади ва турлича бўлади.

ЖЎРНАВОЗЛИК – ўзбек ижрочилигида бир соз(лар) билан бошқа соз(лар)га жўр бўлиш; Хоразмда мақомларнинг чертим йўллари тибур, гижжак, буламон ва доирада ижро қилиши.

ЗАРГАРЛИК – бадиий ҳунармандлик соҳаси; олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металлдан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар), безак буюмлари яшаш касби. Заргарлар безак буюмлари тайёрлашда қуйиш, болғалаб (зарб бериб) яшаш, ҳаллаш (олтин ва кумуш суви юритиш), ўйиб ёки бўрттириб нақш яшаш, босма, зиғирак, совокори, қолипаки, шабака каби усуллардан кенг фойдаланади.

ИБТИДОИЙ САНЪАТ – ибтидоий жамоа тузуми даври санъати. Илк намуналари ҳозирги типдаги одам пайдо бўлган сўнгги палеолит даври (тахминан мил. ав. 30-минг йилликлар) га мансуб. И. с. ибтидоий жамоа кишисига дунёни ўзгартиришда орттирган тажрибаларини авлоддан авлодга узатувчи куч, дунё тўғрисидаги тушунча ва билимларини акс эттирувчи восита бўлиб хизмат қилган.

КАРНАВАЛ (лот. *carus navalis* – ажойиб арава, байрам маросимлари кемаси) – асосан, очик ҳавода ўтказиладиган театрлаштирилган ўйинлар, кўча намоишларидан иборат оммавий сайилнинг бир тури. Ўил фаслларининг алмашуви, баҳорги деҳқончилик ва б. байрамлар б-н боғлиқ мажусийларнинг маросимларидан бошланган.

КАТТА АШУЛА, патнусаки (патнис) ашула – Фарғона водийсига хос бўлган ўзбек анъанавий ашула йўли. Одатда, 2–5 ҳамнафас ашулачи (хофиз) томонидан чолғу жўрлигисиз (қўлларига патнис ёки ликобча ушлаган ҳолда) айтилади.

КАШТАДЎЗЛИК, каштачилик – кашта тикиш касби, амалий санъатнинг қадимги соҳаларидан бири. Археологик топилмалар К.нинг деярли барча халқларда қадимийлигини, иқлим, табиий шароит, муҳит б-н боғлиқ ҳолда ҳар бир халқнинг маданияти, санъати, касб-ҳунар турлари б-н бирга, уларнинг таъсирида ривож топганини кўрсатади.

КИНО САНЪАТИ – кинематографиянинг техник воситалар асосида шаклланган бадиий ижод тури; экран санъатининг муҳим таркибий қисми; реал борлиқни айнан ёки бадиий-ҳужжатли образлар, мультипликация воситалари ёрдамида суратга олиш; кинофильмларнинг омма орасида кенг тарқалиши учун хизмат қиладиган телевидение, видеокассета ва видеодискларни ҳам ўз ичига олади.

КИНОКОМЕДИЯ (кино... ва комедия) – кино санъати тури. Фильмда характер, конфликт, вазиятни тасвирлашда томошабинда кулги кўзғатиш К.нинг асосий хусусиятидир. Юмористик ва ҳажвий жиҳатлари бир-бирига боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Киноводевилъ, эксцентрик «комик», лирик, маиший, ҳажвий, трагикомик, фантастик К. жанрлари кенг тарқалган.

КИНОФЕСТИВАЛЬ (кино... ва франц. festival – байрам) – кино санъати асарларининг турли шаклда ўтказиладиган кўриги. Кинематографияси ривожланган кўпгина давлатлар миллий кино санъатининг энг яхши ютуқларини намойиш этиш, кейинги ривожланиш йўналишини белгилаб олиш, халкларнинг ўзаро яқинлашуви, санъат ривожига ўз ҳиссаларини кўшиш мақсадида К. лар уюштиради. К.нинг анъанавий тури – халқаро кинофестиваллардир.

КИТОБАТ САНЪАТИ (араб, катаба – ёзиш, ёзмоқ сўзидан) – қўлёзма китобларни яратиш ва зийнатлаш. Марказий Осиёда (жумладан, Ўрта Осиёда) қўлёзма китобларни безаш жуда қадимдан маҳаллий маданият тараққиёти босқичлари б-н боғлиқ ҳолда шаклланган. Энг қадимги китоблардан «Авесто» қўлёзмалари; суғд тилида яратилган «Вессантарака жатака» асари (унинг варақлари турли мамлакатлар — Россия, Франция, Англияда сақланади); сопол юзасидаги битиклар, чарм ўрамлари, металл буюмлардаги ёзувлар, қоғоз варақ тахламалари (тахтачалар орасига олиб тизимчалар б-н боғланган тури) ва б. Ўрта асрларда умум мусулмон ёки араб тилидаги қўлёзма анъаналарига асосланган.

КОМПОЗИТОР – (лот. – compozitor – ижодкор) – мусиқа асарини яратувчи ижодкор. Профессионал К.лар мусиқий олий таълим муассасаси – консерваторияда композиторлик йўналиши бўйича таҳсил оладилар. К. маълум бир мавзуни бадиий тасвирлаганидек, халқ ижодиёти, яъни фольклордан фойдаланиб ёки шу фольклор материални ўзгартмаган ҳолда, уни бойитиб, бадиийлаштириб беради. К.ларнинг ижоди халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланган, улар ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак савиядаги мусиқа асарлари яратувчи ижодкордирлар.

КОНСЕРВАТОРИЯ (итал. conservatorio – бошпана) – махсус мусиқа ўқув юрти. Турли йўналишлардаги мусиқа ижрочилиги, композиторлик ва мусиқашунослик соҳалари бўйича муайян тизимда таълим беради. Даставвал Италияда етим ва қаровсиз болаларга мўлжалланган бошпана – К. (биринчиси Неаполь, 1537) деб аталиб, унда турли хунарлар қатори мусиқа (асосан, кўшиқчилик) ҳам ўқитилган.

КОНЦЕРТ (лот. concerto – мусобақалашаман) – 1) олдиндан эълон қилинган дастур асосида санъаткорларнинг махсус жой (зал, сахна)да чиқиши; мусиқа, адабий, эстрада асарларини оммавий ижро этиш. К. дастлаб

мумтоз (симфоник, камер, яккахон вокал ҳамда якканавоз чолғу ва б.) мусиқа асарларини ижро этилиши ҳамда тингланиши учун ташкил этилган жамоа тадбири сифатида намоён бўлган; 2) Европа мумтоз чолғу мусиқаси жанри, бир ёки бир неча якканавоз созлар ва оркестр учун ёзилган мусиқа асари. 17-а. охири – 18-а. 1-ярмида Европа санъатида вужудга келган. Якканавоз чолғу б-н оркестр (ёки чолғу гуруҳлари) ўртасида ижодий мусобақа, мунозара К.нинг ўзига хос хусусиятидир.

КУТУБХОНА – босма ва айрим қўлёзма асарлардан оммавий фойдаланишни таъминловчи маданий-маърифий ва илмий муассаса; мунтазам равишда босма асарлар тўплаш, саклаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот-библиография ишлари б-н шуғулланади, омманинг маданий савиясини оширишда фаоллик кўрсатади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш К.нинг асосий фаолияти бўлиб, қолган барча фаолиятлар (китоб фон-дини бутлаш ва уни ташкил этиш, фонд мазмунини ёритиш, уни китобхонларга етказиш кабилар) асосий фаолият учун хизмат килади.

КЎРГАЗМА – инсоннинг моддий ва маънавий фаолияти соҳаларидаги ютуқларни оммавий намойиш этиш. Ҳозирги замон К.лари мақсадларига кўра, савдо К.лари (асосан, тижорат мақсадида уюштирилади), маърифий-тарғибий (информацион) К.лар (бадий, илмий-техника, саноат, транспорт ва б. соҳалардаги ютуқларни тарғиб қилиш); даврийлигига кўра, мунтазам ўтказилувчи (ҳар йили, бир, икки, уч йилда бир марта ва ҳ.к.), номунтазам ўтказилувчи (юбилейлар, конгресслар, курултойлар ёки бирор бошқа муносабат б-н), доимий ишлайдиган К.лар; намойиш этиладиган экспонатлар мазмунига кўра, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, фан, техника ва маданият соҳаларидаги ютуқлар ва маҳсулотлар намойиш қилинадиган универсал К., саноат, қишлоқ хўжалиги, санъат ва б.нинг бир ёки бир неча ёндош тармоқларини қамраб олувчи ихтисослашган К.лар; қатнашчилари таркибига кўра, жаҳон, халқаро, миллий, минтақавий ва б.га бўлинади.

ЛАЗГИ – Хоразм халқ куйи ва рақси. Куй кичик муқаддима ва 3 қисмдан иборат. 6/8 ўлчовли гул уфори усулида ижро этилади. Рақс секин ва оддий ҳаракатлар б-н бошланади – олдин бармоқлар, билаклар, елка ва кейин бутун тана жонлана бошлайди. Сўнгра бирданига кўл, оёқ, тана иштироқ эта-диган мураккаб ҳаракатлар уланиб кетади. Куйнинг бир қисми такрорланган ҳолда рақс ҳаракатлари алмашиб боради. Куй характери ўзгариши ва суръат тезлашиши б-н рақс тобора қизғинлаша бориб, кескин ҳолда тамом бўлади. Эрақлар (жанговар ва қаҳрамонлик руҳида) ва аёллар (лирик, ҳазиломуз) рақслари фарқланади.

ЛАПАР – бир ёки бир неча ижрочи томонидан навбат билан айтиладиган бандли ашула шакли. Л. кўпроқ ҳажвий-танқидий, турмушдаги айрим камчиликларни ифодаловчи мазмунда бўлади ва рақс билан ижро этилади.

ЛИРИКА (лира) – бадиий адабиётдаги 3 асосий адабий тур (эпос, драма, лирика) нинг бири. Л.да мавжуд объектив воқеликдан кўра ижодкор шахсининг ҳис-туйғулари, қалб кечинмалари, лирик қаҳрамоннинг ички дунёси биринчи ўринда туради.

МАВСУМ МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ – халқ оғзаки ижодининг йил фасллари белгилловчи, турли маросим ҳамда анъанавий байрамлар жараёнида ижро этилган қадимий қўшиқ турларидан.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШ – кенг оммани маданий ва маърифий тарбиялаш, уларнинг умумий маданий савиясини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишга кўмак берувчи тадбирлар тизими. М.-м.и. мазмуни, вазифаси, мақсади ҳар бир даврнинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий, ғоявий хусусиятларига боғлиқ ҳолда шаклланиб ривожланади. М.-м.и. кенг маънода ўқув муассасаларидан ташқарида инсоннинг маданий ва маънавий ўсишига кўмаклашувчи барча ишлар (клуб ташкилотлари, оммавий кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти)ни қамраб олади, музей, кинотеатр, театр ва б. муассасалар ишлари, шунингдек, радио ва телевидение муҳим ўрин тутди.

МАДАНИЙ МЕРОС – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

МАДАНИЯТ – жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. «М.» тушунчаси муайян тарихий давр (антик М.), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек М.и), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас., меҳнат М.и, бадиий М., турмуш М.и)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода «М.» атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ – аҳоли маданий ҳордиқ чиқарадиган, турли безакли дарахт ва гулзорлар б-н жиҳозланган, кўкаламзорлаштирилган маскан. М. ва и.б. боғ тўзиш санъатининг ўзига хос услублари асосида барпо этилади.

МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ВА УЙЛАРИ – йирик клуб муассасалари.

Аҳолнинг маданий дам олишини уюштириш мақсадида қурилади. М.с. ва у.да кўп ўринли томоша ва маъруза заллари, доимий киноқурилмалар, кутубхоналар, тўғарак машғулотлари, тасвирий санъат ва б. учун алоҳида хоналар бўлади. М.с. ва у.да кўрғазмалар ташкил қилинади, маъруза, мавзули кечалар, атоқли кишилар б-н учрашувлар, байрам кечалари ва б. маросимлар ўтказилади. Турли бадий тўғараклар ишлайди. М.с. ва у. фаолияти халқ ижоди ва бадий ҳаваскорликнинг барча турларини ривожланишига ёрдам беради. Уларда халқ театрлари, оркестр, хор, опера ва хореография жамоалари, ашула ва рақс ансамбллари ижод қилади.

МАРОСИМ – 1) диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати б-н ўтказиладиган маърака, йиғин: диний маросимлар, тўй маросимлари, дафн маросими ва б; 2) тантаналар б-н ўтказиладиган расмий йиғин: юбилейлар, мукофот бериш маросими, ҳайкалнинг очилиш маросимлари ва б.

МАЪНАВИЯТ (араб. «маънавият» – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳукукий, эстетик, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. М. мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади. Одамзод пайдо бўлиб, кўп минг йиллик тараққиёт жараёнида ўзини ўраб олган табиатни, турли ҳодисалар, воқеалар, ҳаётий жараёнларни кузатган, уларнинг сабаблари ва қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилган, турли тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиб келган.

МАЪРИФАТ (арабча «арафа» – «билмоқ» сўзидан) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. «М.» тушунчаси «маънавият» ва «маданият» тушунчалари билан чамбарчас боғлангандир; М. тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир. М. ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Сўфийлар назарида тариқатнинг давоми ва ҳосиласи М.дир. У фикрдан ўзиб кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ – маълум бир элат, миллат, халқ томонидан узок тарихий ривожланиш жараёнида яратилган, уларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини ифода этган моддий ва маънавий бойликлар мажмуи. М.м.га тил, турмуш тарзи, менталитет, урф-одатлар, дин, халқ ижоди, архитектура, адабиёт, мусиқа, ахлоқий-маънавий қадриятлар ва ҳоказолар киради.

МАҚОМ (араб. – жой, макон, ўрин) – мусулмон Шарқи мусиқасида асосий тушунчалардан бири. Дастлаб муаян баландликдаги товушни ҳосил этиш учун торли чолғунинг дастасида бармоқ б-н босиладиган жой, парда маъносида ишлатилган. Кейинчалик Шарқ мусиқа назарияси ривожланиши жараёнида М.нинг мазмун доираси тобора кенгайиб, бир-бирига нисбатан боғлиқ бошқа маъноларни ҳам англата бошлади: лад тўзилмаси, лад тизими;

муайян пардалар заминиди вужудга келган куй-оҳанглар; шакл, жанр; бир қисмли ёки туркумли чолғу ва ашула йўллари; муסיқий услуб ва б.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга жиҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавий бойликлар. М.қ.и бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллат – М.қ.нинг соҳиби; миллатнинг таназзули – М.қ.нинг таназзулидир. М.қ.миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

МОНУМЕНТ (лот. monumentum – ёдгорлик) – йирик тарихий воқеа, буюк жамоат арбоби ва б. шарафига бунёд этилган йирик ҳажмдаги ёдгорлик, ҳайкал. Одатда М. меъморий ансамблда ғоявий ва ҳажмли кенгликнинг асосини ҳосил қилади ёки ҳайкалли меъморий мажмуанинг таркибига киради.

МУЗЕЙ (юн. musion – музаларга бағишланган жой) – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий-маърифий муассаса. М. хазинасида, асосан, моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек, санъат асарлари жамланади, шу б-н бирга ёзма манбалар (қадимдан ҳозирги давргача бўлган тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар) сақланади. Замонавий илмий таснифда М. тур ва соҳалар бўйича фарқланади. Ижтимоий вазифасига кўра илмий тадқиқот-маърифат (М.нинг асосий қисмини ташкил этади, баъзан улар халқ М., оммавий М. деб ҳам аталади), тадқиқот (илмий тадқиқот институтлари қошида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтовчи) ва ўқув М.ига бўлинади. Соҳалар бўйича тарих, қишлоқ хўжалик, табиатшунослик, санъатшунослик, адабиёт, техникага оид ва бошқа М.га бўлинади. Шунингдек, М.нинг мемориал музейлар, мажмуа ўлкашунослик каби турлари бор. М.лар катта илмий тадқиқий ва тарбиявий ишларни олиб боради: тўпламларни бутлайди ва ўрганади; илмий ҳужжатларни тайёрлайди, музей ашёларини сақлаш ва таъмирлаш тартибини яратади, монография, каталог, йўл-кўрсаткичлар нашр этади; замонавий музейшунослик ишлаб чиққан илмий усул ва методология асосида экспозицияларда илмий ташвиқотлар олиб боради.

МУЗЕЙШУНОСЛИК – музейлар тарихи, уларнинг ижтимоий вазифалари, музей иши назарияси ва методикаси масалаларини ўрганадиган фан тармоғи. М. тизимида музей иши назарияси, музей иши тарихи (музей тарихшунослиги б-н), музей манбашунослиги, музейлар ва музей тадқиқотлари фаолиятига доир барча ўзига хос томонларни ўрганувчи илмий методика киради. М. музей буюмларини жамлаш, музейга келувчиларни ўрганиш жараёнида дала тадқиқотлари усуллари ва бевосита мунтазам

кузатув ишлари, ижтимоий усулларни қўллайди. М.нинг бошқа фанлар б-н ҳар томонлама узвий боғлиқлиги унинг объектив жиҳатдан мураккаблигини белгилайди. М. ҳам ижтимоий, ҳам табиий фанлар б-н бирдек боғлиқ, айниқса, музейнинг мавзуига оид фанлар ва ёрдамчи фан соҳалари (тарих, археология, геология, этнография, адабиётшунослик, зоология, санъатшунослик ва б.) б-н умумий томонлари кўп. М.да музейларнинг табиат ва жамиятни ўрганиш б-н узвий боғлиқ бўлган манбаларни жамлаш, музей буюмларини илмий ҳужжатлаштириш, ўрганиш ва сақлаш, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш, илмий-маърифий, ғоявий-тарбиявий фаолияти ва б.да намоён бўладиган ижтимоий вазифалари устида тадқиқотлар олиб боради. Музейларни тўлдириш, ёдгорликларни ҳисобга олиш, сақлаш ва реставрация қилишнинг илмий тамойиллари ишлаб чиқилади. М. соҳасидаги ишлар йирик музейлар, таъмирлаш устахоналари ва илмий тадқиқот институтларида амалга оширилади. Халқаро миқёсда музей ишини мувофиқлаштириш ва тажриба алмашиш ишларини кўп мам-лакатларда миллий кўмиталари бўлган ЮНЕСКО қошидаги Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) амалга оширади.

МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНА – табиий, тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни сақловчи илмий-тадқиқий ва маданий-маърифий муассаса; таркибига экспозициядан ташқари қўриқхона ҳудудида жойлашган меъморий, тарихий ва б. ёдгорликлар ҳам кирадиган музейлар. М.-қ.нинг тарихий-бадиий, тарихий-меъморлик, тарихий-маданий, ҳарбий-тарихий, шунингдек комплекс (мажмуа) турлари бор.

МУМТОЗ АДАБИЁТ – миллий ва жаҳон бадиий маданияти хазинасини ташкил этган, кўпчилик томонидан тан олинган машҳур асарлар силсиласи.

«**МУНОЖОТ**» (араб. – ялиниш, ёлвориш) – йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлар туркуми. 3 асосий қисмдан ташкил топган: «М.», «Савти М.» ва «Уфари М.». Туркумли ижрода баъзан «Савти М.»дан кейин «Оромижон» номли куй уланиб, сўнгра «Уфари М.» янграйди. Умумий парда тўзилиши ҳамда бош куй мавзуи бўйича улар Дугоҳ ва Чоргоҳ мақом йўлларига мос келади. «М.» туркумининг таркибий қисмлари бир-биридан асосан усул негизи б-н фаркланади (сарахбор, кашқарча, уфар). Шу б-н бирга ўзбек мусиқа меросида «Мўғулчаи М.», «Мухайяри М.», «Қашқарчаи М.» номли чолғу куйлар ҳам мавжуд.

МУСИҚА (юн. *mousiche* – музалар санъати) – инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. Унинг мазмуни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян мусиқий-бадиий образлардан иборат. М. инсоннинг турли кайфиятлари (мас., кўтаринкилик, шодлик, завқланиш,

мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ва б.)ни ўзида мужассамлаштиради.

МУСИҚА МАКТАБЛАРИ, болалар мусиқа мактаблари – бошланғич мусиқа таълимини берувчи махсус ўқув юртлари. М.м.га асосан умумтаълим мактабларида ўқийдиган истеъдодли болалар ва ўсмирлар қабул қилинади. М.м.да мусиқа чолғу асбоблари (фортепиано, скрипка, виолончель, труба, кларнет, аккордеон ва б., ўзбек халқ чолғуларидан – доира, қашқар рубоби, дутор, ғижжак, чанг, най ва б.)да чалиш ўргатилади; мусиқа саводи ва элементар мусиқа назарияси, сольфежио, мусиқа адабиёти, хор кўшиқчилиги бўйича таълим берилади. Ўқиш муддати 5 (халқ, урма ва пуфлама чолғулари бўлимларида) ва 7 (Европа чолғу асбоблари бўлимида) йил.

МУСИҚА ТАНЛОВЛАРИ ВА ФЕСТИВАЛЛАРИ – хонанда, созанда, композитор, бастакор, мусиқа жамоалари ва б.нинг ижодий мусобақалари ва концерт тадбирлари. Одатда, олдиндан эълон қилинган шартлар асосида ўтказилади. Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё халқлари маданиятида М.т. ва ф. қадимдан ривожланиб, ҳозиргача ўзининг анъанавий шаклида сақланиб келган: мас.,қозоқ оқинлари, ўзбек бахшилари, қорақалпоқ жировлари, қирғиз манасчиларининг айтис (айтишув)лари ва б.

НАВО (форс. – куй, оҳанг) – Ўн икки мақом тизими ҳамда Шашмақом таркибидаги учинчи мақом. Шашмақомдаги Н.нинг чолғу қисмлари Таснифи Н., Таржеи Н., Гардуни Н., Нағмаи Орази Н., Муҳаммаси Н., Муҳаммаси Баёт, Муҳаммаси Ҳусайний, Сақили Н. деб аталади. Улар муайян куй мавзулари ва доира усуллари негизида яратилган. Н.нинг ашула бўлими 2 гуруҳ шўъбаларга бўлинади. Биринчи – Сарахбори Н. (2 таронаси б-н), Талқини Баёт (таронаси б-н), Насри Баёт (2 таронаси б-н), Орази Н. (3 таронаси б-н), Ҳусайний Н. деб номланувчи шўъбалар ҳамда Уфари Баёт (Супориши б-н) қисмларидан ташкил топади. Улар навбатма-навбат туркум тарзида турли доира усулларида айтилади. Иккинчи гуруҳ шўъбалар – Савти Н., Мўғулчаи Н. ва Мустазоди Н. деб юритилади. Уларнинг ҳар бири Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар каби шохобчалардан тўзилган. Н. шўъбалар шакли анча мураккаб бўлиб, даромад, миёнхат, дунаسر, авж ва туширим тўзилмаларидан ташкил топади. Н.нинг шўъбаларида, асосан, Ораз ва Баёт намудларидан авж сифатида фойдаланилган.

НАҚҚОШЛИК, нақшкорлик – амалий санъатнинг қадимий соҳаси; нақш яратиш касби. Наққош уста қоғозга ёки матога нақш мужассамотини ёки нақш тақсимини чизиб олади (айниқса, гириҳ ва ислимий каби мураккаб нақшларда), ахта, андоза тайёрлайди.

НОТА (лот. nota) – 1) мусиқа асарларини ёзиб олиш учун қўлланиладиган ёзув белгиси; 2) мусиқа асари ёзилган варақ, дафтар, китоб ва б.

ОБИДА (араб.) – моддий маданият ёдгорликлари (қ. Ёдгорлик).

ПАРК (лот. *parcus* – охото қилинган жой) – кишиларнинг дам олиши учун барпо этилган боғ.

ПРЕМЬЕРА (франц. *Premiere* – биринчи) – спектакль, эстрада, цирк томошалари, янги кинофильм (телефильм) нинг биринчи бор оммавий намойиш қилиниши.

ПРОДЮСЕР, продюсер (инг. *producer, produce* – яратиш) – ривожланган мамлакатларда фильм ишлашда ғоявий-бадий ва ташкилий-молиявий жиҳатдан назорат қилишни амалга оширувчи кинокомпаниянинг ишонган кишиси. Режиссёр, актёр, сценарийчилар ҳам П. бўлиши мумкин.

РАСМ, каламтасвир – текис юзага қўлда чизик ва нурсоя (оқ-қора бўёқ доғлари) ёрдамида ишланган тасвир; рассомлик санъати (рангтасвир ва графика)ниш ифода воситаси. Р.да асосий ифода воситаси чизик бўлиб, қўлда графика воситалари қалам, перо ва б. ёрдамида чегара чизик (контур чизик) ёки қисқа ва юлиқ чизик (штрих)лар ҳамда бўёқ доғларида бир хил (ахроматик) рангда бажарилади.

РАССОМ (араб.) – тасвирий санъат соҳасидаги ижодкор. Қоғоз, картон, мато ва б. материалларга, шунингдек, биноларнинг девор ва шифтларига турли усулларни қўллаган ҳолда бадий асар яратувчи санъаткор. Р. инсон фаолияти, ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларнинг шаклини, ҳажмини яратишга, уларни дид б-н безатишга ҳам ҳисса қўшади (яна қ. Рассомлик санъати).

РАССОМЛИК САНЪАТИ – асарлари бирор юза (қоғоз, мато, тахта, девор ва б.)га бўёқ (акварель, мойбўёқ, темпера, гуашь, елимбўёқ), қалам, рангли тош, шиша ва ҳ.к.да ишланадиган тасвирий санъат тури.

РАҚС – санъат тури. Бунда раққос(а)нинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратиш Р.нинг асосий воситасидир. Инсоннинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган эмоционал таассуротлари б-н боғлиқ ҳолда юзага келган. Дастлаб қўшиқ ва сўз б-н боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Р. асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шаклларга эга бўла борган. Ижрочининг либоси Р. образларига аниқлик беради.

РЕЖИССЁР (лот. – бошқараман) – спектакль, фильм, теле- ва радио кўрсатув ва эшиттиришларини, эстрада ва цирк дастурларини сахналаштирувчи шахс. Ўз ижодий ўйлари, мақсади асосида томошанинг барча иштироқчилари - актёр, рассом, композитор, кинода оператор ишини

бирлаштириб, янги томошавий воқелик яратади (яна қ. Режиссёрлик санъати).

РЕЖИССЁРЛИК САНЪАТИ, режиссура – гармоник бир бутун ва муайян яхлитликка эга бўлган томоша, кўриниш яратиш санъати (театр, кино, телефильм, цирк ва эстрадада). Реж. сахна асари ёки кинофильм яратиш жараёнида ижодий ходимлар - актёр, яккахон, рассом, композиторга (кино ва телевидениеда операторларга ҳам) ва ёрдамчи ходимларга раҳбарлик қилади. Р.с. драма театрида пьеса танлаш, унинг гоёси, жанр ва бадиий хусусиятлари, тасвирланаётган давр, муаллифнинг ижобий услубини ўрганишдан бошланади.

РЕПЕРТУАР (франц. repertoire, лот. repertorium – рўйхат, изоҳлаш) – драма театри, мусикали театр, эстрада концерти ёки айрим артист томонидан ижро этиладиган асарлар мажмуи. Р. услуби ва жанрига кўра ҳам фарқланади (романтик Р., комедия Р.и), «замонавий Р.», «мумтоз Р.» тушунчалари бўлади.

РЕПЕТИЦИЯ (лот. repetitio – қайтариш) – 1) театр, эстрада, цирк томошалари, концерт дастурлари, айрим чиқишлар, сахналарни (реж. раҳбарлигида) кўп марта (бутунлай ёки қисман) такрорлаш орқали тайёрлашнинг асосий шакли; 2) клавишли ва б. мусика асбобларида бир товушнинг тез такрорланиши; 3) фортепиано механизми хусусияти, у бир товушнинг ўзини тез такрорлаш имкониятига эга; оддий (секундига 6-8) ва мураккаб (секундига 12) зарбли Р. қилиш мумкин бўлган фортепианолар мавжуд.

РИВОЯТ (араб. – ҳикоя қилмоқ) – воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя; фольклор жанри. Ҳажми қисқа, 2 ёки 3 эпизоддан ташкил топади, анъанавий услубий шаклга эга бўлмайди. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади.

РОЛЬ (франц.) – 1) сахнада, экранда актёр томонидан ижро этилган бадиий образ. Ҳажвий (комедик), фожиавий (трагик), драматик, трагикомедик, шунингдек, биринчи (асосий) ва иккинчи даражали (эпизодик) Р. бўлади; 2) актёрнинг спектакль давомидаги нутқи; 3) кўчма маънода вазифа, аҳамият, мавқе, ҳисса ва ҳ.к.

РУБОБ, рабоб – Осиёнинг айрим халқлари (хусусан, ўзбеклар, тожиклар) орасида қадимдан кенг тарқалган торли тирнама мусика чолғуси. Ўрта Осиё халқларига нисбатан жанубий Хитойнинг Синьцян вилоятида яшовчи уйғурлар орасида кенг тарқалган тури қашқар Р.и дейилади. Р. косаси ўйма, яъни ўйилиб ишланган ва устига тери қопланган, дастасига металл пардалар

ўрнатилган бўлади. Р.да бешта тор бўлиб, тўрттаси металл симдан, биттаси ичакдан ясалади.

САЙИЛ – йилнинг маълум фаслларида ўтказиладиган сайиллар, сайр-томошалар. С.лар одатда Наврўз ва диний байрамлар (Рўза ва Қурбон хайитлари)да ва йилнинг қулай пайтларида ташаббускор кишилар томонидан ташкил этилган. С. шаҳарларда, регистон майдонларида, чорсу ва расталарда, шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда, шунингдек, қадамжоларда ўтказилиб, бир икки ҳафта давом этган. Сайилгоҳларда ошхона, чойхона, нонвойхоналар қурилган, мева-чева, атторлик, баққоллик дўконлари очилган. Пойга, улоқ, кўпқари, кураш, чавгон мусобақалари, дарвоз, хофиз, созанда, раққос, масҳарабоз, қизиқчиларнинг чиқишлари, айиқ, илон ўйинлари, туя, кўчқор, хўроз, ит уриштириш, мушакбозлик томошалари кўрсатилган.

САНЪАТ – ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. С. қадимий тарихга эга бўлиб, у жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни б-н, кишилар ижтимоий фаолиятининг ривожланиши б-н боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган. Ибтидоий С.нинг дастлабки излари сўнгги палеолит даврига, тахминан мил. ав. 40–20-минг йилликка бориб тақалади. У даврда ҳали С. инсон фаолиятининг мустақил шакли сифатида ажралиб чиқмаган эди. Чунки маънавий моддий и.ч. билан қоришиқ ҳолатда эди. Кейинчалик маданиятнинг ўсиши натижасида С. алоҳида соҳа сифатида аста-секин ажрала борди.

САҲНА – 1) театр биносининг томошабинга яхши кўринадиган, актёрлар учун қулай бўлган томоша кўрсатиладиган қисми; 2) пьеса ва спектакллардан бир кўриниш.

СИМФОНИЯ (юн. symfonia – оҳангдошлик) – симфоник мусиқанинг етакчи жанри, композиторлик йўналишидаги чолғу мусиқанинг олий шакли. Симфоник оркестр ижросига мўлжалланган; баъзи Сларда хор ва яккахон хонандалар ҳам жалб этилади. Бундан ташқари, торли оркестр, пуфлама созлар оркестри ва б. оркестрларга мўлжалланган Слар ҳам учрайди. С.нинг мумтоз шакли умумий ғоя ва яхлит драматургияга асосланган 4 қисмли туркумни ташкил этади: 1-қисми – мавзуларнинг қарама-қаршилиги ҳамда жадал ривож б-н боғлиқ бўлади; 2-қисми – лирик чекиниш вазифасини бажаради; 3-қисми – менуэт ёки скерцо характерида ёзилади; 4-қисми – кўпинча тантанавор, жўшқин хотимадир.

СПЕКТАКЛЬ (лот. spectaculum – томоша) – театр санъати асари. Постановкачи-режиссёр бошчилигида театр жамоаси (актёрлар, рассом, композитор, балетмейстер ва ҳ.к.) томонидан яратилади. С. асосида пьеса (опера ва балет композитор партитураси, либретто, сценарий) мазмуни б-н белгиланувчи ғоявий ният ётади. Танланган пьесанинг талқин режалари,

декорация ва либосларнинг эскизлари, роллар тақсимооти театр бадиий кенгашида муҳокама қилинади. Режиссёр пьеса ва образларнинг талқин воситаларини муайян ғоя ва бадиий шаклга бўйсундиради, С.нинг кўринишлари, ечими ва рамзий ишораларини рассом б-н ҳамкорликда ҳал қилади. Актёрлар б-н ишлаш, мизан-саҳналарни белгилаш, саҳнавий образлар ва улар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш С. яратиш жараёнининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. С. синтетик асар бўлгани учун ундаги безак, жиҳоз, либос, пардоз, мусиқа ва рақс воситалари, чироқлар ва турли эффектлар уни янада бойитади.

СТУДИЯ (итал. studio – ўқиш, ўрганиш) – 1) рассом ёки ҳайкалтарош устахонаси; 2) рассом ёки актёрлар тайёрлайдиган мактаб; 3) ижодий фаолият б-н бир қаторда саҳна (ёки тасвирий) санъати асосларини ўрганадиган, асосан, ёшлардан ташкил топган театр (ёки рассомлар) жамоаси. С.нинг профессионал ва ҳаваскорлик турлари бор; 4) бадиий ва б. фильмлар яратувчи ижодий ва техник кино ходимлари жамоаси; 5) радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар олиб бориладиган махсус бино (радиостудия, телестудия); 6) овоз ёзиш хонаси. Мусикий асарлар ижроларини электр (магнитофон каби) ва электрон (синтезатор ва б.) воситалар ёрдамида ёзиб олиб фонограмма тайёрлайдиган махсус жой (мас, «Тарона рекорд» С.си ва б.).

СЦЕНАРИЙ (итал. scenario) – 1) пьеса мазмунининг қисқа баёни, импровизация театри, томошаси, балет спектакллари, оммавий томоша ва б. ўйинлар яратиладиган сюжет тўзилиши; 2) кино санъати ва телевидение воситалари ёрдамида гавдалантириб кўрсатишга мўлжалланган адабий асар.

СЮЖЕТ (франц. – предмет, мазмун, нарса) – бадиий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири б-н ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими. Барча эпик, драматик ва лиро-эпик турдаги бадиий асарларда С. мавжуд бўлади.

«**ТАНАВОР**», «Тановар» (форс. – жасур, қудратли, кучли) – 1) ўзбек халқ лирик куйи; Фарғона водийсида кенг тарқалган. Ўн бешдан ортиқ ашула ва чолғу йўллари маълум. Ашула йўлларида оммавийлашган «Т.-1» халқ шеъри («Қора сочим») б-н, «Т.-2» Муқимий шеъри («Энди сендек...») б-н айтилади.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ – рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графикани бирлаштирган нафис санъат тури; воқеликни унинг осонгина илғаб олинадиган фазовий шаклларда кўرғазмали образларда акс эттиради. Т.с. турлари ўз хусусиятларига қараб реал борликни объектив мавжуд сифатлари

– ҳажм, ранг, фазо, шунингдек, предметнинг моддий шакли ва нур-ҳаво муҳити, ҳаракат ва ўзгаришлари ҳиссини яратади, бунда тасвирнинг ҳиссий конкретлигидан иллюзионизмга ўтиш мумкин.

ТЕАТР (юн. theatron – томошагоҳ) – 1) санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйини жараёнида юзага келадиган сахнавий воқеадир. Т. санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти б-н боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради.

ТЕАТРАШТИРИЛГАН ОММАВИЙ ТОМОШАЛАР – ноанъанавий сахналарда ўтказиладиган, бирор мавзу ёки санага бағишланган, театр элементлари билан бойитилган, кўпчилик иштироқ этадиган тадбир.

ТЕАТРАШУНОСЛИК – театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда 20-а.да шаклланган. Т. дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти б-н боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусиқали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, сахна нутқи, декорация санъати, театр либоси ва пардози, сахна ҳаракати, хаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини уз ичига олади.

ТЕЛЕФИЛЬМ – телевидение учун мўлжаллаб ишланган фильм, экран санъатининг бир тури. Асосан, телевидение базасида яратилади. Хужжатли, бадиий, мусиқий, илмий-оммабоп, манзарали, тарихий бўлади. Тўлиқ ва қисқаметражли фильмлар ишланади. Катта кинодан кўп қисмли телевизион фильм ва телесериаллар яратиши б-н фарқланади.

ТРАГЕДИЯ (юн. tragos – эчки, ode – кўшиқ; tragodia – эчки кўшиғи) – драматик тур жанрларидан бири. Т. қаҳрамонлар ўртасидаги кучли зиддиятлар асосига қурилади; ундаги қаҳрамонлар тақдири фожиа б-н яқун топади. Т.да воқелик анча жиддий, ички қарамақаршилиқлар ўткир тарзда тасвирланади; конфликт шиддатли ва кескин тус олади. Т. бадиий ғояни ифодаловчи қаҳрамонлар характерининг ёрқинлиги, ички ҳаракатнинг юксаклиги ҳамда персонажлараро конфликтнинг кучлилиги б-н ўзига хослик касб этади.

ФАНТАЗИЯ (мусиқада) – бадиҳа услубидаги жанр; муайян композицион қолипларга боғланмаган (кўпинча чолғу) мусиқа асарларидан иборат. 16–17-а.ларда импровизация намуналари асосида юзага келган. 18-а.да клавир ва орган учун (айниқса, туркумли асарларда муқаддима кўринишида) Ф.лар кенг ривож топди (И.С. ва К.Ф.Э. Бахлар, В. А. Моцарт ва б.).

ФАНТАСТИКА (юн. phantastike – хаёлан тасвирлаш санъати) – бадиий санъат тури. Ф. реализм ва натурализм йўналишидаги санъат,

адабиётларнинг акси. Айрим ўринда Ф. реализм б-н ҳам қўшилиб кетади. Ф.нинг шакли мифологик тушунчаларни, эртактларни тасвирлашда кўринади.

ФИЛЬМ (инг. film – плёнка), кинофильм – бирин-кетин плёнкага туширилган фото тасвирлар мажмуи, улар бир сюжет асосида суратга олиниб, экран орқали кўрсатишга мўлжалланади; кино санъати асари.

ХАЛҚ ИЖОДИ – халқ оммасининг бадиий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти; анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор), халқ мусиқаси (мусиқа фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари (ракс), кўғирчоқбозлик, дор ва ёғоч оёқ ўйинлари (халқ цирки), халқ тасвирий ва амалий безак санъати ҳамда техникавий ва бадиий ҳаваскорлик каби ижодиёт турлари.

ХАЛҚ КУЙЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ – профессионал мусиқа – бастакорлик ва композиторлик ижодиёти соҳаси, муайян жанр. Кўп овозли мусиқа заминида аранжировка, гармониялашга қисман яқин, лекин услубан бирмунча мураккаб. Композиторлик мактаблари шаклланишида Х.к.қ.и. муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дастлабки босқич вазифасини бажаради, зеро миллий мусиқа услубларини ўзлаштиришда ижодий лаборатория вазифасини ўтайди.

ХАЛҚ МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ – халқлар ўртасида кенг тарқалган мусиқа чолғулари. Ҳар бир халқнинг ўзига хос Х.м.ч. – торли, пуфлама ва урма турлари бор; русларда–домра, балалайка, гусли, жалейка, баянлар; украинларда– бандура, кавказликларда – тар, соз; италянларда– мондалина; испанларда – гитара. Ўзбек чолғулари ҳам ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, улар қаторига най, дўмбира, дутор, танбур, сато, ғижжак, чанг, қўшна, карнай, сурнай, ноғора, доира ва б. киради.

ХАРАКТЕР – адабиёт ва санъат асарларида хусусий белгилари мукамал тасвирланган ва ўзида феъл-атвор (хатти-ҳаракат, кечинма, фикрий ва нутқий фаолият)нинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий-эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи.

ХАТТОТЛИК (араб. – хуснихат ёзувчи), каллиграфия – ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг китобаларини яратиш касби. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келди.

ХОРЕОГРАФИЯ (юн. choreia – рақс ва ... графия) – 1) шартли белгилар асосида ёки сўзлар б-н баён этиш орқали рақсни ёзиш. 15-а. охиридан рақсни ёзиш бўйича ўринишлар бўлган бўлса-да, асосан, 17-а. охири – 18-а. бошларидагина бал ва сахна рақси назариясини ишлаб чиқилгани туфайли бир гуруҳ француз балетмейстерлари ва рақс ўқитувчилари рақсни ёзиб олиш

тизимини ишлаб чиқдилар.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лот. *civilis*) – фуқароликка, давлатга тааллуқли), тамаддун – 1) кенг маънода – онгли мавжудотлар мавжудлигининг ҳар қандай шакли; 2) маданият сўзининг синоними. Бу термин кўпинча моддий маданият маъносида ҳам қўлланилади; 3) маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи (Миср Ц.си, Месопотамия Ц.си ва б.); 4) ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи.

ЦИРК (лот. *circus* – доира, айлана) – санъат тури. Акробатика, гимнастика, эквилибристика, клоунада, жонглёрлик, полвонлик, иллюзионизм, от ўйинлари, дорбозлик, ҳайвон ўргатиш каби жанрларни ўз ичига олади. Цирк артисти ақл бовар қилмайдиган ўйинлар кўрсатиб, инсоннинг чексиз имкониятларини намойиш этади, унинг ақли, эпчиллиги, жасурлиги, куч-кудратини улуғлайди ва Ц.нинг ўзига хос бадиий ифода воситалари орқали руҳан ва жисмонан баркамол инсоннинг умумлашган бадиий образини яратди.

ЧОЛҒУЛАШТИРИШ – муסיкий ижод тури; муסיка асарини муайян чолғу ансамбль ёки оркестр (оркестрлаш) таркиби ва ижросига мўлжаллаб мослаштириш. Ч. жараёнида композитор чолғулар хусусияти ва ифодавий имкониятлари, шунингдек, асарнинг бадиий мазмунидан келиб чиққан ҳолда овоз йўлларининг қайси созда ижро этилишини белгилайди. Ч. янги асарни ижод этиш пайтида ҳамда мавжуд асарни бошқа муסיка жамоаси ижросига мослаштириш (аранжировка) жараёнида намоён бўлади. Ч. махсус муסיка ўқув юртларида ихтисослашган фан сифатида ўқитилади.

ШАШМАҚОМ (форс. – олти ва мақом) – ўзбек ва тожик халқлари муסיкий меросида марказий ўрин тутган мақомлар туркуми; парда, оҳанг, усул, шакл, услуб каби воситалар б-н ўзаро узвий боғланган мумтоз куй ва ашулалар мажмуи. У муайян шарт-шароитларда муסיкий фольклор ҳамда касбий муסיка йўналишларида орттирилган кўп асрлик илмий-ижодий тажриба ҳамда изланишлар натижасида юзага келган. Ш. миллий ҳамда минтақавий мумтоз муסיка анъаналарининг тарихан узун тараққиёт жараёни натижасида бир қатор бастакорлар авлоди санъатининг қомусий маҳсулидир.

ШЕЪР (араб, шуур – сезги) – фикрнинг ҳис-туйғуга қоришиқ ифодаси сифатида вужудга келган, ҳаяжонли шеърий нутқ б-н ифода этилган, маълум ички оҳангга эга бадиий асар. «Ш.» атамаси ўрнига баъзан «назм» сўзи ҳам қўлланади.

ШЕЪРИЯТ, поэзия – шеърий асарлар мажмуи. Дастлаб Ш. дейилганда, умуман бадиий адабиёт тушунилган. Ш. бадииятга дахлдор саналган. Инсоният тарихида фақат шеър шаклида ёзилган битикларгина сўз санъатига

тегишли ҳисоблаб келинган.

ЭКСПОЗИЦИЯ (лот. Expositio – кўрсатиш, баён этиш) – бадиий асар, моддий маданий ёдгорликлар, тарихий ҳужжат ва б.нинг кўргазма ва музей залларида ёки очик жойларда маълум тизимда жойлаштирилиши. Доимий ва даврий Э.нинг мақсади барча экспонатларни уларнинг бадиий ва илмий қиймати, тарихий бадиий жараёндаги ўрни, материалларнинг аҳамиятини мукамал ёритиб беришдир. Э. эркин ёки томошабинларнинг танишиш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тўзилади. Замонавий шароитда Э. экспонатларни сақлаш қоидаларига жавоб берадиган махсус ускуналар, экспонатнинг қисқача характеристикаси ҳамда Э. хусусиятлари, асарлари баён қилинган ихчам матнлар б-н таъминланади.

ЭКСПОНАТ (лот. expono – кўргазмага қўйилган) – музей ва кўргазмаларга қўйиладиган ва намойиш қилинадиган нарса (бадиий асар, тарихий ҳужжат ва ҳ.к.).

ЭПОС (юн. epos – сўз, ҳикоя) – 1) бадиий адабиёт тури (лирика ва драма б-н бир қаторда); 2) халқнинг қаҳрамонона ўтмишини акс эттирувчи асар. Э. адабиётнинг уч туридан бири сифатида тафсилот тасвирига таянган бадиий асарлар жамини англатади. Унда муайян макон ва замонда кечадиган воқеа-ҳодисалар тафсилоти, албатта, мавжуд бўлади. Э.да сўз ёрдамида ўқувчи кўз ўнгида реал ҳаёт манзараларига мувофиқ келадиган бадиий воқелик яратилади.

ЭРТАК – халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳрли-саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асар. Асосан, наср шаклида яратилган. М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида этук шаклида учрайди ва бирор воқеани оғзаки тарзда ҳикоя қилиш маъносини билдиради.

ЭСТРАДА (испанча estrado – тахтасупа), эстрада санъати – 1) кенг маънода – кўнгилочар, оммабоп бадиий (абადий, мусиқий, рақс, томошавий ва б.) жанр ва шаклларнинг умумий ифодаси; 2) тор маънода – сахнавий профессионал санъат тури. Россия ва б. баъзи мамлакатларда Э., Англияда мюзик-ҳолл, Францияда варьете, кафе-шантан, кабаре, АҚШда шоу, ревью каби атамалар б-н юритилади. Э.нинг келиб чиқиши халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ бўлса-да, у муайян (тижорат-оммабоп) санъат тури сифатида 19-а.да Европа йирик шаҳарларининг демократик ижтимоий-маданий муҳитида юзага келган.

ЭТЮД (франц. etude – айнан машқ, ўрганиш) – 1) тасвирий санъатда борлиқ (натура)дан уни ўрганиш мақсадида яратилган асар. Ижодкор бадиий асар (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика) яратиш жараёнида Э.дан ёрдамчи манба сифатида фойдаланади.

ЮМОР (лот. humor – хилт) – кулги б-н хайрихоҳликни ўзида мужассам этган комиклик тури. Бадиий адабиётга мансуб юмористик асарда ёзувчи ижтимоий ҳаётдаги, шахсий турмушдаги, хусусан, айрим кишилардаги баъзи камчилик-нуқсонлардан кулиб, уни танқид қилади.

ЯЛЛА – ўзбек халқ ижодида кенг тарқалган, рақс б-н ижро этиладиган кўшиқ тури. Халқ сўзи, мумтоз ва замонавий шоирлар шеърларига айтилади. Я. якка, кўпинча 2 ва ундан ортиқ ижрочи томонидан (доира ва чолғу ансамбли жўрлигида) ижро этилади. Аксарият Я.лар ишқ-муҳаббат мавзуида бўлиб, жозибали, ўйноқи характерга эга.

ЎЙИН – тарбиялаш ва ҳордиқ чиқариш воситаларидан бири. Ў. инсониятнинг бутун тарихи мобайнида диний маросим, спорт, ҳарбий ва б. машқлар, шунингдек, санъат, айниқса унинг ижро шакллари б-н кўшилиб келган. Маълумки, инсон ўз ҳаётида ўйин, ўқиш, меҳнат, дам олиш каби машғулотлар б-н банд бўлади.

ЎЙМАКОРЛИК – амалий санъатнинг қадимий ва кенг тарқалган тури; ёғоч, ганч, металл, тош, суяк, терракота ва б.ни ўйиш, йўниш, кесиш йўли б-н бадиий шакл яшаш санъати. Буюмлар, турли асбобларни нафислаштиришда, биноларни безашда, кичик шаклли ҳайкалтарошлик композициялари яратишда кенг қўлланади.

ЎЛҚАШУНОСЛИК МУЗЕЙЛАРИ – илмий тадқиқот ва маданий-маърифий муассаса. Маълум географик ёки маъмурий ҳудуднинг тарихий ёдгорликлари, табиий, илмий ва бадиий тўпламлари, халқ санъати асарларини йиғади, сақлайди, илмий ўрганади, кўргазмалар уюштиради ва тарғиб қилади.

ҚАДРИЯТЛАР – борлиқ, жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қ. б-н боғлиқ масалалар ҳаётнинг энг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ – театр санъати тури. Чодир ичида ёки парда ортида яширинган актёр-қўғирчоқбозлар томонидан ҳаракатга келтириб кўрсатиладиган қўғирчоқлар томошаси. Қўғирчоқларнинг тури (тўла, ясси, шартли ёки натурал), бошқариш тизими (ип б-н бошқариладиган, қўлга кийиладиган, сояси тушириладиган, симли ва механик) ва катта-кичиклиги (бир неча сантиметрдан тортиб одам бўйидан ҳам юқори қўғирчоқлар) б-н боғлиқ ҳолда хилма-хил шакллари юзага келган.

ҲАВАСКОРЛИК ТЕАТРИ – театр санъати билан асосий машғулотлардан ташқари шуғулланадиганлар театри.

ҲАЖВИЯ – бадий адабиёт турларидан: сатира ва юмор, Ҳажвий асарлар танқидий руҳда бўлади. Ўтмишда Шарқ халқлари, шу жумладан, ўзбек адабиётида, асосан, шеърят ва фольклорда мустақил жанр сифатида ривожланган. Уларда жамият ҳаётининг, шунингдек, айрим гуруҳ ёки шахсларнинг аксарият ёмон томонлари тасвирланади.

ҲАЙКАЛ (араб.–катта, улуғ шакл) –1) тасвирий санъат асари; ҳайкалтарошлиқда. тош, ёғоч, суюқни йўниб, ўйиб, металл (асосан, бронза, зангламайдиған пўлат), бетон, гипсни қолипга қуйиб, қотириб, сопол, чинни ҳайкалчалар тайёрлашда лойга шакл бериб, кейин қиздириб ишланади. Монументал (очиқ ҳавода), дастгоҳли (бино ичида), безак (меъморлик, боғ-паркда), жуда кичик ҳажмда ишланадиган (уй ичида безак вазифасини ўтовчи) хиллари бор; 2) заргарлик буюми; қорақалпоқ аёлларининг мураккаб кўкрак тақинчоғи. Ҳайкел деб ҳам аталади.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК – тасвирий санъат тури; борлиқни ҳажмли шаклларда, маконда уч ўлчамда тасвирлашга асосланади. Тасвир объекти, асосан, инсон; шунингдек, ҳайвонлар (анималистика), табиат (манзара) ва нарсалар (натюрморт). Ҳ.нинг 2 асосий кўриниши – айланиб кузатиш имконини берувчи думалоқ ҳайкал ҳамда фақат бир томондан кўришга мўлжалланган бўртма (қабарик) тасвир рельеф тури фарқланади.

ҲОФИЗ (араб. – ёддан билувчи, сақловчи) – 7-адан арабларда Қуръон сураларини ёддан қироат б-н ўқувчи киши, қори. 11-адан мусулмон Шарқ мамлакатлари (жумладан, Ўрта Осиё ва Хуросон)да мумтоз ғазал ва дostonларни ёддан айтган кишилар, шунингдек, ўзи ҳам ижодкорлик қобилиятига эга, қуй-оҳангларни эсда сақлаш қувва (ҳофиза)си ўткир бўлган, юқори малакали ашулачи, хонанда (мас., Тўйчи ҳофиз, Левича ҳофиз, Мадумар ҳофиз ва б.).

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ – кино санъати тури. Унда ҳақиқий воқеалар киносурати материал бўлиб хизмат қилади. 1-ҳужжатли киносуратларни ака-ука Люмьерлар 1895 й. (Францияда) олишган. Ўзбекистонда 1-Ҳ.ф.ни Худойберган Девонов суратга олган. Овозсиз кино даврига мансуб Ҳ.ф.ларда асосан тасвир ҳал этувчи роль ўйнаган, воқеалар мазмуни титр (ёзув)ларда изоҳланган, ғоявий йўналишда воқеа образи ҳукмронлик қилган. Овозли кинога ўтилгач, фильм воқеалари дикторлар томонидан шарҳланган.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК, ҳунармандлик – миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида яқка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрланади.

IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини

тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б., Назирова Э.Ш., Садикова Ш.Ш. Тизимли таҳлил асослари.– Т.: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти”, 2014. –192 б.

31. Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков А.Н. Бошқаришнинг интеллектсуал тизимлари ва қарор қабул қилиш. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2015. -572б.

32. Холов А Х. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш. Дисс автореферати. –Т.; 2018.

33. Маннопов С. Ижтимоий-маданий фаолиятда сценарийчилик. Услугий қўлланма. –Т.; “Янги аср авлоди” . 2018.

34. Раҳимова Д.Н. Инқирозга қарши бошқарув. Ўқув қўлланма. –Т.; Гофур Гулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи . 2018

35. Бекмуродов М.Б., Умаров А.А. Ижтимоий маданий фаолият тарихи, назарияси ва амалиёти. Т.: Гофур Гулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. 2015.-315б.

36. Саматов Ғ.А. Лойиҳаларни молиялаштириш. Монография. –Т.; “Иқтисод молия” .2018.

37. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. –Т.; “Янги аср авлоди” 2012.

38. Тожибоев К. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. Наманган . 2015.

39. Исмадияров Я. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш. Дисс автореферати. –Т.; 2018.

40. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

41. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.

IV. Электрон таълим ресурслари.

42. www.ziyonet.uz

43. www.edu.uz

44. www.infocom.uz

45. www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/

46. www.learnenglishteens.britishcouncil.org/

47. www.learnenglish.britishcouncil.org/en/

48. www.gov.uz

49. www.dsmi.uz

50. www.dsmimarkaz.uz